

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЭТИКА, ЭСТЕТИКА ВА МАНТИҚ

(услубий кўлланма)

ТОШКЕНТ - 2011

Аннотация

Мазкур услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисидаги конун» ва «Кадрлар тайёрлаш миллӣ дастури» талаблари, шунингдек, Республика Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тавсия этилган намунавий ва ТДПУ «Фалса» кафедрасининг 2011 йил августидағи тасдиқланган ишчи дастури асосида тайёрланди.

Унда этика, эстетика, мантиқ фанларининг назарий асослари, мақсад-вазифалари, предмети, ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратилди. Қўлланма Олий таълимнинг бакалавриат босқичи талабалари учун мўлжалланган.

Тузувчилар: ф.ф.н.доц. М.Х.Тиллаволдиева,
катта ўқитувчи Ш.Холматова,
ўқитувчилар: М.Мамаджонова,
У.Мамаюсупов

Тақризчилар: ф.ф.д.проф. Э.М.Иззетова,
ф.ф.н.доц. Э.Х.Расулов.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети Илмий Кенгашининг 2011 йил ¼. 20-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

Кириш

Маълумки, Университет Олий ўкув юртларининг ўкув дастурларида “Этика, эстетика, мантиқ” фанлари бакалавриат босқичи талабалари учун 36 соагга мўлжалланган бўлиб, бундан маъруза – 14 соат, амалий машғулот – 22 соат ажратилган.

Мазкур фанларни ҳозирги кун талаб даражасида ўқитиш талабаларининг ахлоқий-эстетик-мантиқий фикрлаш қобилиятини ошириш тобора мухим аҳамият касб этмоқда. Ушбу фанлар инсоният тарихида икки минг йилдан кўпроқ давр мобайнида ўрганиб келинган. Улар ёшлиларга ўз атрофидаги оламни ўрганиш, олам ҳақидаги билимларини кўпайтириш, ахлоқий ҳодисалар, гўзалликни англай олиш, олижоноблик, улуғворлик, бошқа инсонлар билан ўзаро муносабатга киришишда мантиқий хатоларга йўл қўймаслик каби мухим вазифаларни бажарилга хизмат қиласди. Шунингдек “Этика, эстетика, мантиқ” фанларини ўзлаштириш жараёнида амалга оширадиган масалалар доирасида бакалавр ахлоқнинг келиб чикиши, ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар, фукаролик жамияти, оила ва давлат, аждодларимиз ахлоқий - дидактик дурдонлар, шунингдек нафосатчиносликка оид гўзаллик ва хунуклик, улуғворлик ва тубанлик, фожиявийлик ва кулгилилик моҳиятини англаш ва муносабат билдириши, билиш жараёни ва боскичлари, тафаккур шакллари, тушунча, хукм, хуласа чиқариш, исбот ва рад этиш усулларини фалсафий моҳиятиниenglайди.

Тайёрланган услубий кўлланмада матнлар мавзуси баённида педагогика иҳтисослигининг ўзига хос хусусиятлари ҳам ҳисобга олинган бўлиб, бакалавриат йўналишида дарс берадиган профессор – ўқитувчилар матнлар баёни жараёнида аник иҳтисосликни ҳисобга олиб, уни тўлдиришлари мумкин. Бунинг учун ҳар бир мавзу бошида Президент И.А. Каримовнинг асарлари мавжуд ўкув кўлланмалар ва ёрдамчи адабиётлар тавсия этилиб, мавзу мазмунини тўлдириш ва чукурлаштиришга ёрдам берадиган бетлар кўрсатилган.

Ушбу кўлланма ҳақида ўз фиър - мулоҳазалари, танқидий қарашларни ихлисона билдириган кишиларга муаллифлар олдиндан ўз миннатдорчилигини билдирадилар.

1-мавзу: Этиканинг тадқиқот доираси мақсади ва вазифалари, ахлоқий карашлар тарихи. Этиканинг келиб чиқиши, унда ихтиёр эркинлигининг аҳамияти ва ахлоқ тузилмаси.

Режа:

1. Ахлоқ, одоб, хулк тушунчаларини, г маъноси ва моҳияти ҳамда аҳамияти. Буюк мутафаккирлар ва Президентимиз И.А.Каримовнинг ахлоқка берган таъриф тавсифлари.
2. Ахлоқшунослик (этика) фанининг баҳс мавзуи (предмети), унинг асосий вазифалари, фалсафа ва гуманитар билимлар тизимида тутган ўрни. Ахлоқшуносликнинг асосий йўналишлари ва бўлимлари.
3. Ахлоқнинг ижтимоий, тарихий ҳодиса эканлиги ва ижтимоий онгнинг ўзига хос шакли сифатидаги ўрни ҳамда аҳамияти.
4. Ахлоқшуносликнинг Ўзбекистон Республикаси мустакиллигини мастахкамланидаги ўрни ва аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси давлат мустакиллиги ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларида, Президент И.А. Каримов асарларида ахлоқий урфодатлар, анъаналар, коидалар, кадрияларнинг роли ва аҳамияти. Этик эркинлик ва этик тарбия тушунчаларининг узвий боғлиқлиги.
5. Этика тузилмаси. Ахлоқий онг кишиларнинг кундалик хатти-харакатлари уларнинг хулқида, амалий ҳаётида намоён бўлиши. Этик муносабатлар ва уларнинг асосий вазифалари. Этиканинг келиб чиқиш тарихи – инсоният тарихининг ажралмас кисми

Мавзуга оид таянч тушунчалар: одоб, хулк, ахлоқ, жамият, таракқиёт, ахлоқий онг, ахлоқий муносабат, ижтимоий онг, ахлоқий танлов, дин, ихтиёр эркинлиги, хукуқ, сиёsat, санъат, мафкура.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. **Буюк ва мукаддассан, мустакил Ватан.** Ўзбекистоннинг 20 йиллик мустакил таракқиёт йўлида кўлга киритган ютуқ ва натижалари, мамлакатимизнинг салоҳияти ва құдрати, туб ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини ахолининг кенг қатламларига етказиш, жойларда ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш учун мўлжалланган илмий-оммабон напр. – Т.: «Йқтисодиёт», 2011.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2010
3. И.А.Каримов. 2010 йил 12-ноябрдаги Олий Мажлиснинг Конунчилик палатасининг ва Сенатининг кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда

демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маъruzаси.-“Халқ сўзи” газетаси 2010 йил 13 ноябр.

4. И. А. Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т., “Маънавият” 2008 йил.

5. Каримов И .А. Донишманд ҳалкимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор» газетаси, 2000 йил, 8-июнь.

6. И.А.Каримов. «Баркамол авлод орзуси» Тошкент, Ўзбекистон, 2000

7. И.А.Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» Тошкент, Ўзбекистон, 1997.

8. . Каримов И.А. Халоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони булсин. Т., 1994.

9. И.А.Каримов. «Ўзбекистон XXI асрга интиљмоқда» Тошкент, Ўзбекистон, 1997.

10 Авлоний А. Туркий гулистан ёхул ахлоқ.. Т., 1992.

11. Шер А. Ахлоқшунослик. Т. 2000.

1. Ахлоқшунослик (этика) кадим замонларда пайдо бўлиб, шаклланиб ва ривожланиб, бизнинг давримизгача ўз ахамиятини сақлаб келаётган энг кизикарли ва энг муҳим инсоншунослик фанларидан бириди. Ахлоқшунослик фанининг номи ахлоқ сўзидан келиб чиккан бўлиб, бу тушунча тўғрисида адабиётлардан хозирча ягона карашлар йўқ. Айрим адабиётларда ахлоқ кишиларнинг ҳар бир жамиятга хос ҳулқ нормалари мажмуми дейилса, бошқаларда эса ахлоқ ижтимоий онг шаклларидан бири социал тартиб - коида бўлиб, бу тартиб - коида истисносиз хамма соҳаларда кишиларнинг ҳатти-харакатини тартибга солиш вазифасини бажаради дейилади. Бунинг боиси энг аввали ахлоқ сўзининг кўл маъноли ва қўп киррали эканлиги билан изоҳланади. Ахлоқ арабча ҳулқ сўзининг кўплигидан ва лотинча «mores» сўзидан олинниб, “одоб”, “феъл – автор” деган маъноларни англатади. Ҳудди шунингдек, рус тилида ишлатиладиган «морель» сўзидан олинган бўлиб, у ҳам ахлоқ маъносини билдиради, «мераль» сўзи рус тилида ишлатиладиган «нравственность» деган сўзининг синоними деган фикрлар ҳам мавжуд. Ахлоқ кишиларнинг, ҳар бир кишининг оилада, жамоада, жамоатчилик жойларида, умуман жамиятда юриш-туриши, яшаш коидалари, феъл - автори, ҳатти - харакатларининг жамини ифодалайди. Этика юончча «ethos» сўзидан олинган бўлиб, “одат”, “одоб”, “расм-русум”, “феъл” маъноларини билдиради. Ушбу тушунча биринчи марта машхур Юонон файласуфи ва мутафаккири Арасту (Аристотель,э.о.384-322 йй) томонидан ахлоқнинг синонимии сифатида ишлатилган.

Бу терминни кейинчалик қатъий маъноли тушунча сифатида эрамиздан олдинги IV асрда Зенон (э.о.336-264 йй) илмий муомалага киритганлар.

Этика тушунчаси ҳозирги адабиётларда кишилар муомаласида асосан куйидаги уч маънода қўлланилади:

Биринчидан, кундалик хаёт муомаласида, этика оддий тилда ахлок, одоб, хулқ-автор маъноларини англатади;

Иккинчидан, маълум бир ижтимоий гурухлар, касб - хунар ёки ихтиососликлар, чунончи савдогарлар этикаси, тадбиркорлар этикаси, ўқитувчилар этикаси, шифокорлар этикаси, раҳбарлар этикаси ва шу кабиларни билдиради.

Учинчидан, асосан ва қўпчилик ҳолда кишиларнинг ахлок - одобини, хулқини, феъл - авторини ўрганувчи фанни этика, яъни ахлоқшунослик деб юритилади.

Худди шунингдек кундалик хаётда ва адабиётларда ахлок ва этика тушунчалари билан бир каторда одоб тушунчаси ҳам ишлатилади.

«Одоб» (арабча «адаб» сўзинини кўйилиги) хулқ-автор, юриш-туриш, маданиятнинг ташки ва ички жиҳатларни ифодалайдиган тушунча. У кишиларнинг ҳатти - ҳаракатида, ўзаро муносабатида (оила. меҳнат жамоаси ва турли маросимларда) намоён бўлади.

Одоб - кишининг жамоат орасида ўзини қандай тутиши, одамлар билан кай йўсингда муомала килиши, ўз турмуши ва бўш вақтини қандай ташкил килиши, инсон ташки киёфаси қандай бўлиши лозимлигига оид коидалар (масалан, шарму - ҳаё, камтарлик, хушмуомалалик, озодалик сингариларни) ўз ичига олади. Одоб таълим - тарбия, амалий тажриба жараённида шаклланади. Шаржнинг улкан одоб - ахлок назариётчиларидан бўлган Хусайн Воиз Кошибий «Ахлоқи Муҳсиний» асарида одобни куйидагича таърифлаган эди:

«Одоб - бу қалбни ёмон сўзлардан ва ножӯя хулқдан саклай олиш, ўзини ва ўзгаларни ҳам хурмат кила билиш, шу билан бирга ўзини ва ўзгаларнинг обрўсини туширмаслиқдир». Воиз Кошибий одоб тушунчасини кеңг маънода тушунади, ёмон сўзларни айтмаслик, хулкни тарбиялай олиш, ўзини бошқариш ва ўзгаларни хурмаг килишини ахлоқийлик деб атаган эди.

Одоб - кишиларнинг хаёт ва турмушларига нисбатан белгилаб берилган муайян ахлоқий чегара ёки меъёр десак бўлади. Ана шу чегарадан чикмай муомалага муносабатида бўлган, шу меъёрга риоя килган одамни одобли, яхши тарбияли, хақиқий, чин инсон дейилади. Акс ҳолда одобсиз, тарбиясиз, ёмон одам деб айтилади. Одоб - ахлоқка нисбатан тор тушунча бўлиб, у ўз навбатида барча ахлоқий фазилатларнинг юзага чиқиши, намоён бўлишидир. Одобни ўрганувчи ва ўргатувчи фанни «Одобрение», «Диплом», «Свидетельство» деб атайдилар.

Демак, ахлок, этика, одоб ўзаро боғлиқ ва маълум даражада фарқ килувчи тушунчалар бўлиб, барчаси инсоннинг ҳатти-ҳаракатини, юриш-туришини, боника одамлар билан муносабатини ойлада, жамоада, жамоатчилик жойларда ўзини тутиши кабиларни ифодалайди. Одатда буларни умумий фалсафий маънода ахлок, куңдазлик ҳаётда, турмушда одоб, хулқ, феъл-автор ва уларни ўрганувчи фанни (илмни) этика ёки ахлоқшунослиқ деб юритилади. Шундай килиб, ахлок кишиларнинг яхшилик ва ёмонликка нисбатан муносабатини намоён этадиган ва тарихан таркиб топган хулқ-автор, юриш-туриш ва ҳатти-ҳаракатини ифодалайлигидан, уларнинг бир-бираига ва жамиятга бўлган муносабатларини акс эттирадиган ҳамда ўзаро ихтиёрий тарзда амалга ошидиган норма ва коилалар йигиндисидир.

Буюк мутафаккирлар, олимлар ва давлат арбоблари ҳам ахлоқка худди шундай таъриф-тавсифлар берганлар. Таникли рус файласуфи В.Г.Белинский (1811-1848) ахлоқ нима? У нимадан иборат бўлмоғи керак? деган саволлар кўйиб, куйидаги жавобни келтириб, ахлоқка шундай таъриф берган:

«Кишиларнинг калдир - киммати ва унинг юксак мавқеига катъий, чукур эътиқод, унга кизғин сўнмас, ишончдир. Шу эътиқод, шу ишонч жамики башарият эзгулигининг, барча амалий ишларнинг кайнар булогидир» Чех халқпарвар педагоги ва жамоат арбоби Я.А. Коменский (1592-1675) фикрича: «Ахлоқийлик деганда биз факат ташки муомалани кўзда тутмаймиз, баъки ниятнинг бутун ички моҳиятини тушунамиз». Марказий Осиёнинг буюк мутафаккири Абу Наср Фаробий (873-950) айтганидек: «Дарҳтнинг етуклиги унинг меваси билан бўлганидек, инсоннинг барча хислатлари ҳам ахлоқий тарбия билан якунланади». Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний (1878-1934) ёзганидек, «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё момот, ё најжот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир».

Ахлоқнинг моҳиятини тушунишида президентимиз И.Каримовнинг айтган куйидаги фикрмуроҳазалар айникса муҳимдир.

Юргбошимиз таъкидлаганидек: «Аслини олганда, ахлоқ маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомалатикдан иборат эмас. Ахлоқ – бу аввало инсоф ва адолат туйуси, иймон, ҳалоллик дегани»; «Ҳалоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин»; «... Виждан билан, иймон билан, диёнат билан ўйнашиб бўлмайди»;

«Мехр - оқибат, мурувват бўлмаган жамият ҳалокатга маҳкумдир». «Ҳар ким савоб иш қиссин, ҳар кун савоб иш қиссин»; «Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам кайтади», дейдилар вахоказо. Буюк мутафаккирларимиз ва олимларимизнинг ҳамда Президентимизнинг юқоридаги фикрлари ахлоқни куйидагича таърифлаш имкониятини беради: Ахлоқ деб кишиларнинг яхшилик ва ёмонликка муносабатини намоён этадиган ва тарихан таркиб топган хулқ-автор, уларни юриш-туришини, ўзларини тутишини, феъл-авторини, хулқ-одобини,

ўзаро бир-бирига, меҳнатга ижтимоий фаолиятта, оиласга, жамоага, бошқа ижтимоий бирлашмаларга, жамоатчиликка, Ватанг, миллатга, жамиятга бўлган муносабатларини ифодаловчи ҳамда ҳатти-харакатини гартига солиш, бошқаришга хизмат кивлувчи ҳис-туйғулари, эҳтиёжлари, талаблари, баҳолашлари, коидалари, тамойилларининг жамига айтилади.

Қиска килиб айтганда ахлок деб кишиларнинг юриш-турушлари ўзаро бир-бирига, меҳнатга, оиласга, Ватангга бўлган тарихий муаяян муносабатлари, коидалари ва тамойилларининг жамига айтилади.

Ахлокнинг илк, дастлабки, қўйи, турмушдаги босқичи одоб ёки хулк одобидир.

Ахлок хулк-одоб, феъл-атвонд ахлоқшунослик ёки этика фанининг баҳс мавзуи (предмети)ни ташкил этади.

2. Ахлоқшунослик (этика)нинг обьекти одам, инсон, шахсdir. Бирок ахлоқшунослик кишилар ҳасти ва фаолиятларининг барча жиҷатларини эмас, балки муаяян бир соҳаси, яъни одобини, хулқини, феъл-атфорини, юриш-туришини, ўзаро муносабатини, табиат, жамият ва унинг ходисаларига бўлган муносабатларини ўрганади.

Худди шу маънода ахлоқшунослик (этика)нинг баҳс мавзуи муаммо сифатида оддий кишилардан тортиб буюк мутафаккирларимиз, зиёлиларимиз, давлат арбобларимизгача қизиктириб келган. Чунончи Арасту ахлоқшунослик (этика)ни ахлокни ўрганадиган амалий фан, жамият ҳақидаги фанлардан бири деб хисоблаган. Стоиклар ахлоқшунослик (этика)ни алоҳидан фан сифатида ажратиб, уни кўпинча инсон табиати ҳақидаги фан деб тушунган эдилар.

Нидерландия файласуфи Б.Спиноза (1632-1677) ўзининг «Этика» асарида ушбу фанни субстанция (моҳият) ва унинг модуслари (хусусиятлари) тўғрисидаги таълимот дегани. Француз маърифатпарвар - файласуфи П.А.Гольбах (1723-1793): «Ахлок оламлараро мавжуд бўлган муносабатлар ва шу муносабатлардан келиб чикадиган масъулияtlар ҳақидаги фан», - деган эди.

Немис файласуфи И.Кант (1774-1884) ахлоқшунослик (этика)ни зарур нарсалар тўғрисидаги фан деб билган. Кўзга кўринган немис файласуфи Г.В.Ф.Гегель (1770-1831) эса Этика (ахлоқшунослик)ни ўз-ўзидан ривожланувчи мутлук фоя (абсолют идея) ҳақидаги фан деган.

Ахлоқшуносликнинг баҳс мавзуи Шарқ, хусусан Марказий Осиё, шу жумладан Ўзбекистон мутафаккирларининг диккат эътиборида бўлиб келган. Масалан, буюк мутафаккир, қомусий олим, тиббиёт илмининг отаси ва устози Абу Али ибн Сино (980-1037) шу ҳақда тўхталиб: «Ахлок ҳар бир киши учун ўз-ўзини идора килиш имидир», -деб баҳолаган эди. Буюк мутафаккир, шоир ва давлат арбоби А.Навоий (1441-1501) ахлок мавзуга янада кучлирок ургу бериб, ўзининг «Махбуб-ул-кулуб» («Кўнгиллар севгани») асарида куйидагича ёзган эди: «Вафосизда хаё йўқ, хаёсизда вафо йўқ, агар кимда бу икки сифат бўлмаса,

унда иймон ҳам йўқ». XIII-XIV асрда яшаб ижод этган таникли ахлоқшунос олим Мажиддин Ҳавоғий ахлок ҳакида фан, яъни ахлоқшунослик, оила ҳакида фан, шаҳар қурилиши ва нормалар ҳакидаги фандир», деб таърифлаган. Буюк шоир, драматург, маърифатпарвар ва давлат арбоби А.Авлоний (1878-1943) ўзининг «Туркий гулистон ёхуд ахлок» (1913) асари ахлок мавзуи ҳакида:

«Инсонларни яхшиликка чакиравчи, ёмонликдан кайтарувчи бир илмдир. Яхши хулкларнинг яхшилигини, ёмон хулкларнинг ёмонлигини далил ва мисол ила баён қиладурган китобни ахлок дейилур» - деган эди.

Худди шунингдек ахлоқшунослик (этика) баҳс мавзуи ҳакида лугатлар дарслклар, ўкув қўлланмаларида ҳам турли хил таърифлар бор. «Қискача сиёсий лугатда шундай дейилган: «Этика – алоҳида социал ҳодиса ва ижтимоий онг шаклларидан бири бўлган ахлоқнинг табиити ва моҳиятларини ўрганувчи фалсафий фан»¹. «Қискача философик лугат»да бу тўғрида куйидагича айтилган: этика – ахлок назарияси, бирон ахлок системаси (тизимини) ҳамда яхшилик ва ёмонликни, адолат бурч, виждон, баҳт, хаётнинг маъносини бирон гарзда илмий асослаша» демакдир².

«Философия лугати»да: «Этика... энг қадимги назарий фанлар бири, у ахлоқни ўрганади» дейилган³.

Фалсафа фанлари доктори, профессор А.Ортиков «Этика асослари» курсидан лекциялар матнларида ушбу муаммо шундай илмий ифодаланган:

«Этика деб ахлок, хулк-одоб, ахлоқий онг ҳакидаги буларнинг найдо бўлиши, тараккиёт босқичлари, инсон хаёти фаолиятининг энг мухим жиҳатлари, кишларнинг ахлоқий жиҳатдан тарбиялашнинг йўл, усул, воситалари ҳакидаги таълимотлар системасига айтилади. Этиканинг гарифи анна шундан иборат»⁴.

Этика (Ахлоқшунослик)нинг баҳс мавзуи ҳакида юкорида келтирилган нуткай назарларнинг ижобий томонлари ва камчиликларини умумлаштириб, бизнингча куйидагича таърифлаш мумкин:

Ахлоқшунослик ёки этика деб инсон ва инсоният ҳаёт фаолиятининг мухим жиҳатлари бўлган ахлок, хулк-одоб, феъл-атвор, уларнинг моҳияти, найдо бўлиши, тараккиёт босқичлари ва ривожланиш конунияслари, мақсадлари, вазифалари ва ахамияти, ҳамда улар тўғрисидаги карашлар, назариялар, таълимотларни ўрганувчи фалсафий фанга айтилади. Қиска килиб айтиганда, ахлоқшунослик ёки этика ахлоқнинг моҳияти, хусусияти ва ривожланиши, мақсади, вазифалари ва ахамияти ҳакидаги фалсафий фандир. Ахлоқшунослик (этика) ўз баҳс мавзунини яхшилик ва ёмонлик, бурч, виждон, ор-номус, шаъян.

¹ Қискача сиёсий лугат «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент 1975, 296 бет

² Қискача философик лугат . «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент 1873, 363 бет

³ Философия лугати. Ўзбекистон нашриёти Тошкент – 1976, 595 бет

⁴ А Ортиков «Этика асослари» курсидан лекциялар матнлари Тошкент-1999, 3-бет.

кадр-киммат, баҳт-саодат инсон хаётининг моҳияти, мазмуни ва маъноси каби тушунчалар (категориялар), инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, жамоавийлик синтариғамойиллар (принциплар), ҳалоллик, поклик, ростгўйлик, дўстлик, вафодорликка ўхшаш аҳлоқий қоидалар (нормалар) воситаси билан очиб беради ва асослайди. Булар тўғрисида маҳсус мавзуда фикр юритилади.

Аҳлоқшунослик (этика) ўз баҳс мавзуини ўрганишда фалсафа, эстетика, педагогика, психология, маданиятшунослик, тарих, сиёсатшунослик, социология, тиљшунослик, археология, экология каби фанлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганади. Борлик, табиат, жамият, инсон тафаккур каби мураккаб ҳодисаларнинг моҳияти ва энг умумий ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги фан бўлган фалсафа аҳлоқшуносликнинг назарий, илмий-методологик (услубий) асосини ташкил қиласди. Бошқа гуманитар фанлар ҳам аҳлоқшуносликка ўз баҳс мавзуини чуқуррок ва ҳар тарафлама ўрганиш ва умумлаштиришларда далиллар, фактлар ҳамда материаллар беради. Бу жараёнда аҳлоқшунослик баҳс мавзуига кўра нисбий мустақиллигини саклаб колиб, билимлар тизимида ўзига хос ва ижобий ўринни эгаллаб қолади.

Аҳлоқшунослик ўз баҳс мавзуини икки - умумий ва хусусий йўналишларда ўрганади. Шунга мувофиқ аҳлоқшуносликда умумий, тарихий, норматив-аксиологик (кадриятий), қасб-хунар, аҳлоқий аҳлоқшунослик деган назарий ва амалий бўлимлар ҳам шаклланган. Умумий аҳлоқшунослик аҳлоқнинг табииати, моҳияти, хусусиятлари, унинг таркиби заррачалари ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини илмий асослайди, аҳлоқий фаолият ва аҳлоқий муносабатлар ривожланиши хусусиятларини, аҳлоқ тараққиётидаги ижтимоийлик, тарихийлик, замонавийлик, умуминсоний ва миллий жиҳатларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида унинг хозирги ҳолати ва тараққиётни йўналишлари муаммоларни ўрганади. Тарихий аҳлоқшунослик аҳлоқнинг тарихий шаклларини, унинг тарихий тараққиёт қонуниятларини ва хусусиятларини, аҳлоқий таълимотларнинг тарихдаги ўрнини тадқиқ этади. Норматив-аксиологик аҳлоқшунослик аҳлоқ қоидаларини аҳлоқий зарурийлик талабларини аҳлоқий оғнинг асосий тушунчалари сифатида қараб, уларнинг ижобий аҳамияти, киммати жиҳатидан ўрганиш ва асослаш билан кизиқади.

Касбий аҳлоқшунослик у ёки бу касб-хунар, ихтисослиги ёки раҳбарлиги фаолияти доирасида кипиларнинг аҳлоқий хусусиятлари билан шугууланади. Аҳлоқий тарбиянинг аҳлоқий назарияси тарбия жараёнда аҳлоқий омиллардан самарали фойдаланиши йўллари, шакллари ва воситаларини белгилаш масалаларини умумлаштиради. Аҳлоқшуносликнинг муҳим бир вазифаси инсонлар ва жамиятнинг келгусидаги эзгу аҳлоқий орзулари, мақсадлари, эзгуниятларини шарҳлаб беришdir. Чунки инсонлар юксак аҳлоқий орзуарсиз яшай олмайдилар. Буларнинг ҳаммаси аҳлоқшуносликнинг инсонлар ва жамият ҳаётидаги бениҳоя катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Атокли педагог А.Авлоний: «Ахлок илмини ўкиб, билиб амал қилган кишилар ўзининг ким экани, жаноби хақ на учун халқ қилганин, ер юзида нима иш учун юрганин билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илмни, уламони, яхши кишиларни, яхши ишларнинг қадрини, кимматини билмас. Ўз айбини билур, икрор ки клуб, тузатмакга сабъ ва қўшиш қилган киши чин баҳодир ва пахлавон кишиидир». Демак, ахлоқ одоб ва этика қоидаларини билиш ва уларга тўла амал килиш кишиларнинг ўзаро хурмат - эхтиром билан тинч-тотув яшашини таъминлайди. Аксинча ҳолда, яъни ахлокка, одобга, этикага кам ва етарли эътибор берилмаган одамда, оиласда беандишаликтар, бебурдликлар ва шу кабилар мавжуд жойда салбий, ножӯя ахлокий фазилатлар юзага келади ва авж олади, одамлар орасидан хурмат, меҳр - окибат кўтарилади, ҳаёт аста - секин издан чиқа бориб, ижтимоий хаётнинг жиддий тўсқинига айланади.

Ахлокшуносликнинг асосий ва муҳим вазифаси кишиларнинг хулки, одоби, юрини - туриши, муомаласининг мөҳиятини, хусусиятларини ва тараққиёт конунгларини очиб беришдан иборат. Ахлокшунослик хулли шунингдек ахлокнинг тушунчалари (яхшилик ва ёмонлик, адолат, баҳт, виждан, бурч ва хоказо) тамойилларини (инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ватанипарварлик, байналмилаллик, ҳамкорлик ва хоказо) ахлок мезонлари (нормалари) жумладан хушмуомалалик, ширинсуханлик, ҳалоллик, ростгўйлик, камтарлик чидамлилик, химматлилик, самимиийлик, дўстлик, шарму - ҳаёв ва хоказоларни илмий - амалий асослаб беради. Ахлокшуносликнинг яна бир муҳим вазифаси инсонларнинг ахлокий тарбиясини амалга ошириш, ахлокий камолотини шаклланишга хизмат килишdir. Ахлокшуносликнинг яна бир вазифаси, инсонлар ва жамият ҳаётидаги ахлоксизлик иллатларининг барча кўринишларини бартараф килиш ва уларни бартараф этиш йўллари ҳамда воситаларини изоҳлаб беришдан иборат. «Ёмон ишларнинг тескарисини килиб, яхши бўлдим» деган экан Лукмони Ҳаким. Яна «одобни беодобдан ўрган» дейдилар. Албатта, беодобдан ўрганиладиган нарсанинг ўзи йўқ, лекин бирорларнинг хатоси, гунохини салбий хислатларини тақоррламаган киши энг олий одамдир. Бундай одамнинг ахлоқийлигининг ўзи бир кутлуғ иш бўлса, бирорларнинг ахлоқсизлигини тақоррламаганлиги учун икки карра улуғdir. Чунки беодобнинг килиғи, хатти - ҳаракатлари, феъл - автори одоб доирасидан ташқарида бўлгани учун унинг килаётган одобсизликларини кўриб, шундай қиликларни хатти - ҳаракатларни тақоррламаслик, бу одобдандир. Демак, беодобдан ўрганилган одоб унинг беодобликларини пайкай билиш ва уларни ўз ҳаётида қилмасликлар. Демак ахлоқшунослик фани инсон турмуши ва фаолияти, жамият ҳаётида ҳар томонлама муҳим ахамиятга эга бўлган фанлардан биридир.

3. Ахлоқшунослик ахлокий, тарихий ва замонавий ҳодиса ҳамда ижтимоий онгнинг ўзига хос шаклларидан бири деб асослайди. Ахлоқнинг ижтимоийлиги

шундаки, кишиларнинг ахлок - одоби, фесъи - атвори, муомаласи, юксак маънавий фазилатлари ижтимоий ҳаётдан ташкарида, инсонлар ўргасидан муносабатлардан четда шаклланishi на ривожланиши мумкин эмас. Бундан бир неча ўй йил мукаддам ўрмон честида аланиб қолган уч нафар болали айиклар ўрмонга олиб кетади. Болалар айиклар билан яшашади. Вакт ўтиши билан улар икки оёклаб юрсаларда, югуришни, сакрашни, озик - овқат топиб ейишни, табият ҳодисаларидан сакланиши, айикларга ўхшаш ўқиришини табиий ҳолда ўрганадилар. Бирок улар кейинчалик тўрт оёклаб юрсаларда, кишилик жамиятидан ташкарида хайвонлар орасида яшаганликлари учун сўзлаш кобилиятини ўқотишиши. Бундан кўринадики, агар инсон кишилик жамиятида яшамас экан, у хақиқий маънодаги шахс, худди шунингдек ахлок одобли бўла олмайди. Демак, ахлок ижтимоий ҳодисадир. Ахлоқшунослик ахлокнинг бу жихатини, умуман ахлокни яна бир канча тушунчалар - ахлоқий онг, карашлар, ахлоқий фаолият, ахлоқий баҳолаш, ахлоқий хиссиёт, ахлоқий муносабатлар ахлоқий тарбия воситасида янада кен рок ва чўкуррорк ўрганади. Ахлоқий онг кишиларнинг жамиятдаги ахлоқий ҳатти - ҳаракатлари, юриш - туришлари, яшаш қоидалари, тамойиллари, шунингдек уларнинг ўзаро бир - бирларига ҳамда ижтимоий гурухларга, жамиятга бўлган муносабатларини ифодаловчи карашлари тасаввурлари, назарияларининг жамиидир.

Ахлоқий карашлар ахлоқий онг, ахлоқ, одобнинг мазмунни, моҳияти, жамиятдаги кишилар ҳаёти, фаолияти, тараққиётидаги ўрни, аҳамияти тўғрисидаги карашлар гояларнинг тизимиdir.

Ахлоқий онг ва ахлоқий карашлар ахлоқий фаолият билан узвий боғланган. Ахлоқий фаолият деб ўзига хос ахлоқий мотив, сабаб, интилиш билан, яъни яхшилик килиш, бурчга содик ҳолда ҳаракат килиш, муайян ахлоқий идеалларни амалга ошириш максадида килинган ҳаракатларга айтилади. Кишиларнинг ахлоқий фаолияти жараённида улар ўргасида шаклланадиган, мавжуд бўладиган алоқалар, боғланишлар, муносабатларнинг тизими ахлоқий муносабатлар дейилади¹.

Ахлоқий фаолиятда ахлоқий хиссиётлар, ахлоқий баҳолашлар, ахлоқий идеаллар, ахлоқий маданият кабиларнинг аҳамияти катта. Ахлоқий хиссиёт-инсоннинг, шахснинг жамият ва ўз атрофидаги кишиларга муносабатини ифодалайдиган кечинмалар турини англатади. Масалан, инсоннинг ва шахснинг ўз қадр-киммати хисси, ижтимоий бурч хисси, ватанпарварлик, ўртоқлик, жамоавийлик хисси ва хаказо кабилар. Ахлоқий баҳолаш - социал воқееликнинг тури ҳодисаларини ва кишиларнинг ҳатти - ҳаракатларини улар кандай ахлоқий аҳамиятга эга бўлишига караб, маъқуллаш ёки коралашдир. Умумий тарзда ахлоқий баҳолаш яхшилик ва ёмонлик тушунчаларида амалга

¹ И.Каримов. Фалсафадан вайз матнлари. Тошкент-1995. 236-237-бетлар

оширилади. Ахлоқий идеал (максад, орзу, истак) юксак ахлоқни шахс ривожининг максади бўлган мукаммал ахлоқий муносабатлар тўғрисидаги назарий асосланган режалари, тасавурлари, қарашлари жамини билдиради. Ахлоқий идеал - кини ёки гурухнинг интилиши ва ҳатти - ҳаракатини белгилаб берувчи намуна, олий максад, бирон - бир ниманинг камолидир. Кишиларнинг кундалик турмушидаги ҳатти - ҳаракатини белгилаб берувчи ахлоқий коидалардан фарқли ўлароқ ахлоқий идеал - кишиларнинг маънавий - ахлоқий тарбияси ва ўзини - ўзи тарбиялаш оқибат мақсадини белгилаб беради, унинг интилиши лозим бўлган олий намунани яратади. Масалан, маърифатиарвар ахлоқий идеали, умумисоний ахлоқий идеал, демократик жамият ахлоқий идеал ва хоказо. Кишиларда ахлоқий онг, ахлоқий максадлар, ахлоқий муносабатлар ахлоқий тарбия воситаси билан амалга оширилади. Ахлоқий тарбия ахлоқшуносликнинг энг муҳим тушунчаларидан бири бўлиб, унга қўйидаги таъриф-тавсиф берип мумкин: Ахлоқий тарбия деб инсон фарзандига туғилгандан то умрининг охиринча инсонга хос барча ижобий ахлоқий фазилатларни сингдириб, унн баркамол инсон қилишга айтилади. Ахлоқий тарбия одатда қўпинча кишиларни илм, билим беришдан бошлиниши ва шу жараёнда ёнма-ён (параллел) ва биргаликда амалга оширилиши сабабли таълим-тарбия деган атама қўпроқ ишлатилади. Ахлоқнинг ижтимоийлигини тушунишда ахлоқий маданиятнинг аҳамияти катта. Ахлоқий маданият - ахлоқ, ахлоқий онг ёрдамида шаклланади. Уларни бир - биридан ажратиш ноўриндир. Ахлоқий онг - қарашлар, ғоялар ва хиссиятлар йигиндиси ва уларнинг инсон онгида акс этиши бўлса, ахлоқий маданият ана шу акс этилган нарсалар инсон характеристига, табиатига сингиб, амалий фаолиятда намоён бўлишидир. Ахлоқий маданиятда ахлоқийликнинг назарий жиҳатлари ўз аксини топади ва шу билан бир каторда, у англанган ахлоқий фаолият билан узвий боғланиб кетади. Ахлоқий маданият тарихий таркиб топган ахлоқий норма ва коидаларни давр нуткай назаридан қайта кўриб чиқилиб, аник шарт - шароитлар асосида ривожлантириша ифодалайди. Шу жиҳатдан ахлоқий маданият ахлоқий қадриятдан фарқ киласди. Айни вақтда ахлоқ ахлоқий қадриятга суннади ва ахлоқий маданиятга маёнга бўлиб хизмат қиласди. Ахлоқий маданият мустақил фалсафий категория бўлиб, ахлоқ, ахлоқий онг каби тушунчалар билан узвий боғлик ва бир бутунликни ташкил қиласди, ахлоқий назарияни амалиёт билан боғлайди, кишилардаги ахлоқий қарашлар, ғоялар, ички - кечинма ва хиссиятларнинг қай даражада англанганланганни билдиради ҳамда бу инсоннинг ахлоқий етуклигини кўрсатиб, маънавий эҳтиёжига айланганлигини кўрсатади. Бевосита ана шундан ахлоқий маданиятнинг моҳияти ва ривожланиш хусусияти келиб чиқади. Бу тушунчаларнинг ҳаммаси ахлоқнинг ижтимоийлигининг моҳиятини ва хусусиятини очиб беришга хизмат қиласди. Ахлоқшунослик ахлоқни тарихий ходиса деб ўрганади ва ўргатади. Чунки ахлоқ бирданига

пайдо бўлмаган у кадим (ибтидоий) даврлардаёқ вужулига келиб, бир канча тарихий боскичларни ўтиб, ўзгариб, алмашиниб, ривожланиб, тарақкий қилиб, ҳозирги даврда ҳам янада такомиллашиб бормокла. Ахлоқ тарихий ўзгаришининг ижтимоий ва маънавий манбалари бўлиб кишиларнинг шахсий ва умумий манфаатлари, орзу - истаклари, меҳнат, социал мухит, жамоатчилик фикри, илм - маърифат, дин хисобланади. Инсонлар ва жамият ҳаётидаги ахлокнинг, унинг тамойиллари, тушунчалари ва коидаларининг тарихан ўзгариб, алмашиниб, ривожланиб, тарақкий этиб бориш жараёнини ахлокшунослик (Этика)да ахлокий прогресс (тараққиёт) дейилади. Бу жараёнда ахлокий тизимлар ва таълимотлар бирданига ўзгариб, йўқолиб кетмайди. Инсоният ҳамиша ўтган авлодлар ахлокидаги ижобий жиҳатларни саклаб, мустаҳкамлаб ривожлантиради, яъни доимо меросдан фойдаланилади. Ахлокий мерос деб қадимги замонлардан бери аждодларимиз ота - боболаримиздан бизгача этиб келган ахлокий бойликлар, ахлокий ўғитлар, панд - насиҳатлар, ғоялар, таълимотлар, оиласлар, тамойиллар жамини тушунамиз. Ахлок айни вактда замонавий ходисадир, чунки ахлоқ бошқа ижимоий – маънавий ходисалар сингари жамиятдаги сиёсий – ижтимоий, иқтисодий, фан - техника, санъат маданияти касби соҳалардаги ютуқларни ўзида акс эттиради. Ахлокшунослик ахлок ижтимоий ходиса сифатида умуминсоний ва миллий жиҳатларга эга леб хисоблайди. Саломлашиш, хушумоатлик, мурувват, раҳмшавкат, яхшилик, адолат, тинчлик, бурҷон, ор - номус, баҳт - саодат, Ватанини ва миллатни севиш, тинчлик учун кураш, табиатни асрараш, ер юзида илм - фанни тарақкий эттириш, ядрорий қуроллар пойгасини йўқотиш, ҳалқаро ҳафғизликтин тъминлаш турли касаликларнинг олдини олиш, қашшоқлик ва саводсизликка барҳам бериш кабилар умуминсоний ахлокий қадриятларга киради. Ахлокнинг миллий жиҳатлари муайян миллат (ҳаік, злат) нинг ҳаёти, турмуш тарзи, тили, маданияти, урф - одатлари, анъаналари билан боғлик бўлган ахлокий коидалар ва қадриятлар билан боғлик холда намоён бўлади. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Катталарни хурмат килиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик килиш, очик кўнгиллик, миллатидан қатъий назар одамларга хайриҳохлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйгуси кишилар ўтасидаги муносабатларнинг меъёри хисобланади. Ўзбеклар диёрига, ўз Ватанига меҳрмуҳаббат, меҳнатсеварлик, билимга, устозларга, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида хурмат эҳтиром Ўзбекистон ахолисига хос фазилатлардир»¹. Таъкидланганларнинг ҳаммаси ахлок ҳам ўзига хос ижтимоий онг шаклларидан бири эканлигини ва у алоҳида, баъзи кишиларга эмас, балки жамиятдаги барча кишиларга хос бўлиб уларнинг ижтимоий ҳаётдаги хатти - ҳаракатлари, юриш-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқолол ва тараққиёт йўли. Тошкент -- 1992, Ўзбекистон, 11 бет

туришлари, ўзаро бир - бирига хамда ижтимоий бирланнамаларга бўлган муносабатларни ифодалайди хамда тартибга солиб, инсонлар хаётидан тарбияловчи омил сифатида мухим ахамиятга эга. Ахлоқшунослик фан сифатида ўзининг мақсадлари вазифаларига эга. Ахлоқшуносликнинг асосий мақсади юксак ахлоқий фазилатли, ахлоқий камолотни ўзида мужассамлаштирган стук инсонларни вояга етказиш ва тарбиялашга хизмат килишдан иборат. Бунга ахлоқшунослик ўз вазифалари билан мунособ хисса кўплади. Ахлоқшуносликнинг мухим вазифаларидан билиш, билишлик бўлиб, унинг мақсади ахлоқнинг моҳияти, хусусиятлари жамият ҳаётидаги ўрни ва ахамиятини чукур ва ҳар тарафлама асослаб беради. Бу фан асосларини билмаган киши баркамол бўла олмайди. Чунки ахлоқшунослик (этика) назарияси ва амалиётидагина ахлоқнинг том моҳияти, хулк - одобнинг коида, гаълимот, ғоя, дастур, ўғит, панд - насихат, давват, чеклаш, таъкилашлари баён этилган бўлали. Уларни пухта ўзлаштириб, хулк - одоб дастурига, хатти - характер низомига, киска ахлоқ кодексига айлантириб олган шахсгина чин маънодаги юксак ахлоқли, бой маънавий фазилатли, зиёли мутахассис бўлиши мумкин ва лозим. Шунинг учун ҳам А.Авлоний: «Ахлоқ илмини ўқиб, билиб амал қилган кишилар ўзининг ким эканини, жаноби ҳақ на учун ҳалқ қилганин, ер юзида нима иш қилмак учун юрганин билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илтни, уламони, яхши кишиларни, яхши нарсаларни, яхши ишларнинг қадрини, кимматини билмас», - деб ёзган эди. Ахлоқнинг мухим хусусияти унинг ижтимоий онг шакли эканлигидир, чунки ахлоқ - одоб коидалари хаммаси бир киши томонидан битилмайди. Инсоният тарихидаги бутун тажрибалари, урф - одатларга суюнган холда ахлоқ - одоб яратилади. Бинобарин, улар барча, конкрет инсонлар ва инсониятнинг ҳайтий тажрибаларининг умумлашган бой маҳсулидир. Шу маънода ахлоқ жамиятдаги барча кишиларга хос ижтимоий онг шаклидир. Буларнинг хаммаси ахлоқнинг мураккаб ижтимоий жараён эканлигини ифодалайди.

4. Мустакил Ўзбекистоннинг сиёсий - иқтисодий ва маънавий вазифаларини ҳал этиш, келажакда Ўзбекистонни буюк давлатга айлантириш ҳар бир фукаросининг, айниқса ёшлиаримизнинг ахлоқий онғи, фаолияти ва тарбияси даражасига ҳамма омиллардан кўра кўпроқ боғлик. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси давлат мустакиллиги ҳужжатларидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа конунларида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларида ва Вазирлар Махкамасининг карорларида, Президентимиз И.А.Каримов асарлари, китоблари, рисолалари, нутклари, саволжавобларидан ахлек - одоб масалалари ва муаммоларига мухим ахамият берилмоқда. Юртбошимиз ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфислизикка таҳдид, баркарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари» асарида маънавий ахлоқий омилларини Мустакил Ўзбекистоннинг келажакдаги

таракқиётидаги ахамиятига тұхталиб, шундай деб ғзади: «Бирон -- бир жамият мәйнавий имкониятларини, одамлар оңигда маңнавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирумай ҳамда мустахкамламай туриб, ўз истикболини тасаввур эта олмайды»¹. Шу боисдан ҳам төртбөшімиз «Ўзбекистон XXI асрға интилмокда», маъруzasida: «Биз фарзандларимизнинг барқамол рухий дүнёси учун, уларнинг маънавий - ахлоқий жиҳатдан етуқ жисмонан соғлом бўлиши учун дәймо кайгуришимиз, курашмогимиз зарур»², - деган мухим вазифани кўйди. Бинобарин, ўзбек халқи, мамлакатимизнинг барча миллат ва элатлари орзу килаётган буюк давлатни бунёд этиш барча фуқаролардан, энг аввало ёшлардан ирова имон - эътиқод, миллий ғурур туйгуси, буюк аждодларимиздан қолган ахлоқий меросста содик бўлиш, хуллас юксак фазилат эгаси ва ахлоқий камолотга эришишни талаб килади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги конунида ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий ластури»да ёш авлодни ва бўлажак мутахассисларнинг маънавий-ахлоқий таронясига катта ахамият берилган. Чунончи. «Кадрлар тайёрлаш Миллий ластури» нинз маънавий - ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар, деб аталган бандида: «Ёш авлодни маънавий - ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маъданий - тарихий анъаналарига, урф - одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чикилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол гонтиришни устиворлиги таъмиранади»³, дейилган. Бугунги кунда республикамиз мустақилигининг 20 йилдан ошикроқ истиқлол ўйлидан бориша бир катор ютуклар ҳамда турли эски мағкуравий иллатлар диний экстремизм, диний фундаментализм, ваҳҳобийлик, террорчилик каби иллатлар ва хавф-хатарларга қарши курашиб, кўп миллатли республикамиз халқларининг тинчлигини таъминлаш, маънавий - ахлоқий бирлигига эришмоқда.

Аввало, шуни айтиш керакки, инсоннинг пайдо бўлиши энг баҳсли муаммолардан бири ҳисобланади. Бу борада бир - бирiga қарама - қарши икки қараш мавжуд. Бири - диний, иккинчиси - даҳрийча қараш. Диний - эътиқодий нуқтаи назардан одамни Худо яратган. Даҳрийча қараш эса буни инкор этиб, одамни табиат яратган, у табиатни бир кисми, деган гояни илгари суради. Улар орасида инглиз габинётшуноси Чарлз Дарвин (1809-1882) фикрлари алоҳида эътиборга молик.

Дарвин табиий турларнинг танлов йўли билан келиб чиқиши ҳақидаги эволюцион таълимотин яратди. У одам билан одамсимон маймунларнинг кардошлигини исботлашга уринди, бирок у тўғридан - тўғри одам маймундан гарқалган жонзорд, деган фикрни айтган эмас. Шунингдек, Дарвин даҳрий

¹ И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳлил, баркарорлик шартлари ва таракқиси»

² И.А.Каримов. «Ўзбекистон XXI асрға интилмок» 2 Тошкент, Ўзбекистон, 1997, 78 -бет

³ И.А.Каримов. «Барқамол авлод орзуси» Тошкент, Ўзбекистон, 2000, 55 -бет

бўлмаган, ҳамма катори насронийлик қонун – коидаларига амал килиб яшаган. Бунинг устига унинг ўзи Кембриж университети кошидаги Исо коллежини тутатган.

Даҳрийча қарашни Дарвин номи билан боғлаб иш кўриш якин - якингача «социалистик лагерь» ҳудудига кирган мамлакатларда расмий, давлат ёндашуви сифатида хукм сурib келди. Тоталитар тузумга асосланган бу давлатлар таназзулга учрагач, яна инсонни Худо яратган деган фикр уларда етакчилик мавкени эга/лади.

Умуман олганда, инсоннинг интеллектуал тарихда, ҳатто нисбатан даҳрийлик асри бўлмиш XX асрда ҳам, инсонни Худо яратган, деган фикр камида тўқсон фойзни ташкил этади. Биз ҳам ан а шу кўпчилик төмонидамиз. Айни пайтда, камчилик билдирган ва билдираётган аксилфикр ҳам яшаш ҳукукига эга эканини тан оламиз. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг мана бу гаплари бизнинг фикрларимиз учун эътиборли хулоса бўла олади деб ўйтаймиз.

«Шу ўринса таъкидламокчи эдимки, дунёвийлик, айрим ақидапараст кимсаларнинг даъволаридан фарқли ўлароқ, асло даҳрийлик эмас. Биз бундай нотўғри ва баразли талкинларга мутлақо қаршимиз».

Агар диккат килсанак, асримиз мутафаккирининг фикри Куръони карим «Бакара» сурасида марҳамат қилинган куйидаги оятларга ҳамоҳандир: «30. Эсланг (Эй Мухаммад), Парвардигоримиз фаришталарга: «Мен Ерда (Одами) халифа (ёрдамчи), кильмокчиман», деганида, улар айтдилар: У ерда бузгунчилик киладиган, конлар тўқадиган кимсани (халифа) киласанми? Ҳолбуки, биз ҳамду сано айтиш билан сени улуғлаймиз ва сенинг номингни мудом пок тутамиз». (Аллоҳ) айтди: «Мен сизлар билмаган нарсаларни биламан». 31. Ва У зот Одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди. Сўнгра уларни фаришталарга рўбарў килиб, деди: «агар халифаликка биз ҳақдормиз деган сўзларингиз рост бўлса, мана бу нарсаларнинг исмларини Мешга билдиринг!». 32. Улар айтдилар: Эй пок Парвардигор, биз факат Сен билдирган нарсаларнингизни биламиз. Албатта Сен ўзинг иму хикмат соҳибисан. 33. (Аллоҳ): «Эй Одам, буларга у нарсаларнинг исмларини билдири», деган. (Одам) уларга барча нарсаларнинг исмларини билдирганидан кейин (Аллоҳ) айтди: «Сизларга, Мен Еру осмонларнинг сирларини ва сизлар ошкор қилган ва яширган нарсаларни биламан, демаганимидим?». 34. Эсланг (Эй Мухаммад), Биз фаришталарга Одамга таъзим қилинг, дейишимиз билан саждага эгилдилар. Факат Иблис кибр ва оп килиб – кофиirlардан бўлди.

Ваҳоланки, сажда бунгача факт тангригагина бажо келтирилар эди. Демак, Худо бу билан барча мавжудодлардан олий, даража нуқтаи назардан ўзидан кейин турадиган буюк зотни яратганини эълон этди. Одам – Худонинг ердаги халифаси.



Одам ҳам Аллоҳга нисбатан халифадир: то у киёматга қадар, яъни Тангри даргохига боргунгача наботот ва хайвонот олами устидан ҳукмронлик қилиб туради.

Ҳукмронлик қилиш учун, табиникки, муайян даражада эркинликка, эркин харакатни ихтиёр этиши ҳукуқига эга бўлиш, фалсафий ибора билан айтганда, ихтиёр эркинлиги зарур. Ана шу ихтиёр эркинлиги фақат инсонга берилган. Фаришталар бундай маънавий неъматдан маҳрум – улар фақат Аллоҳнинг буругини бажарадилар. Лекин инсондаги ихтиёр қилиш эркинлиги ҳам чекланган – у Аллоҳ томонидан Куръони каримда умумий тарзда белгилаб берилган доирадагина мавжуд бўлиши керак. Шу боис мутлақ эркинлик инсонга эмас фақат Яратганга хос.

Инсондаги ихтиёр эркинлиги зарурат талаби билан нисбийлашади. Акс холда, муайян бир ё бир неча инсон ёки гурухнинг бетийик эркин ихтиёри нафакат бошқа инсонлар ва гурухлар, балки наботот, хайвонат олами, бутун Дунё учун фожеага айланиси мумкин. Ихтиёр эркинлигини бундай чеклашнинг, ақлга бўйсундиришнинг асосой воситаси ахлоқдир.

Шундай қилиб, ахлок – олий мавжудотга ато этилган олий неъмат. Яъни ахлоқнинг келиби чикиши илоҳий манбадандир.

Ихтиёр эркинлиги туфайли инсон ҳар кадамда ахлоқий танлов муваммосига дуч келади. Бу муваммо инсонда масъулият хисси мавжудлигидан далолат беради. Масъулиятни ўзгалар ва ўз вижонни олдида жавобгарликни сезмаган киши хоҳлаган ишга кўл уруши мумкин – уни ўз қилимишининг оқибати қизиқтирамайди, у факат манфаат устуворлигини тан олади, холос. Ундай одамни ахлоқсиз деб атайдилар. Зоро инсон ё ээгуликни, ё ёвузиликни танлаши туфайли ниманидир ихтиёр этади.

Даслабки ахлоқий конун – қоидалар ана шу танловни рӯёбга чиқаришга, яна ҳам аниқроқ айтганда, уни осонроқ амалга оширишга хизмат қилади, илк ахлоқий қоида «Ўзингга раво кўрмаган нарсани бошкага раво кўрма» мазмунида дунёга келган. Унинг хозирги замондаги эквиваленти «Пичокни аввал ўзинига ур, оғримаса бировга ур», «Ўзингни эр билсанг, ўзгани Шер бил» каби маколларда акс этган. «Ахлоқнинг олтин қоидаси» деб аталган ушбу қоида, бизнингча, энг қадимий ахлоқий талаблардандир.

Даслабки ахлоқий конун – қоидалар мукаддас китобларда ўз аксини топган зўравонликка зўравонлик билан жавоб бермаслик тамойили асосида яратилган.

Инсон ахлоқий ҳаётининг асоси бўлган ана шу конун – қоидалар хозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган йўқ. Одамлар уларни оғир мажбурият деб билмасдан, дил - дилидан бажарадиган замоннинг тезрок келиши учун тинмай харакат қилишлари ахлоқий тараққиётдан далолатdir. Зоро, ана шу йўлда одам комил инсон бўлиб етишади.

Инсоният тарихида ахлоқий тараккиёт бўлган ва у давом этиб келмоқда. Тўғри, бу давом этиши катъий тадрижийликка эга эмас. У гоҳо сусайиш, баъзан ёса бироз ортга чекиниш, баъзан бир қанча муддат коим турини хусусиятларига эга. Лекин катта даврлар ва тарихий ораликларни олиб қарайдиган бўлсак, ахлоқий тараққиётнинг мавжуд эканига ишонч хосил қилиш қийин эмас. Мустабид тузумлар ва шахслар келтириб чиқарга ахлоқий таназзулларнинг ҳаммаси қиска муддатли ҳамда ўткинчи ҳодисалардир. Зоро, инсоннинг асосий мөхияти ўзини ва ўз жамиятини тараққий эттириб бориш билан белгиланади. Ахлоқ эса ана шу тараққиётдан хеч қачон четда турмайди.

Ахлоқ тузулмасини, уч омил – асосдан иборат деб хисоблайдилар. Булар – ахлоқий онг, ахлоқий ҳиссиёт ва ахлоқий ҳатти - ҳаракатлар. Жуда кўп ҳолларда ахлоқ тузулмасидаги мазкур уч омил – унсурнинг бирортасисиз ахлоқ тушиунчасини тасаввур қилиб бўлмайди. Бошқача айтганда, ахлоқни инсон кўзи олдида гавдалантирувчи ахлоқий муносабатларнинг хис этиши ва ахлоқий онг иштироқисиз юзага чикиши, яъни мавжуд бўлиши мумкин эмас. Бундай холат ахлоқий ҳиссиётта ҳам, ахлоқий онита ҳам гааллукли. Зоро, гузулмадаги бу уч унсур – омил бир - бирисиз камдан - кам мавжуд бўлади, доимо бир - бирини такозо киласди.

Тузилмада пойдевор унсур сифатида ахлоқий ҳиссиёт ёки ахлоқий хис этиши намоён бўлади. Тўғри, жуда кўп ҳолларда бирор - бир ахлоқий қарорнинг амалга ошуви узоқ ёки қиска вақт мабайнинда ўша карор оқибатлари тўгрисида онги равища хулоса чиқаришга, уларни аввалдан англаб этишига уриниш билан боғлиқ бўлади, яъни биз ўз ҳатти - ҳаракатларниизни ахлоқий англаш элағидан ўтказиб, фаолият кўрсатамиз. Лекин ўша англаб амалга оширилган ахлоқий карор тубида, сўзсиз, ахлоқий ҳиссиёт ётади. Демак, ахлоқий хис этиши ахлоқий англаш учун материал вазифасини ўтайди.

Бизнинг ахлоқий ҳаётимиз, барча ахлоқий тажрибаларимиз, ахлоқий фаолиятимиз ана шу уч омил асосида рўёбга чикади. Ахлоқий кодексларимиз, меъёрларимиз ва тамойилларимиз уларга асосланган. Лекин алдов, ёлгон, сохталик ва тоталитар зуғум ҳукумронлик қиласиган даврларда ёки мамлакатларда ахлоқий ҳиссиёт, ахлоқий онг, ахлоқий муносабатлар қабул этилган кодекслар, меъёрлар ҳамда тамойилларга кўпинча тўғри келмайди. Расмий ахлоқий конун-коидалар билан ҳақиқий ахлоқий интилишлар орасида маънавий жарлик пайдо бўлади, тилда бу конун - коидалар кўкларга кўтарилиган холда, дилда, ич - ичдан уларга каршилик ҳукм суради. Натижада жамият учун фожеа бўлган ахлоқий сўз билан ахлоқий фаолиятнинг алоҳида - алоҳида мавжудлиги рўй беради.

Ахлоқий кадриятлар, муштарак ахлоқий тушунчалар, ахлоқий тамойил ва меъёрлар барча миңтақалар ҳамда миллатлар учун бир хил маъно касб этади. Чунончи, мухаббат, эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, виждон, бурч,

инсонпарварлик, одамийлик, бахт, тұрилик, ростгүйлик, саҳийлик ва баҳиллик сингари фазилат ҳамда иллатлар том маънода умуминсоний ҳодисалардир. Зеро, ўзбекча әзгулик өки ёвузлик, инглизча вијдон, французча инсонпарварлик, арабча ёлғон, дейиш мумкинми? Албатта йўқ.

2-Мавзу. Этиканинг асосий мезоний тушунчалари, ахлоқий тамойиллари ва меъёрлари. Оила фуқаролик жамияти ва давлатнинг ахлоқий асослари ҳамда шахс ахлоқий тарбияси.

Режса:

1. Этиканинг асосий - яхшилик ва ёмонлик, адолат, бурч, вијдон, ор-немус, шаън, иззат, қадр-киммат, баҳт-саодат, ҳаётнинг маъноси ва мазмуни каби тушунчаларнинг моҳияти ва аҳамияти.

2. Этиканинг асосий - инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, байналмилатлик, жамоавийлик ва хамкорлик каби тамойилларнинг моҳияти ва аҳамияти.

3.Этиканинг асосий қоидалари ва мезонлари-хушмуомалалик ва ширинаханлик, ҳалоилик, ростгүйлик, дўстлик ва вафодорлик кабиларнинг моҳиятини ўзбекистон Республикасининг мустакиллик йўлидан тараққиётида ва бозор иқтисодиётининг карор топнишида ахлоқий тушунчалар, тамойиллар, қоидалар ва мезонларнинг фуқароларни тарбиялаш ҳамда стук мутахассисларни тайёрлашдаги ўрни ҳамда аҳамияти.

4.Оила ва никоҳнинг моҳияти ҳамда жамият тараққиётида ўрни ва аҳамияти. Оила ва никоҳ муносабатларининг ахлоқий асослари.

5. Оиланинг шахс ахлоқий камолатидаги ўрни ва аҳамияти. Ўзбекистон мустакиллига ва бозор иқтисодиёти шароитидаги оила ва никоҳ муносабатларининг ахлоқий асосларини мустахкамланиши ҳамда уни янада такомиллаштириш муаммолари.

Мавзуга оид таянч тушунчалар: мухабbat, әзгулик, яхшилик, адолат, бурч, вијдон, ор-немус, идеал, ҳаётнинг маъноси, баҳт, инсонпарварлик, эркпарварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, фидойиий, зиёлилик, оила, фуқаролик жамияти, ахлоқий маданият, касбий одоб.

Фойдаланилган адабиётлар рӯйхаги

1. **Буюк ва мұқаддассан, мустакил Ватан.** Ўзбекистоннинг 20 йиллик мустакил тараққиёт йўлида қўлга киритган ютуқ ва натижалари, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, туб ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини ахолининг кенг қатламларига етказиш, жойларда ташкилий-амалий,

маданий-маърифий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш учун мўлжалланган илмий-оммабоп нашр. – Т.: «Иктиюриёт», 2011.

2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2010

3. И.А.Каримов. 2010 йил 12-ноябрдаги Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маъруzasи. - “Халқ сўзи” газетаси 2010 йил 13 ноябр.

4. И. А. Каримов. Юксак маънавият ёнгилмас куч. – Т.. “Маънавият” 2008 йил.

5. Каримов И .А. Донишманд халқимизнинг мустахкам иродасига ишонаман. «Фидор» газетаси, 2000 йил, 8-июн.

6. И.А.Каримов. «Баркамол авлод орзуси» Тошкент, Ўзбекистон, 2000

7. И.А.Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: ҳафсизликка таҳлид, баркарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари» Тошкент, Ўзбекистон, 1997.

8. . Каримов И.А. Ҳалоллик ва фидойилик фаoliyatiimizning асосий мезони булиси. Т., 1994.

9. И.А.Каримов. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» Тошкент, Ўзбекистон, 1997.

10 Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлок.. Т., 1992.

11. Шер А. Ахлоқшунослик. Т. 2000.

1. Ҳар бир фан сингари этиканинг ҳам тушунчалари (категориялар) бўлиб, улар кишиларнинг бир-бирларига, оиласа, жамоага, жамиятга бўлган муносабатларини ифодалайди ҳамда инсонларни тұғри йўлга солишига, теварак-атрофда юз берадётган ҳодисаларни баҳолаши ҳамда улардан хуласалар чиқариша имкон беради. Ахлоқшунослик категориялари орасидан энг кўп тарқалани, энг кўп қўлланиладигани яхшилик ва ёмонлиқdir.

Яхшилик деб кишиларнинг меҳнатсеварлик, ҳалоллик, мардлик, инсонийлик, олийжаноблик, одамларга, ҳалиқа, жамиятга нафи, меҳр - муҳаббаги, химмати, муруввати, оғирини ўнгил килиш, раҳм - шафқати ва уларга зиён - заҳмат етказмаслик сингари ижобий ҳатти - ҳаракатларга айтилади. Ахлоқшунослик яхшилик тушунчасининг конкрет тарихий мазмунига, инсониятнинг олга караб ҳаракат килишига, меҳнаткашларни ва барча инсонларни ҳимоя килишига имкон берадиган ва уларнинг ижодий күчларининг бемалол ривожланиши ҳамда қўлланилишига имконият туғирадиган жами ижобий, ахлоқий фазилатларни киритади. Яхшилик деганда, муайян синф, ижтимоий гурух, партия, давлат, жамоага, шахсга, инсонга бериладиган ахлоқий баҳо, фазилат ифодаланади,

Ёмонлик эса кишиларнинг дангасалик, текинхўрлик, заракунандалик, золимлик, майхўрлик, гиёхвандлик, дилозорлик, ҳасадгўйлик, гуҳматчилик,

иғвогарлик гийбатчилик, бузуктик каби салбий хатти - харакатларига айтилади. Яхшилик өзгулик, химматлилик деб юритилади. Ёмонлик эса ёвузлик деб юритилади. Ахлюкшуносликнинг муҳим тушунчаларидан бири адолат, адолатлилик бўлиб уларнинг мазмунида поклик, тўғрилик ҳакикат мужассамлашади. Адолат тушунчаси инсоний муносабатларда инсоф, диёнат, тенглик, ҳакқонийлик, рағбатнинг зарурий ўлчовларидир. Демак, адолат деб кишилар ўртасидаги муносабатларда тенгликни, тўғриликни, ҳакикатни, ҳаққонийликни, покликни ифодаловчи хатти - харакатларнинг жамига айтилади. Инсоният ярагилгандан бери адолатни кадрлаб ва адолат учун курашиб яшаб келмоқда. Чунки, адолат бўлган жой гуллаб яшнайди, ҳалқ эркин бўлади. Аксинча адолат оёқ ости қилинган жойларда эса разолат ҳукм суриб, жамият ва одамлар тубанликка юз туттган. Арасту Искандарга қилган насиҳатларида: "Билгилки, адолат - буюк курдатли худонинг ер юзидаи ўлчовидир, унинг ёрдамида заиф бўлган ҳак, одам кучли бўлган ноҳақдан ўз ҳакини олади", — деган эди. Соҳибкорон Амир Темур ўз ҳаётни ва фаолиятида "Куч адолатда" деган сермазмун ҳикматга амал қилсан. Донолар ҳикматларига амал қилган юртбошимиз И. А. Каримов адолат машъяласини баланд кўтариб, ундан ўз ҳалқини баҳрамаанд этмоқда. Унинг мунааввар ёғулларидан, адолат нуридан баҳра топган ҳалқимиз Ватан богини обод килиб, тинч ва осоишига ҳаёт кечирмоқда.

Этиканинг муҳим тушунчаларидан бири бурч бўлиб, у кишиларнинг жамиятда ўз вазифаларини бажариш одамларга ва ижгиомий ҳаётга тўғри муносабатда бўлиши каби фазилатларини ифодалайди. Бурч - деб инсоннинг, шахснинг, кишилар, оила, Ватан, миллат, жамият олдидаги мажбурияти, маъсулияти, соликилиги, онглилигини ифодаловчи хатти-харакатларнинг жамига айтилади. Ўз бурчига содиклик ҳар бир кишига обрў, шон - шараф келтиради. Ҳар бир инсон ўз бурчига содиклиги ўзига, жамиятга, Ватанга, миллэтга, меҳнатга, оиласга, фарзандига, жамоага бўлган муносабатида намоён бўлади. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига багишинган тантанали нуткида "Шароф Рашидов ўз ҳалқига ва ватанига фидой фарзанд эди, у ўз ҳалқининг эртасини ва келажагини ҳаммадан кўпроқ ўйларди. Энг оғир шароитда ҳам Шароф Рашидов ҳалқига фарзандлик бурчини кўлдан келганча адо эти", деб таъкидлаган эди. Бугунги кунда мустакил Ўзбекистон фуқароларининг бурчи чинакам ижтиомий жамият куриш ва баркамол инсонни тарбиялаш бўлмоги лозим. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Президентимиз И.А. Каримов асарларида фуқароларнинг ўз бурчларини бажаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Республикамиз асосий комусининг 11 бобида барча фуқароларнинг конституцияяда белгилаб қўйилган бурчларини бажаришга қонунларга амал этишга, бошқа кишиларнинг ҳукуклари эркинликлари, шаъни ва қадр - қимматини ҳурмат килишга Ўзбекистон ҳалқининг тарихий маданий ва маънавий меросињи авайлаб асрарашга, атроф табиий мухитга

эхтиёткорона муносабатда бўлишга, копун билан белгиланган соликлар ва маҳаллий йигинларни тўлашга мажбурдирлар ва Ўзбекистон Республикасини ҳимоя килиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фукаросининг бурчидир деб таъкидланади.

Этиканинг ғоят мухим тушунчаси виждан ва виждонийликдир. Виждан ва виждонийлик деб инсоннинг ўз хулқини муайян жамият аҳлоқ коидалари нуктаиназаридан туриб аҳлоқий баҳолаши ва назорат килиши, ўз хатти - харакатларини ва бу хатти - харакатларга боғлик бўлган ҳис - туйгуларни, кечинмаларни ўзида таҳчила этишга айтилади. Виждан ва виждонийлик инсоя учун ғоят зарурий, кимматли аҳлоқий фазилатдир, унинг ўз мезони ва баҳоси бор. Виждан кувонини, енгил гортини, изтиробдан кутулиш, хижолатдан фориг ва юзи ёрут булиш каби ижобий ҳис - туйгулар, шунингдек салбий кечинмалар тавба, узр сўраш, изтироб чекиш, пушаймон ва хижолат булиш, уялиш каби салбий кечинма, ҳис - туйгуларда, хатти - харакатларда намоён бўлади. Виждан инсон хатти - харакатларининг энг ҳакимий жуда холис, ғоят поклик ҳакамидир. Шу боис юртбошимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек "...Виждан билан, иймон билан, диёнат билан ўйнашиб бўлмайди". Виждонисизлик эса бениҳоя шармандалик, ўта салбий, ғоят уятили иллатдир.

Этиканинг мухим тушунчаларидан бири кадр - киммат бўлиб, уни тохида иззат - нафс, ор - номус ҳам деб юритадилар. Кадр - киммат ёки ор - номус деб инсоннинг жамиятдаги ўз кимматини, иззат - нафси, шаъни, шарафи, шоншуҳратини Англанияни, аждодлар, оила ва милят шаънига док тушурмасликни ва уларнинг жамият томонидан тан олиниши ҳамда эътироф этилишига айтилади. У шахсий, ижтимоий, миллий, касбкор шарафи, йигитлик шаъни, кизлук номуси, иззат, хурмат, ишонч, рағбат, мақтov, тақдарлов, нишонлаш, хотирлаш, помини абадийлаштириши ва хоказо каби аҳлоқий фазилатларда намоён бўлади ҳамда бу тушунчаларда инсоннинг, ҳалқнинг ҳаётida ҳамда фаолиятида мухим аҳамият касб этади. Президентимиз И.А. Каримов сўзлари билан айтганда: "Ўз иззати ва кадрини билган ҳалқгина бошқаларнинг ҳам иззат ва кадрини жойига кўйишига кодир бўлади". Бу сўзлар ҳар бир конкрет одам ва шахсга ҳамда раҳбарга ҳам гаълуклидир.

Этиканинг ғоят мухим тушунчалари ҳаётнинг маъноси ва мазмуни, баҳтсаодатдир. Ҳаётнинг маъноси деб онгли инсоннинг яшашдан кўзлаган мақсади, унинг умри, ҳаёт фаолиятининг умумий йуналишини англатувчи жараёнларга айтилади. Ҳаётнинг маъноси инсоннинг ўз олдига кўйган мақсади, ҳаётда кўзлаган манфаати ва белгилаган вазифаларида намоён бўлади. Инсон ҳаётининг маъноси — бу унинг ҳаётининг бутун бош йулидирки, кишининг конкрет мақсадлари ана шунга боғлик бўлади, Инсон факат еб - ичиш, зурриёт колдириш тирик эмас, меҳнат килиш, жамиятда яшаш, ўзидан бошқа кишилар билан ижтимоий муносабатда булиш жараёнида у инсон сифатида шаклланади, ўсиб -

унади, талант ва истеъдоғларини намоён қиласи. Рус шоири А. Блок: "Инсон хаётининг маъноси тиниб - тинчимаслик ва доимий ташнишдан иборатлигини тушунган одам калта фаҳмликдан қутулган булади", — деган эди. Демак, инсон хаётининг маъноси дунёга келиб, униб - ўсиб, оила кўриб, фарзандларни тарбиялаб, ўзи, оиласи, Вагани, миллати, жамияти учун ижодий меҳнат килиб, ўз умрини фаровон, гўзал, кизикарли, максадга мувофик килиб ўтказишдан иборат. Бинобарин, хаётнинг маъноси ейиш, ичиш, кийиниш, лаззатланишдан иборат бўлмай, балки буларга эришишлик учун яашаш, меҳнат килиш, ижод килишдан иборат. Ҳаётнинг мазмуми инсон хаётининг кандай кечганигини ифодалайди. Инсон хаётининг мазмуми деганда инсоннинг жамият хаётидаги ўз ўрни ва аҳамиятини белгиловчи бутун фаолияти (аввалги, хозирги ва келажақдаги) асосий мазмун англаши даражаси ҳамда унинг намоён булиш даражаси тушунилади. Ҳуллас, ўз хаётини, унинг маъноси ва мазмуми максади, гўзал ва баҳтили килишга эришмоги лозим. Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек: "Ҳар бир одам "Мен кимман ўзи. Бу дунёга нимага келгим? Дунёга келиб нима ин килдим?", — деб ўзидан сўрайди.

Шу саволларга бемалол жавоб бермоқ учун у умри давомида савоб ишларни кўпроқ, қилмокқа шопшилмоги керак". Инсон хаётининг олий мақсади баҳт - саодатга эришишлар. Ҳўш. баҳт нима? Оддий сўз билан айтганда баҳт бу инсоннинг орзу - истаклари, максадларига етишиб яшашидир. Ёки бошқача килиб айтганда, баҳт, баҳтлийик ҳар бир кишининг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг қондирилганлиги, ўз максадлари, орзу - истакларининг рӯёбга чиққанлиги, хаётдан, ўз хатти - харакатларидан маънавий кониқиши оқибатида хосил бўладиган олий неъматдир. Баҳт тушунчаси хилма - хилдир. Ватан баҳти, шахс баҳти, меҳнат баҳти, ёр баҳти, оила баҳти, фарзанд баҳти, қариллик баҳти ва бошқалар. Лекин буларнинг ҳаммаси, инсон баҳти, унинг фаровон, тўқ, соглом оила ва фарзанди бўлиб, узоқ умр кўриши кабиларда кўринади. Қадимда бир донишманддан "Одамни нима баҳтли қиласи, бойликми ёки шон-шуҳратми?" — деб сўрабдилар. "Бойлик ҳам, шон - шуҳрат ҳам одамни баҳтли кила олмайди. Танжони соғ гадо ҳар кандай бой одамдан баҳтлироқдир" — деб жавоб берибди донишманд. Инсоннинг баҳтли бўлишида сихаг - саломатлик билан бирга ёшлидан яхши, аъло ўқиши, касб - хунар эгаллаш, ижтимоий фойдали меҳнат килиш, оиласи, уйли - жойли, фарзандли бўлишга, жамоа ва жамиятда обрўга эга бўлиш ва ҳоказо шартларнинг аҳамияти катта. Жумладан, Президентимиз И.А. Каримов айтганидек: "Фарзанд кўриб, ота бўлиш, она бўлиш баҳтдир". Айни пайтда ҳамма нарсаси бўла туриб, обрўси бўлмаган инсон дунёда энг баҳтсиздир. Демак, баҳт деб инсон эга бўлиши лозим бўлган соғлом, ўз хаётининг беками - кўстлити, маънавияти, ахлюкли, обрў-эътиборли, барқарор, хушчакчак, боқий умр кечиришига айтилади. Инсонга баҳт ўз - ўзидан келмайди. Гойибдан келадиган баҳт йўқ. Баҳтни совға килиб бўлмайди. Ҳар бир инсон ўз

бахтни ҳалол мөхнати, тинч - тотув яшапи, касбкор, илм - фан, техника юту кларини эталлаши билан топади. Демак, бахт - инсонлар орасидан муносиб ўрин гониц, ўзининг ҳалол мөхнати, ўзгаларнинг юкини енгил килиш, она ҳалқи орасида номи ардок билан тилга олиниши, эл фаровонлиги учун қўшган хиссаси, келажак авлодларга колдира олган тұхфасидир. Бахт ҳар бир кишининг баҳ гыйлиги давлати, мамлакати, жамиятининг таракқиёті даражаси, мустақил ёки қарамлиги, тинч ёки нотинчлиги, ижтимоий тузумнинг хусусияти, табий оғатлардан ҳоли ёки ҳоли эмаслиги, экологик вазияти ва ҳоказоларга боғлик ҳолла намоён бўлади. Масалан, бир неча ўн йиллардан бери боши уруш - жанжал, можаролардан чиқмаётган Афғонистон, Тожикистон, Чеченистон фуқароларининг ҳәстини баҳтли деб бўлмайди. Баҳт бу, факат ўз баҳти учун, балки ўзгаларни баҳтли килиш ва уларнинг баҳтли бўлиши учун курашии демакдир. “Ўз баҳtingни ўзгаларнинг баҳтидан кидир” деган ҳикмат бежиз айтилмаган. “Ер юзида лоакал биргина бўлса ҳам баҳтсиз яшæтганини кўриб туриб, хотиржам яшаш ва баҳтли бўлиш мумкин эмас”, — деган эди венгер математиги Больяй Яноши.

Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий, иктисадий ва маънавий таракқиёти, фуқароларимизнинг ижодий мөхнати уларни ҳаммасининг ва ҳар бирининг баҳти ҳәстини таъминлайди.

2. Этика аҳлоқни, аҳлоқий муносабатларни, аҳлоқий талабларни бир мунча умуний тарзда ифодаловчи аҳлоқий онг шаклари сифатида намоён бўлувчи аҳлоқий тамойиллар (принциплар) воситаси билан ўрганади. Аҳлоқшуносликнинг тамойилларига инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва ҳамкорлик, аҳлоқий ғоявийлик кабилар киради. Инсонпарварлик (гуманизм) — кишиларга нисбаган меҳр - оқибатли, муруватли, ҳимматли, ҳурматли бўлиш, кишиларга яхшилик қилиш, киши гулоҳ қилгаца ҳам уни кечириш, ули тушунишга ҳаракат қилиш, кишининг шарм ва мустақиллигини ҳурматлаш демакдир.

Инсонпарварлик одамзот найдо бўлгандан бери пайдо бўлган шахсий, факат инсонгагина хос онгли фазилатдир. Инсонпарварлик (гуманизм) деб одамларга меҳр - оқибат билан қараш, уларни ҳурмат қилиш, инсоннинг моддий фаровоиљи ини ошириш, маънавий камолатини юксалтириш, баҳтли, сифатли, эркин, озод, даҳлсиз яшашини таъминлаш, келажаги ҳакида ғамхўрлик қилиш каби максад ва гоялар билан сүғорилган кишиларнинг хатти - ҳаракатлари ҳамда фазилатларнинг жамига айтилади. Инсонпарварлик ҳамма вакт кишилар ҳаёти ва фаолиятининг зарурий шарти бўлиб келган. Француз маърифатпарвари Ж. Ж. Руссо: “Одамлар, инсонпарвар бўлинг! Бу сизнинг биринчи бурчингиз”, — деган эди. Буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий

“Одами эрсанг демагил одами,

Ониким йўх ҳалқ гамидин - гами” —

деган даъвати хозирги қунгача ҳайтимизнинг шиорларидан булиб турибди. Бинобарин, инсонпарварлик, якка - ёлгиз фахрийларга, ногиронларга, серфарзанд оилаларга, кўмакка мухтоҷ бошқа фукароларга бутунги Ўзбекистонда давлат миқёсидаги анъаналар сафилан тобора кенгроқ жой олмокда, Чунки юргашимиз И.А.Каримов таъкидлашича: "Инсонпарварлик бу ўзбек ҳалки миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шафкатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир. Ўзбек оиласида бугунги кунда яхшилик ва ёргулик, болаларга меҳр, катталарга хурмат, яқинларга ва бошқаларнинг кайғусига хамдардлик мужассамлашгандир"¹. Ҳалқимизнинг, миллиатимизнинг, республикамиз барча фукароларининг, давлатимизнинг инсонпарварлиги хозирги ҳайтимиздан тобора чукуроқ, ўрин олаётган адолат, сихат - саломатлик, фидойилик, болапарварлик, соғлом авлод учун кураш, тинч - тотув яшашни таъминлаш кабиларда намоен бўлмоқда. Ахлоқшуносликнинг мухим тамоилиларидан бири меҳнатсеварлик, яъни инсоннинг моддий ва маънавий бойлик яратишга ва кўпайтиришга хамда умуминсоний фаровонлик ва тараққиётини таъминлашга каратилган фаолиятидир. Мехнатсеварлик -- киши камолатининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. У кишиларни мухожликлардан, юрак сикилишидан, ахлоқий бузилишдан саклайди. Мехнатсеварлик туфайли одамда обрў - эътибор ортади, кишидан яхши ном қолади, унинг ҳаёти сермазмун. сержило ва баракали бўлади. Бинобарин, бугунги кунда Ўзбекистон мустакиллигини мустаҳкамлаш учун мамлакатимиз барча фукароларида, айниқса ёшларда меҳнатсеварликни карор топтириш ва улар ҳаётига сингдириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифадир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: "Буок давлатни кўзлаб, порлок келажак учун, фарзандларимиз икбoli учун, авлодларга озод ва обод Ватан колдирмок учун яшаши ҳалол меҳнат килиш Ўзбекистонда истикомат килаётган ҳар бир кимсанинг мукаддас бурчидир"².

Этиканинг мухим тушунчаларидан бири ватанпарварлик, Ватан туйгуси, Ватанини севищидир. Ватанниарварликнинг жуда кўп таъриф - тавсифлари бор. Ахлоқшуносликда ватанпарварлик деб инсоннинг ўз Ватанига меҳр - мухаббати, унга садоқати, унинг ўтмиши, ҳозири ва келажаги билан фахрланиши ҳамда ватан манбаатлари йўлида хизмат килишга тайёр туриши каби хатти - ҳаракатлари ва фазилатларига айтилади. Инсон учун Ватандан, она - юргдан, тугилиб ўсган, кучогида меҳнат килиб, яйраб - яшнаётган жойдан юксакрок бойлик йўқ. Чунки ҳар биримиз кишлоғимизсиз ва шахаримизсиз, туманимизсиз ва вилоятимизсиз ва ниҳоят бутун Ўзбекистонсиз яшай олмаймиз. Шу боисдан ҳар биримиз Ўзбекистонни севишимиз ҳам фарз, ҳам карзdir. Бинобарин, бугунги мустакиллик даврида Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: "Ватаннинг ҳар бир асл фарзанди ўзини ота юртингнинг ажралмас бўлаги деб ҳис этаяти ва бундан

¹ И.А.Каримов. «Баркамол авлод орзусу» Тошкент, Ўзбекистон, 2000, 7^т -бет

² Ўша асар.88-бет

фаҳрланаянти. Истиқлол берган энг катта бойликлардан биринчиси ана шу десак, асло янгишмаган бўламиз”¹.

Этиканинг мухим тунунчаларидан бири байналмилат ва халкаро ҳамкорликдир. Байналмилатчилик арабча “байнамилат” — миллатлараро сўзидан олинган бўлиб, жаҳондаги ёки муайян мамлакатдаги барча миллат ва элатларнинг тенглиги, ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлигини ифодалайди. Байналмилаллик миллий чекланиш ва шовинизм (бир миллатнинг иккичи миллиат устидан ҳукмронлиги)га бутунлай карама - каришидир. Байналмилаллик гоялари ҳамиша кишиларни ва мутафаккирларни гоят даражада жалб килиб келган.

Немис мутафаккири Г. Э. Лессинг (1729-1781); “Дунёдаги барча ҳалклар ҳар жихатдан ҳам тенгма - тенг, бири иккичисидан ортиқ эмас”, — деган эди. Шарқда “Қиркта элат бирлашса, душман кучи кирқилур”, деган макол бор. Бинобарин, миллаглар бошка ҳалкларнинг ютукларидан фойдаланмай туриб ривожлана олмайдилар. Барча ҳалкларнинг ижтимоий, иктисодий, маданий, маънавий юксалиш тарихи бир - бирлари билан чирмасиб кепсан. Ўнинг учун ҳам ҳар бир миллат ўз доирасида чекланиб қолмай, бошка миллатлар ва ҳалқлар билан биргаликда тарақкий киласди. Демак, мамлакатимизда биронта ҳам миллат, элат бошка миллат ва элатлардан, умумий жаҳон цивилизациясидан ажралиган ҳолда тарақкий кила олмайди. Бу тарихимизда кўплаб исботланганидек, бугунги мустакиллигимиз шароитида янада мухим ахамият қасб этмоқда. Чунки Ўзбекистонда ўзбеклар билан бирга 130 га яқин миллат ва элатлар вакиллари яшаб, меҳнат келмоқда. Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек: “ҳаётимизнинг ўзи турли миллат, эътиқод ва дин вакиллари ўргасида ўзаро ҳурмат ҳукм сурган шароитдагина умумий хонадонимиз, умумий келажагимиз, фарзандларимиз келажагини куриш мумкинлигини кўрсатиб турибди”.

Этик гоявийлик кишининг, шахснинг ўзини - ўзи англаш одоби ва ҳаётий фаолиятининг мухим тамойилларидан бирини кўрсатувчи ахлокий фазилатдир. Ахлокий гоявийлик кишининг маълум маънавий-ахлоқий гояга берилганинги кўрсатади, киши шунга асосан ўз хатти-ҳаракатини белгилайди, ўз умрини шу гояга бағишлишими ифодалайди.

3.Этика ахлокининг, ахлокий муносабатларнинг нормалари (намуналари, меъёрлари, мезонлари)ни ҳам асослаб беради. Ахлок мезонлари у ёки бу ижтимоий бирлик: шахс, оила, миллат, жамият ва ҳоказолар ахлоқи талабларининг энг oddий шаклларини билдиради. Буларга хушмуомалалик ва ширинсуханлик, ҳалоллик ва ростгўйлик, камтарлик, фахр ва ифтихор, олийхимматлилик, самимийлик ва дўстликка садокат, шарму - хаё сингари ахлок - одобнинг ижобий ҳамда иғвогарлик ва гийбатчилик, ҳасадгўйлик ва тухматчилик, мактансоқлик ва такаббурлик, ёлғончилик ва қаллоблик, иккιозламачилик, мунофиқлик, хиёнатчилик,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тарақкиёт йўли. Тошкент – 1992, Ўзбекистон, 23- бет

дүшманлык, баҳишлиқ ва зикналик, эзмалик ва лакмалик, жоҳишлиқ ва нодонлиқ, худбинлик ва айёрлик, касдлашиш ва қалака - мазах килиш каби салбий ифодалари киради. Хушмуомалалик инсоннинг кишиларга ҳурмат, самимий, ёқимли, мулоийимлиқ билан ифодаланаадиган хатти - харакатлари ва фазилатларидир. Хушмуомалалик ширинсуханлик деб юритилади. "Бизда хушмуомалаликдан ҳам кўра кимматга тушадиган ва қадр - киммати баланд бошқа нарса йўқ", — деб ёзган эди, испан ёзувчиси М.С. Сервантес (1547-1616). Хушмуомалалик кишининг чинакам маърифатли ва маънавиятли эканлигидан далолат беради. Хушмуомалаликнинг акси қўполлик, дагаллик, ҳақоратлаш ва сўкинишдир. Ҳаётда кишиларга, дўстларга хушмуомалалик билан муносабатда бўлиш кўпроқ муҳимдир. Инсонлар ҳаётида ҳалоллик ва ростгўйлик сингари ахлок мезонлари ҳам муҳим аҳамият қасб этади. Уларни инсон ахлокий соғлигининг кўзгуси дейиш мумкин. Чунки уларда кишининг ахлокий эътиоди ҳам, мақсадлари ҳам, хатти - харакатлари ҳам худди ойнадагидек акс этиб туради. Ҳалоллик киши хатти - харакатларининг ва кулкининг тўғрилиги, қатъийлиги, самимийлиги билан ифодаланаади. Ҳалоллик эни олийжаноб фазилат бўлиб, у ҳақиқат ошила чекинмайди, унга интилиш қанчалик кийин бўлмасин, нопок, ҳаром, соҳтакорликлардан жирканишдир, уларга йўл кўймасликдир. Ҳалолликка энг якини фазилат ростгўйлик бўлиб, уни ҳақгўйлик ҳам деб атайдилар. Инсоннинг ростгўйлиги, ҳақиқатни севиши, аччик бўлса ҳам ундан юз ўғирмаслиги, ёлғончиликка йўл кўймаслиги унинг ахлокий баркамоллигининг синов тоши (эталони)дир. Бинобарин, ҳалоллик ва ростгўйлик инсон ва жамият учун гоят зарурий ахлокий фазилатдир. Шу боисдан ҳам Ўзбекистонинг мустакиллик ва бозор иктисадиёти йўлидан боришида барча фуқаролар, айниқса ёшлар фаолиятида ҳалоллик ва ростгўйликни қарор топтириш катта аҳамиятга эга. Инсон ахлокий киёфасини ифодаловчи мезонлардан бири камтарлик бўлиб, у кишининг содда табиатлигини, бошқалардан ўзини устун кўймаслигига, кишиларнинг ҳаётий тажрибаларига, билимга, хис - туйгуларига ҳурмат тарзида намоён бўладиган хатти - харакатларини ифодалайди. Камтар одам ҳеч қачон ўзини бирор кишидан, кўпчиликдан, ҳалқдан устун кўймайди. Аксинча у ҳалқ билан доимо бир тан, бир жон бўлиб яшайди ва у кишига куч багишлайди. Шунинг учун ҳам "Камтар кам бўлма", "Камтарга камол", — дейди доно ҳалқимиз. Исбот талаб қилмайдиган бу ҳақиқат бир неча минг йилликларнинг синовидан ўтиб келмокда. Аммо камтар бўламан деб ўз қадр - кимматини ерга урмаслик, иззат - нафсини поймол қилдирмаслик лозим. Ҳатто ортичка камтарлик пинхона тақаббурлик (гердайиш) бўлиб чиқиши мумкин. Демак, камтарлик инсонга обрў, куч - кувват баҳш этадиган, обрў - эътиборини оширадиган ва уни тақаббурлик, мактансочклиқ, димоғдорлик, манманлик, менсимаслик каби кусурлардан ҳолос қиласдиган фазилатлардир. Бу ибратли мезон билан кишининг иродалилиги, чидамлилиги, сабр - тоқатлилиги ҳам ҳамоҳанг ва якиндир. Демак, камтаринлик,

иродалилик, чидамлитик инсон учун ғоят зарур ва фойдали ахлокий фазилатлардир.

Этиканинг мезонларидан яна бири шарм - хаё бўлиб, у кишиларнинг нафсни тийиш, ёмонликни тарқ этиш, бехаёлардан ўзини олиб кочиш, эҳтиёткорлик килиш ва уялиш, номус, шарафини сақлаш кабиларни англатади. Унинг аксини оддий тилда бехаёлик, уятсизлик, шармисорлик дейилади. Шарму - хаё ҳар бир инсон учун, миллатимиз учун, айниқса ёшлирамизга нон билан сувдек зарур бўлган ибратли мезондир. Қалбга доф - тушуриб кўйгандан кўра бетнинг кизаргани афзал. Президентимиз И. А. Каримов ўзбек халқига азалдан хос бўлган шарм - хаё, меҳр - оқибатга юксак баҳо бериб, бундай деган эди: "Аввалом бор биз ўзимизни англашимиз, ўзбек деган номни улуғлашимиз керак. Яна айтаман, биз Шарқданмиз, Осиёликмиз... Бизнинг халқимиздаги шарм - хаё, меҳр - оқибат яна кайси халқда бор? Бу сўзларни бошқа тилга таржима килиб бўлмайди". Шарм - хаё, андишилик билан боғлиқ бўлиб, у кишининг оқибатни ўйлаб, юз - хотир килиб киладиган хатти - ҳаракатларини ифодалайди. Лекин андишилик хамиша маъкуз эмас. Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек: "Биз андиша, ўзбекчилик, мусулмончилик деган тушунчаларни ўзига ниқоб қилиб олган ана шу қусурлардан бутунлай коли, бутунлай холос бўлишимиз керак. Андиша ўз йўли билан, лекин инсон энг аввало журъатли ва жасур бўлиши керак. Дард яширилса, оқибати ёмон бўлади, мадда бойлаб кетади. Ўз дардимизни ўзимиз ошкор этишимиз, ўз вақтида чора тоғишимиз, тузатишимиш, бу ҳар кунлик оддий одатимизга айланиши зарур".¹

Этиканинг оддий мезонларидан яна бири ҳимматлилик бўлиб, унинг мазмунида кишиларнинг саховати, покизалига, муҳтоҷларга ғамхўрлиги, ёрдами кабилар ётади. Одамнинг одамийлиги унинг ҳимматида, меҳр - муҳаббати, саҳиълигига намоён бўлади. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: "Савоб ва хайрия деган муқаддас тушунчалар жуда кенг. Бозору мозорларни обод килиш, бева - бечораларга, муҳтоҷ оиласаларга ёрдам курсатиш керак"².

Этиканинг энг муҳим мезонларидан дўстлик бўлиб, кишиларнинг ўзаро ёрдамини, ҳамкорлигини, яқинлиги, хатти - ҳаракатлари ва фазилатларини ифодалайди. Дўстлик кишилар ўртасидаги қизиқиши ва манфаатлар, мақсадлар бирлигига, ўзаро яқинликка мосланадиган муносабатдир. Мустаҳкам, чинакам, бокий умр дўстлик хамиша оғир, машаққатли дамларда юзага келади. Ҳақиқий дўст садоқати муҳтоҷлиқида, кийинчилиқда, мушкулотда, баҳтсизликда синалади. Ҳақиқий дўстсиз кишининг хаёти тұлақонли ва мазмунли бўла олмайди. Шу боисдан халқимиз "Дўстсиз киши — кўлсиз киши", "Дўстлик баҳтиёрлик

¹ И.А.Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлар» Тошкент, Ўзбекистон, 1997, 131 -бет

² Ўша асар 142-бет

пойдевори", — дейди. Севикли шоиримиз Эркин Вохидон хам: "Дўст билан обод уйинг, гар бўлса у вайронга хам деб бежис айтмаган. Шунингдек хаётда чинакам, хақиқий, вафодор дўстларни ортириш, асрарш, авайлаш жуда муҳим. Дўстлик вафодорлик билан боғлик. Вафодорлик дўстликка садоқатлиликни, маънавий бирлиқда, ҳамкорликда, меҳр - оқибатлиликда, жасоратлиликда намоён бўлади. Вафодор инсонлар ва дўстлар ҳар қандай вазиятда хам бир - биридан дўстлик ришиналарни узмайдилар ва бир - бирлари учун жон - фидо этишдан ҳеч качон тоймайдилар. Инсонлар ва дўстлик, садоқат ва вафодорлик туйгуларини намойиш этиб элини, юртини ва ўзларини хам ҳалокатдан ҳалос этадилар. Шу боисдан хам тарихимизда бўлгани сингари мустакиллик даврида Ўзбекистон фуқароларининг дўстлигини ва вафодорлигини карор топтириш ҳамда мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Оддий ахлок - одобнинг салбий мезонларидан бири иғвогарлик бўлиб, кишининг бирор кимсага нисбатан бўхтон килиши, унда бўлмаган кусурларни, ҳар хил уйдирмалар, номаъқул гапларни тарқатиши, коралаши. Гирт ёлғон кирдикорларни ўйлаб топиб, унинг шаънига фиску - фасодларни тўкиб чикаришидир. Иғвогарлик кўпинчча. сиртдан, орка ва ортдан, гойибона ва пинхона бўлади. Гийбатчилик кишининг ҳасад, кўраолмаслик, алдаш, маккорлик, риёкорлик, ғарзгўйлик яқин бўлиб, у кишининг муваффакиятини кўра олмаслик, изтироба тушиш, фиску - фужурлар билан боғлик салбий ҳатти - ҳаракатларидир. Тұхматчилик кишини яхши билмай, бироннинг гапига лакиллаб ишониб, унга бўхтонлаш, фиску фасодлар ёғдиришидир.

Мақтанчоқлик ўз хислату фазилатларини кўз - кўз килиб, кўп гапириб, ўз яхшилигини миннат килиб юрган одамнинг салбий ҳатги - ҳаракатларидир. Такаббурлик кишининг манманлик, қалондимоғлик, шухратпарастлик каби ўта салбий феъл - атворидир. Ёлғончилик кишининг далилсиз, исботсиз, асоссиз гапириши ва уларни тарқатишидир. Қаллоблик кишининг турмушда муттаҳамлиги, алдамчилик, галамислик, кабиҳлик билан боғлик салбий ҳаракатларидир. Иккюзламачилик кишини кўрганда мактаб, кетгандан кейин унга маломат, уйдурмалар ёғдиришидир. Муноғиқлик ҳеч нарсадан, ҳаром-ҳаришдан, ёлғон - яшиқдан жирканмай килинган ҳатти - ҳаракатларидир. Юкоридагиларнинг ҳаммаси аҳлоқнинг мезонларини ифодалайди.

Ўзбекистоннинг мустакиллигига ва бозор иктисолиётти шароитида аҳлоқшуносликнинг тушунчалари, коидалари ва мезонларини хаётда, кишилар турмуши ва онгода карор топтириш ҳар качонгидан муҳим аҳамият касб этмоқда. Мустакиллик даврида адолатлилик, ватанпарварлик, ҳалклар дўстлиги, ҳалоллик ва ростгўйлик каби меъбрларни ҳалқимизга сингдириш ҳозирги даврнинг муҳим вазифаларига айланмокда. Чунки Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: "Биз шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатпарвар демократик давлат куришга интиlamиз. Адолатга интилиш ҳалқимизнинг

маънавий руҳий дунёсига мос келадиган энг муҳим хусусият. Алолатпарварлик тоғаси бутун иктиносидий ва ижтимоий муносабатлар тизимиға сингиб кетиши. ижтимоий қўмаклашув механизмида ўз аксини тоғини керак. Энди Ўзбекистон мустакил бўлди. Унинг ҳар бир фуқароси, ҳар бир ўғил - кизи Ватанга содик, садокатли бўлишини бурч деб билмоги керак. Хулиас, юртбошимиз И.А.Каримов таълим берганидек: "Катталарни хурмат килиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик килиш, очик қўнгиллилик, миллатидан катъий назар одамларга хайрикоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйгуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри хисобланади.

4. Инсоннинг ҳаёті ва турмушида, айниска ёш авлоднинг камолот тоғишида, аҳлоқий вояга етишида оиласнинг ўрии ва вазифаси бекиёсdir. Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек: "Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитига янайди. Оиласа хос анъаналар, кадриятлар, урф - одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими фарзандлар оиласнинг ҳаёт мактаби орқали жамият ташабларини англайди, хис этади". Юргонлимиз яна уқтирганидек: "Халқими тарихига назар ташлайдиган бўлсан, энг кимматли анъаналар: ҳалолтик, ростўйлик, ор - номус, шарму - ҳаё", меҳру - оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар энг аввало оиласда шаклланган". Бас шундай экан, оила ва никоҳ нима, уларнинг моҳияти, максади ва аҳамиятини билиш ҳар бир фуқаро, ҳар бир бўлажак чутахассис, ёш авлоддан тортиб кекса кишиларгача билиши зарур ва муҳимдир.

Хўш, оила ва никоҳ нима? Оила сўзининг лугавий маъноси ҳакида ҳар хил нуктаи назарлар бор. Масалан, Римликларда "оила" сўзи (*Familia*) дастлабки мулк эгасига бўйсунадиган шахслар (бу шахслар мулкининг бир кисми хисобланган; мулк эгасининг ўз болалари, хотини, асир, сотиб олинган ёки мерос бўлиб ўтган куллар ҳам хисобга кирган) мажмунини билдирган. "Ота" сўзи ҳам дастлаб ҳозирги маънодага отани эмас, балки ўзига қарашли оиласнинг хўжаси ёки эгаси деган сўзни англатган. "Оила"нинг лугавий маъноси бошқа бир манбаада кўйидагича изоҳланади: "Оила асли арабча "аёлманд, ниёзманд" маъноларини англатувчи "оил" сўзидан чикканлиги "Фарҳанги забони тожикийда қайд этилган. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" да ҳам бу сўзинг арабчалиги таъкидланиб, "эр-хотин, уларнинг бола - чакалари ва энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи кишилар мажмуи, хонадон" маъносидагина изоҳланади. Ҳар иккала изоҳда ҳам сўзлаги маъно юки оналик булоғидан сув ичган холда шаклланганлиги етарли ифодаланмаган. Бу жihatдан М. Фасмернинг "Рус тилининг этимологик луғати"да бу сўзга берган изоҳи ажралиб туради. У "семья" сўзи украинча "хотин" маъносини англатувчи "семьца" сўзидан келиб чиккан бўлиб, аслида "ургочи-самка" маъносини англатганини, ниҳоят эр ва хотин қўшилуви асосидаги бирлашувианглата бошлаганини қайд этади. Арабчада "завжा" дейилиб, унинг

эркак билан қўшиливидан бола - чақа оламга келиб, аёлмандлик юзага келган, бинобарин оила шаклланган"¹.

"Оила" сўзининг лугавий маъноси унинг моҳиятини англашда ва таъкидлашда муҳим негиз бўлади. Адабиётларда оиланинг турли таърифлари мавжуд. Шундан энг мукаммали қўйидагидир: Оила — кишиларниң табиий-биологик (жинсий муносабатлар, бола туғиш), иктисолий (мулкий муносабатлар, уй - рўзгорни бошқариш), хукукий (масалан, никоҳни давлат йўли билан кайд этиш), маънавий (эр - хотин, ота - она ва болалар ўргасидаги меҳр - муҳаббат туйгуси ва бошка) муносабатларига асосланган ижтимоий бирлиги². Профессор А. Ортиковнинг маъруза матнларида, ёш олима Ф.Примованинг оила ҳакида қўйидаги янада мукаммалрок таърифи келтирилган: "Оила жамиятнинг тарихий тараққиёт жараёнди, унинг давомийлигини таъминловчи табиий - биологик, ижтимоий эҳтиёжларниң конунияти асосида шаклланиб, такомиллашган кишиларниң ижтимоий - иктисолий, хукукий, маънавий - ахлоқий муносабатларига асосланган баркарор ижтимоий бирлигидан иборат". Дарҳакиқат, оила эр - хотин, уларнинг бола - чакалари, энг яқин туғишгандаридан иборат кишилар гурухи, бошқача айтганда хонадонидир. Чунки оила жуфтлик қонуни асосида юзага келади, бир эркакнинг ўзи ёхуд бир аёлнинг ўзи оила бўла олмайди. Қолаверса, оила факат эр ва хотиндангина иборат эмас. Оила эр - хотиндан ташқари эрнинг ота - онаси, яъни кайноти ва қайноналар, фарзандлар, ука ва сингиллардан иборат кўп бўғинли хонадон. Унинг ҳар бир аъзоси ўз мавкеига эга, шу оиланинг ички интизомига буйсуниб яшайди. Шу маънода оила жамият ичидаги жамиятдир. Бу жамиятнинг ўз салтанати бор: Бунда минглаб тасодифлар жараённида эр - хотин муҳаббати синовдан ўтади, шу синов жараённида улар бир - бирларини чуқурроқ тушуна боради, бир - бирларини қадрлашни ўрнига қўядиган бўлади, бир - бирларига кечиримли бўлишади, эр - отага, хотин - онага айланади, фарзандларни тарбиялаб элга қўшади, орзу - ҳавас қўради. Шу маънода оила инсон хаётига тўқислик баҳш этади, жамиятнинг муқаддас маскани сифатида садоқат сарчашмасига айланади. Оила ана шу асосларга таянган ҳолда кишилик тафаккури ва ижтимоий ҳаракатининг улуг кашфиётি бўлди. Демак, оила жамиятнинг асосий бўғини, ячейкаси бўлиб, унда эр - хотинлик, ота - оналик, фарзандларнинг ва туғишгандарнинг ўзаро шахсий кариндошлиқ ва мулкий мақсадлари, манфаатлари ва хукуклари билан боғлик муносабатлар мужассамлашгандир. Кишилар учун муқаддас даргоҳ бўлган оила инсонларнинг табиий, иктисолий, ижтимоий, хукукий ва маънавий муносабатлари замирида

¹ Сафаров О, Махмудов М. Оила маънавияти Тошкент, "Маънавият", 1998, 11-бет.

² Ўзбекистон Миллӣ энциклопедияси 8-жизд

³ Ортиков А. "Этика асослари" курсидан лекция текстлари. Тошкент — 1999, 95-бет.

вужудга келади. Албагта оила жуфтлик конуну асосида юзага келади. Бу жараёнда энг аввало иккала жинс ўртасидаги келишув, яъни никоҳ асосий рол ўйнайди. Чунки оила тақдири расмий - никохий тус олишидан бошланади, шундагина эр - хотин олдида, хотин эр олдида улар ота - она сифатида фарзандлару кавм - кариндошлар, махалла - кўй, кискаси жамият олдида, ўз навбатида фарзандлар ҳам ўз ота - оналари ва эл олдида маъсулият сезадилар ва бурчли эканликларини хис этиб яшайдилар.

Хўш, никоҳ нима? Никоҳ ҳам арабча сўз бўлиб, "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да: Эр - хотинликни шариат йўли билан расмийлантириш маросими ва шу маросимда домулла томонидан ўқиладиган шартнома маъносига эга эканлиги қайд этилган". Боника луғатларда ҳам никоҳ "Эр - хотинликнинг юридик (хукуқий) равишда расмийлаштирилган оиласиб иттифоки, "иждевож, никоҳ аҳди", "эр хотинлик, уйланиш" маъноларида ишлатилган.¹ Никоҳ, тўгрисида ҳам турли таърифлар бор. Шундан энг маъкузи қуйидаги таърифdir: "Никоҳ, икки жинслаги шахсларнинг оиласиб муносабатларда иштирок этиш учун ўзаро ахлланувидир".² Никоҳ фукаролик холати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) бўлимida тузилади ва расмийлаштириллади. Демак, Никоҳ - оиланинг факат хукукий асоси бўлиб, эркак билан аёлнинг бир - бирига ва болаларига, яъни бир оиласи мансуб кишиларнинг бир - бирлари олдида ва жамият олдида хукук ва мажбуриятларини, ахлоқий ва хукукий маъсулиятини белгилайдиган оиласиб иттифокидир. Демак, оила никоҳ асосида вужудга келади. Лекин оила ва никоҳ айнан бир тушунчалар эмас. Оила - никоҳ ва кон - кардошлик билан боғланган кишиларнинг тарихан шаклланган иттифокидир, энг аввало эр ва хотин, ота - оналар билан болалар ўртасидаги муносабатлардир. Никоҳ - оиланинг факат хукукий асоси бўлиб, бир оиласи мансуб кишиларнинг, энг аввало эр ва хотиннинг ва фарзандларнинг бир - бирлари олдида хукук ва мажбуриятларини, ахлоқий ва хукукий маъсулиятини ифодалайди. Оила ва никоҳ тарихий ходиса бўлиб, улар жамиятнинг келиб чикиши ва тараққиётида азалдан мавжуд бўлмаган. Оиланинг келиб чикиши хали батамом ойлинлантирилган эмас. Бу тўғрида турлича нуктаи - назарлар мавжуд. Мутахассисларнинг аксариятининг фикрича оила ва никоҳ муносабатларнинг эволюцияси қуйидагича юз берган: Ибтидой тузумининг аввалида (илк ва сўнгги палеолит чегараларида) умуман оила ва никоҳ бўлмаган, у даврда промискуитет деб номланган тартибсиз жинсий алоқалар олати ҳукм сурган, яъни тўдадаги ҳар бир аёл барча эркакларники ва ҳар бир эркак барча аёлларники хисобланган. Кейин бу алоқалар ўринини гурухий никоҳ эгаллаган. Гурухий никоҳда бир уруғдаги ҳамма эркаклар боника уруғнинг барча аёлларига эр бўлиш хукукига эга бўлганилар. Сўнгра эса мазкур жамият

¹ Каранг: Сафаров О, Махмудов М. Оила маънавияти. 15-бет.

² Давлат ва хукуқ, асослари. Изоҳли луғат. Тошкент, "Ўқитувчи". 1996, 49-бет.

оиласининг асосий шакли сифатида жуфт оила пайдо бўлган. Жуфт никоҳда эса эр - хотин ҳисобланган эркак ва аёл уз уруғларида яшаган. Бу оила қариндошликини оталикни, ота томонидан (оталик даври), она томонидан (оналик даври) хам ҳисоблаб борган, лекин бу оилаларда ҳали эр - хотин никоҳи баркарор, алоҳида ҳўжаликка эга эмас эди. Бу даврда (бронза даври бошланиши ва темир даврида) табиий фактор ўз вазифасини тугаллади, яъни жинсий муносабатлар доирасида кон - кардошлиар истисно қилинди, жинсий муносабатлар факат бир эркак ва бир аёл муносабатларига айланган никоҳда хотин эр билан яшаш учун унинг уругига кўчуб ўтган. Моногам (якка никоҳлик) оила пайдо бўлди. Ниҳоят индивидуал оила бўлиб, бу кичик оиласа никоҳ эр - хотинни ҳамда уларнинг болаларни бир - бири билан мустахкам боғлади. Бу ҳолат ҳусусий мулкчилик ривожлана бошлаб ибтидоий жамоа тузуми емирилаётган даврга тўғри келади. Оила шакллари никоҳ характеристига қараб бир - биритан фарқ қиласди: Полигам (кўп никоҳлик) ва моногам (бир никоҳлик) оила; хукмронлик кимнинг кўлида бўлишига қараб оила патриархал (ота ёки акаукаларнинг бири томонидан бошқариладиган) магриархал (она томонидан бошқариладиган), демократик (эр - хотиннинг тенглигига асосланган) оиласа бўлинади. Ҳозирги жамият оиласи "демократик" олиянинг типик шаклидир.

Машхур америка файласуфи Жорж Сактаяна (1803-1952) таъкидлаганидек: "Оила, бу — табиатнинг шоҳ асарларидан бирига айланди". Францууз ёзувчisi В. М. Гюго (1802-1885): "Оила - жамиятнинг дуру гавҳари", — деган эди. Буюк татар олими Ризоуддин ибн Фахруддин (1848-1917) ўзининг асримизнинг бошларида ёзиб, ахлоқ, одоб, оила масаласига кўп эътибор килган "Оила" асарида шундай деган эди: "Миллатлар шарафини юкори мартабага кўтаралинган нарса миллионлар ила саналмоқда бўлган аскарлару дунёда энг буюк ва зўр бўлган кемалар эмас, балки энг из эътибор берадиганимиз ё бўлмаса хеч бир замон эътибор бермасдан келадиганимиз бўлмиш оиласидир. Оила низомсиз бўлса, унинг ёмон оқибати бутун миллатга таъсир этар ва шу сабабдан фазилат ерига разолат, тараккىёт ўрнига тубанлик негиз кўрар. Худонинг ўзи асрасинку, агарда бир миллатга бундай ҳол рўбару келса, у миллат китобининг сўнгги вараги очулғусидир"¹.

Оила - жамият тараккىётига фаол таъсир кўрсатувчи ижтимоий ходисадир. Унинг энг муҳим социал вазифалари каторига инсон зотини давом эттириш, оила аъзоларнинг турмуш маништини, бўш вақтини қондиришни ўюнтириш кабилар киради. "Оила ҳакида галирар эканмиз, — деб таъкидлаган эди Президентимиз И. А. Каримов, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф - одатларимизни саклайдиган, шу

¹ . Ризоуддин ибн Фахруддин. Оила. Тошкент "Мехнат" —1991 й, 7-бет.

билин бирга келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсагадаган тарбия ўчоги эканини тан олишимиз даркор". Хуллас, оила - жамиятнинг энг кичик ячейкаси ва асосий бўғинидир. Унда кишилик уругуни давом этириш ва уни тарбиялаш вазифалари амалга оширилади.

Оилавий муносабатлар маълум ҳуқуқий ва ахлоқий асосларга эга. Бу масалалар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда кабул қилинган "Оила кодекси"да батафсил баён қилинган бўлиб, уларнинг асосий вазифалари оиласи мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва хурмат, ҳамжihatлик, бир - бирiga ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъульлиги ҳисси асосида қўришдан, бирон бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик арасишишига йўл қўймаслик, оила аъзолари ўз ҳуқуқларига тўсқинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя килинишини таъминлашдан иборат. Оилавий турмушда ота - оналар куйилаги ҳуқуқларга эга бўлади ва бажарилиши уларнинг бурчлари ҳисобланади:

- 1) болаларга исем - шариф ва фамилия кўйиш;
- 2) уларнинг фукаролигини ва миллатини белгилаш;
- 3) ўз болаларига вакиллик килиш, яъни улар ҳали ҳуқуқий муомалага лаёқатсиз эканлар, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя килиш;
- 4) ўз болаларининг истиқомат жойларини белгилаш ва уларни конунсиз ушлаб турган шахслардан талаб килиб олин;

5) ўз болаларини тарбиялаш, уларга нафакалар бериш ва ҳоказо.

Ота-она ўз боласига қарамаса, ташлаб кетса, жиноят йўлига ўтиб бурчларини бажармаса улар оталик, оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилиши мумкин ҳамда улар кейинчалик фарзандларидан нафака олиш ҳуқуқларидан ҳам маҳрум бўладилар. Ўз навбатида фарзандлар ҳам ота - оналарининг олдида ўз бурчларини бажаришлари шарт бўлиб, буларга меҳнат қобилиятини йўқотганда, қасал бўлгандা, бокувчисиз қолған ота - оналарга ғамхўрлик килиш ва ҳоказолар киради.

Оилавий муносабатлар ахлоқий асосларга ҳам эга. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: "Оила мукаарарлигини таъминловчи биринчи омил — Она, ахли аёлнинг покизалиги, оқидалиги, меҳр - муруввати, садоқоти ва вафдорлигидир". Оиланинг энг мухим ахлоқий асосларига севги - муҳаббат, вафдорлик, меҳр - оқибатлилик, иззат - хурматли бўлиш кабилар киради. Оиланинг асосий бош ахлоқий асосини икки жинсга мансуб кишиларнинг эркак ва аёлнинг севги ва муҳаббати, бир - бирини англаган ҳолда биргаликда ялаш ва кўпайин истагининг жамиятни тўлдириш, яъни инсон зотини кўпайтириш, ўз авлод ажодини давомийлигини саклаш, энг муҳими уларни иктисадий ва маънавий - ахлоқий жижатдан мукаммаллаштириш йўлида биргаликда қиладиган хатти - харакатларининг жамиидир. Оилавий ахлоқ асосини икки жинс ўртасидаги

севги - мұхаббат ташкил қилади. Илмий тәдқиқотларда севги - мұхаббаттинг тұла маңындағы таърифлари йүк. Фалсафий комусла: Севги - шахснинг бошқа шахсга бегараз ва бекиес интилишида намоен бұлувчи хиссияттың, деб таърифланади¹. Этикаға оид күлләннамалар ва луғатларда севги - мұхаббат кишиларнинг ўзаро манфаатдорлиға ва майлиға асасланған хиссиятты, иккі жинсдаги ёшыннинг бир - биригә мойил бўлиши, бир - бирини бир қарашнинг ўзида тушуну билиши, бир - биригә хамиша ён босишлари, бир - бирларини бутун умр бўйи ардоклашларидир². Профессор А. Ортиковнинг таъқидлашича севги - мұхаббаттинг учта: табиий (биологик), ижтимоий ва шахсий мезонлари бор. Масалан, мұхаббаттинг табиий мезонига севишигандарнинг никоҳ ҳақида конунидан белгиланған ёшга етганлиги, уларнинг ёшидаги яқинлиги, ҳар иккى жинснинг соғломлиғи ва хоказолар киради. Севгининг ижтимоий мезонига севишигандар ота - онасининг ижтимоий - иктиносидий, моддий ахволи, чунончы бўлғуси келин - күёвлар тўйини килингта тайёрлик даражаси, уларга маҳсус ёки қулай хоналарнинг мавжудлиги. Келин ихтиёрига маҳр белгилашга имконият бор - ўқлиги, бўлғуси оиласи маддий жиҳатдан таъминлашга тайёр ва тайёр эмаслиги ва хоказо масалалар киради. Севги - мұхаббаттинг шахсий мезонларига севишигандарнинг оиласи муносабатларга хос дунёвий ва диний дастурлардан хабардорлиги, уларнинг бир - бирларини ҳар томонлама яхши билишлари ва хоказолар киради. Ана шу уч омилга озми кўпми жавоб берадиган севги абадийдир, уларга мос келмайдигани вақтингчалик, ўткинчидир. Ана шу уч мезонга жавоб берувчи йигит ва қиз оила куришга ҳақлидир. Оиласиң ахлоқий асосини вафодорлик фазилати бўлиб, бундай эрқак ва аёллар ҳар кандай чигал вазиятда ҳам дўстлик ришиналарни узмайдилар, бир - бирлари учун керак бўлса жон фидо килишдан ҳам кайтмайдилар, улар орасидағы тарзларни кечирдиганда содиклик, ҳамкору ҳамнағаслик вужудга келади.³ Оиласиң ахлоқий асосини меҳр - оқибатли бўлиш, бир - бирига иззат - ҳурмат кўрсатиш ҳам ташкил этади. Оиласиң ҳаётда бундай фазилатлар бўлмаса, бундай оила азоб ва машаккат масканига айланади. Шунинг учун меҳр - оқибатли бўлиш, бир - бирларига иззат - ҳурмат кўрсатиш ҳар бир эрқак ва аёлнинг ҳамда фарзандларнинг муқаддас бурчидир.

5. Инсоннинг, айникса ёш авлоднинг ахлоқий камол топишида оиласиң ўрни ва роли бениҳоя катта. Президенттимиз И.А.Каримов таъқидлаганидек: "Ҳалоллик, ростгўйлик, оп - номус, шарму ҳаёп меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар энг аввало оиласи шаклланади". "Оила ахлоқи ва одоби" номли тўплам муаллифлари Х. Узоков, Э. Фозиев, Л. Орипова оила ва

¹ Философская энциклопедия. М, 1964, 165-бет.

² Карапт. Узоков Х, Фозиев Э, Токиев А. Оила этикаси ва психологияси, Тошкент, "Ўқитувчи", 1992 й, 69, 75-76 бетлар.

³ Карапт. А. Ортиков. "Этика асослари" курсидан лекциялар текстлари. 95-96 бетлар

аҳлоқ масала ҳакида кенг ва теран фикрлар юритиб, жумладан бундай ёзганлар: "Оила ижтимоий - тарихий хусусиятга ва муайян тузилишігә ега бұлған ижтимоий гурухнинг құринишидір". Уларнинг жуда түгри фикрича, оила жамияттнинг бошланғич ҳужайраси. үғил - кизларнинг аҳлоқи, маданий даражасы, кобиляти, ақл - заковати, фикр - юритиши, ҳаёллари, мұлоқати, хулқ - атвори, әзтикоди ва илмий дүнекараши кабиларга юкори дарәккада тарбиявий таъсир құрсасти шикониятига ега бұлған нур, зиё макондиді.

Оилада фарзандлар тарбиясида асосий үринни ота - она, ундан кейинги үринни үрта ва олий мактаб, сұнgra маҳалла, ёшлар ишлаётган жамоа, оммавий ахборот воситалари үйнаши лозим. Бу жараёнда ҳар бир оиласын мавзеи, иқтисодий жиһатдан таъминланғанлиги, оиласын сарф - ҳаражатлар, үй хұжалигини юритиши, оиласын үрф - одатлар, расм - русумлар, қариндошлар ва бошқалар билан борди - келди мұносабатлары, фарзандлар тарбияси ҳақында Шарқ мутафаккирлари. Үзбек маърифатпарварлары үгитлары ва таълимottарини үкіш ҳамда уларни ҳаётла күллаш үкув ва меҳнат жамоалари, маданият ва саньет мұассасалари тақста, журнал, радио, телевидение ва ҳоказо касблар катта рол үйнайды.

Мустақил Ўзбекистон тараққиети ва бозор иқтисодиети шароитида оиласы мустаҳкамлаш ҳамда ғакомиллаштириш мухим аҳамияттаға ега. Чunksи, биринчидан, Ўзбекистон ақолисининг деярли ярми мактабгача ва мактаб ёнидаги болаларлар. Иккинчидан, соглом авлод ўстириш - келажагимиз гаровидир. Учинчидан, бу мүкаддас заминда яшаётган ҳар кайсы инсон ўз фарзандининг баҳту - саодати, фазлу - камолини күриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қылади, ўзини аямайды. Шарқда калим - қадимдан оила мүкаддас Ватан санаатган. Агар оила соглом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатлика эришилади. Бинобарин, маҳалла, юрт мустаҳкам бўлсагина давлатда осойишталик ва баркарорлик хукм суради. Тўртничидан, Республика мида 3,5 миллиондан зиёдрок оила бор. Ҳар йили 200 мингдан ортик оила ташкил топайти; 700 минг гўлак дунёга келяпти. Шу боисдан мустақиллигимизнинг юксалиши ва бозор иқтисодиетини шакллантириши даврида оиласы мустаҳкамлаш ҳамомиллаштиришга алоҳида әзтибор беришмокда. Мустақиллик мұносабати билан ўзбекларнинг оиласы ҳаётида такиқ остида бұлған баъзи хусусиятларни тиклап масаласи ҳозир ҳал қилинмоқда. Жумладан, ховли жойларни күришда миллий хусусиятлар ички ва ташкил ховлилардан иборат қилинмоқда. Ҳудди шунингдек "Соғлом авлод учун" орденининг таъсис этилиши, оиласарни ижтимоий ҳимоялашыннега кучайтирилғанлиги, оналик ва болалик түғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинаётганлиги, 1998 йилни оила йили, 1999 йилни аёллар йили деб әзълон қилинниши, Ўзбекистон хотин-қизлар құмитасининг ташкил топиши ва унинг фаолиятининг көңгайиб бораётганлиги, Ўзбекистон Республикасида болалар жамғармасининг ташкил этилиши, "Оила" Республика илмий амалий марказинин-

ишилай бошлаганилиги ва хоказолар фикримизнинг далилидир. Буларнинг хаммаси Президентимиз И.А.Каримовнинг "Хотин кизларга муносабати жамиятимизнинг маънавий, ахлокий етуклигининг ўлчови бўлиб хизмат килиши керак" деган кўрсатмаларининг амалга оширалаётганлигининг ифодасидир.

3-мавзу: Эстетика предмети, мақсад ва вазифалари. Эстетик тафаккур тарихи ва унинг асосий босқичлари.

Режа:

1. Эстетика фани предмети, келиб чиқиши ва асосий тушунчалари.
2. Эстетика ва бошқа фанлар.
3. Эстетик тафаккур тарихи ва унинг асосий босқичлари.
4. Марказий Осиё мутафаккирлари ижодида эстетик қарашлар.
5. Оврўпо Уйғониш даври эстетикаси.

Мавзуга оид таянч тушунчалар: нафосат, эстетик тафаккур, мумтоз нафосатшунослик, дин, социология, психология, педагогика, экология, эстетик баҳолаш, эстетик тафаккур, эстетик фаолият, эстетик билиш, одоб эстетикаси, санъат социологияси, семиотика, Ўрхун - Енисей битиклари, меъёр.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. **Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан.** Ўзбекистоннинг 20 йиллик мустақил тараккиёт йўлида кўнглини киритган ютук ва натижалари, мамлакатимизнинг салоҳияти ва кудрати, туб ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш, жойларда ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш учун мўлжалланган илмий-оммабоб нашр. – Т.: «Иктисадиёт», 2011.

2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2010

3. И.А.Каримов. 2010 йил 12-ноябрдаги Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маъруzasи. - “Ҳалқ сўзи” газетаси 2010 йил 13 ноябр.

4. И. А. Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т., “Маънавият” 2008 йил.

5. Каримов И .А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидор» газетаси, 2000 йил, 8 - июнь.

6. И.А.Каримов. «Барқамол авлод орзуси» Тошкент, Ўзбекистон, 2000

7. И.А.Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари» Тошкент, Ўзбекистон, 1997.

8. Абдулла Шер, Б.Хусанов, Э.Умаров. Эстетика. (Услубий құлланма). Тошкент. Университет. 2008.

9.Каган М. Эстетика как философская наука. Спб.. 1997.

1.Оlamдаги маҳлүқотлар орасыда ақл - идрок сохиби бұлған Оdamга ёруғлики коронғулықдан (қунни тундан), рангларни (окни қорадан) фарқтай олиш, мушоҳада этиш, күйингки, нафосат, гүзәллик, эзгулик, улуғворлик, олижаноблик оламига интилиш билан бирга хунуклик, худбийлик, локайдик, жохияллик, пасткашлик каби иллатларга карши кураш олиб бориш қобилияты инъем этилған. Инсон шу қобилияты туфайли ўзлигини англақ, комиллик сари интилиб келмөкдә. Инсоннинг ўзига, ўзи яшаётган турмуш мухитига хаводек зарур бўлған гүзәллик, нафосат дунёсини яратишдаги машақкатли мекнати туфайли шу қадар улуғвор аҳамиятга молик бўлған маънавий бойликларни вужудга келтирган. Уларга ҳайрат билан бокиб, инсоннинг ақл - нафосат кулдатига таҳсисинлар айтамиз.

Нафосат ва гүзәллик дунёси шу қадар хилма - хил, ранго - ранг, жозибали, өхтиросли, мўъжизали, сеҳрлики, унда моддий гүзәллик билан маънавий гүзәллик уйғун ҳолда чирой очиб туради. Инсоннинг нафосат оламини англашига интилиш атроф - воқеликни англашга интилиши билан чамбарчас болгилкдир. Инсон моддий гүзәллик дунёсини бунёд этиш жараённанда маънавий гүзәлликларни ҳам кашф эта борган, яъни нафосат оламининг яратилиши жараённи уни англаш, мушоҳада этиш жараённи билан уйғунликда содир бўлған.

Нафосат оламини яратиш билан бир қаторда уни англаш, идрок этиш, ўзлаштириш мақсади, яъни нафосат оламини тадқик ва таҳдил этиши зарурияти пайдо бўлди. Диний маҳалда бу зарурият нафосат (эстетика) соҳасидаги билим ва тажрибаларни тўплашга имкон яратди. Нафосат одамни ўрганади, тадқик ва таҳдил этиши заруриятини воқеликка айлантириш, мазкур соҳада илмий тадқикот ишлари олиб бориш, унинг моҳиятини одамларга англашиб, ўқитиш каби маҳсус вазифаларни эстетика фани ва ўкув дарси бажаради.

«Эстетика» атамаси ючонча «эстезис», яъни хиссиёт, сезиң, ҳаяжон, кўзғаш маъноларига эга бўлған сўздан олинган. Лекин бу сўз тор мазмун доирадан аллақачоилар чиқиб кеттган. Аслини олганда эстетика фани ва ўкув дарси фалсафий билимлар мажмууда ўзига хос, алоҳида аҳамиятта молик бўлиб, у бир томондан инсоннинг атроф - мухит, воқеликка, гүзәллик ва хунуклик қадриятлари доирасидаги оламни яратиш жараённадага фаолиятини намоён этади.

Эстетика фанининг бу икки томони мутаносиблиги ниҳоят даражада мураккаб тизимга эга бўлиб, уни соддалаштириб қолипга солишига уринишлар күн ҳолларда кулгили вазиятларга олиб келади. Унинг бир томонини бўрттириб, иккинчи томонини унга бўйсундириб кўйиш ҳам эстетика фани қоҳиятини

бузилишига олиб келади. Масалан, атроф - воксликни гўзаллик мезони билан баҳолашни бўргитириб юбориш эстетикани факат «гўзаллик фалсафаси» қолипига зўрлаб сиддиришга, инсон бадий фаолияти соҳасини эса факат «санъат фалсафаси» даражасига тушириб юборишга сабаб бўлади.

Эстетиканинг фан, кейинчалик эса ўкув дарси сифатида шаклланиш жараёнларида уни бир қатор мустакил билим соҳаларига бўлиб юборишлар, яъни эстетикани «эстетик қадриятлар назарияси», «эстетик идрок этиш назарияси» ва «умумий санъат назарияси» соҳаларига ажратиб ўрганиш хамда ўқитиш мақсадга мувофиқ деб кўрсатилган эди.

Инсоннинг эстетик фаоллиги жараёнида табиат ва жамият қадриятлари муносабатлари тизимидағи эстетик хусусиятлар (гўзаллик ва хунуқлик, улугворлик ва пасткашлиқ, фоҳишлиқ ва кулгилилик) конуниятлари намоён бўлади. Инсоннинг эстетик фаоллиги сифати ва даражаси эса эстетик қадриятлар билан эстетик баҳолаш кобилияти, эстетик идрок этиш билан эстетик амалиёт урталирида и узвий алокадорлик маданиятнин барча соҳаларидаги бадий ва эстетик узаро боғлиқлик мезонлари билан ўлчанади.

Эстетика фани кеч вақт факат атроф - вокеликни эстетик ва бадий идрок этиш конуниятларини ўрганиш билан чегараланиб қолмай, у тадқик ва таҳлил ишларини истиқбол мақсад - манфаатларига йўналтириб турган. Эстетиканинг истиқболга мўлжалланганлиги ўзи билан изохланадики, у вокеликни нафосат нуткан назаридан баҳолашда, бадий мезон ўлчовларини илмий жиҳатдан ишлаб чиқиб, амалий фаолиятга татбик этишда ўз ифодасини топлади.

Инсоннинг эстетик тафаккури шаклланиб, ривожланиб, такомиллашиб боргани сари унинг ижтимоий - рухий, мағкуравий - гоявий, сиёсий - маънавий интилишлари хам тобора тиниклашиб беради. Чунки, эстетик тафаккур инсоннинг мақсад - манфаатларини эстетик - бадий воситаларда назарий асослаб беради, эстетик маданият ва бадий амалиёт асосларини ўрганиш, таҳлил қилиш билан бойитади, эстетик назарияларнинг фалсафий асосларини очиб беради, вокеликни эстетик инъикос этиш жараёнларини кўрсатиб беради.

Шундай қилиб, эстетика фани ва ўкув дарси вокеликни эстетик мушоҳада этиши ва бадий ижод жараёнларининг узвий мутаносиблигини намоён қиласди ва ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, эстетика — бу нафосат алами, санъат ва бадий ижод жараёнлари қонуниятларини ҳис-түйғу, сезги - идрок қилиши воситалари орқали ўрганадиган ва ўргатадиган фандир.

Эстетика мавзуи билан бевосита алокадор бўлган «эстетик муносабатлар», «борликини эстетик ўзлаштириш», «эстетик баҳолаш», «эстетик тафаккур», «эстетик фаолият», каби ўзаро якин, маънодош бир қатор тушунчалар бор. Улар орасидаги «борликини эстетик ўзлаштириш» тушунчаси колган «эстетик муносабат», «эстетик билиш», «эстетик тафаккур», «эстетик фаолият» тушунчаларини хам камраб олади. Шу боис эстетика фани инсоният томонидан борликини эстетик

ўзлаштириш мөхияти ва конуниятларини ўрганади десак тұғрирок бұлади. Борлыкни эстетик ўзлаштириш эса санъатнин асосий мазмунини ташкил этади. Шу боис эстетика фани санъатнинг асосий - услугбий методология замини бұлиб хизмат килади.

Эстетиканинг борлыкни эстетик ўзлаштириш мөхияти ва конуниятлары хакидаға фан сифатидаги ўзига ҳос бир қатор фазилатлари ҳам бор. Эстетика фани инсон теварек - атрофидаги моддий ва маңнавий бойликларнинг барчасини камраб олишга, инсон фаолиятининг барча жабхаларидаги нафосат оламины санъатнинг барча турлари воситасида чукур ўрганишга даъват этади. Санъат эса эстетик бойликларни яратиш мәнбаидир. Санъатни илмий жиҳатдан таҳлил ва тадқиқ этиш баробариде эса эстетик фаолиятнинг барча күренишларига илмий жиҳатдан ёндашиш учун замин яратилади. Шу боис санъат ва бадий ижоднинг табиати ва мөхиятини ўрганиш, конуниятларини ўзлаштириш гүзірлік — нафосат (эстетика)нинг барча сифат даражаларини ўрганиш учун көлігін вазифасини үтайды. Бу жабхаларга санъатнинг умумий назарияси (санъатнинг табиати, мөхияти, тараққиети ва фаолиятнинг муштарап конунларини аңглатувчи), эстетика фанининг хусусий - услугбий асосларига оид тадқиқтоттар (мавзуи, илмий мақоми, бурч вазифалари, усул - услугбларнинг ўзаро муносабати масалалари), моддий бойликлар яратыш эстетикасы (мехнат килиш жарапында моддий ишлаб чиқарыши шароити ва махсулуда эстетик жиҳатлар масалалари), мұхандислик - лойиҳақарылар фаолияти ва илмий - тадқиқтот ишлары соҳасида эстетик жиҳатлар, табиат эстетикасы (табиатта муносабат масаласида ўзига ҳосликларни англашпа табиатдан фойдаланыпша оид эстетик омиллар), инсоний муносабатлар эстетикаси, кундалик турмуш ва одоб эстетикаси каби бир кинча соҳаларни критиши максадға мұвффикдир. Ҳозир жаҳон эстетика фанида бу жабхаларнинг ҳар бири эстетика таркибига киругучи мұстақил махсус ўкув курслары дара-жасига күтәрілген. Эстетика фани эса бу махсус ўкув курсларининг услугбий - методология асосини ташкил этади.

2. Эстетика фани фалсафий билимлар тизимида ўзига ҳос ўрин әгаллайды. У әнд аввало, фалсафий бўлиб, унинг назарияи ва услугбий асосларини фалсафий тафаккур назарияси ва тарихи ташкил қилади. Масалан, воқеликни эстетик ва бадий ўзлаштиради жарапындарини, ўрганишда холислик, тарихий ёндашиш, билиш жарапында амалий тажрибанинг аҳамияти каби услугбий асосни кўллаш ижобий самараларга олиб келиши мумкин.

Билиш назарияси воситасида санъатнинг билиш табиати, воқеликни бадий - рамзий ифодалаш билан илмий тадқиқ этиш ўртасидаги ўзаро аложадорлик ва ўзаро фаразлар, воқеликни бадий воситалар орқали тасвирлашнинг ижодий табиати, санъат асарларидаги шартлилик ва бадий хақиқат каби эстетика фанининг жуда күп назарий

хамда услугий асослари муаммоларини өчиш, уларга жавоб излаб топиш мумкин.

Билиш назариясининг бошқа акидалари — ижтимоий онгнинг нисбий мустакиллиги, маънавий ҳаёт хилма - хил шаклларининг ўзаро бир - бирига таъсир ўтказиши, икгисодий замин билан ижтимоий онг турли шакллари ўртасидаги билвосита алоқадорлик ва боғлиқлик каби масалалар ҳам эстетик онг, бадиий ижод ва санъат табиати хамда хусусиятларини илмий тушуннишга ёрдам беради.

Айни маҳалда эстетика фани мустакил билим соҳасини ташкил этган ҳолда у фалсафанинг равнәк топиб боришига ҳам ўзининг хиссасини кўшади. Масалан, билиш назариясининг янада ривожланиб, мазмунан бойиб боришида бадиий билиш ҳам мухим ўрин тутади. Билиш назарияси, бадиий маданият кадриятлари, воқеликка эстетик муносабат, эстетик тушунчалар, айниқса ижтимоий онг, унинг нисбий мустакиллиги ҳақидаги фикр - мулоҳазалар ҳам кўп жihatдан санъат билан боғлиқдир.

Эстетика фани маънан социология — кенг ижтимоий билимлар доираси билан алоқадордир. Эстетика социология фани билан уч таркибий кисм оркали боғланади: биринчидан, ижтимоий воқеа ва ҳодисалар ҳамда жараёнларнинг услубий асоси хисобланган умумсоциология назарияси эстетиканинг ҳам илмий-назарий асоси бўлиб хизмат килади; иккинчидан, социология ижтимоий воқеа-ҳодисаларнинг хусусий, алоҳида, нисбий мустакил соҳалари (сиёсат, давлатлар, миллатлар, санъат турлари ва кўринишилари)ни камраб олган ҳолда эстетика ва бадиий ижод жараёнларининг айрим жабхалари билан узвий боғлиқида намоён бўлади; учинчидан, аниқ социологик тадқиқотлар оркали олинадиган дастлабки ижтимоий аҳборотлар (маълумот — билимлар) эстетик ва бадиий фаолият жараёнларини ҳам камраб олади.

Шундай килиб, эстетика социологиянинг барча билиш даражалари билан у ёки бу кўринишиларда ўзаро алоқадорлиқда бўлиб, бу алоқадорлик хилма - хил йўналишларда намоён бўлади. Масалан, эстетика умумсоциологик назарияга таянган ҳолда ўзининг гоявий - мағкуравий, ижтимоий - сиёсий, маънавий - аҳлоқий йўналишлари ва максадларини шакллантиради. Социология санъат билан жамият ўргасидаги турли - туман алоқаларни тадқиқ этади. Лекин санъат социологияси эстетиканинг социологик муаммолари билан тўла кўшилиб кетмайди. Чунки, санъат социологияси билан эстетиканинг социологик муаммолари ўртасида катта фарқ бор. Эстетика нафақат санъат, балки воқеликни эстетик ўзлаштиришнинг барча шаклларига тааллуқли бўлган социологик масалалар ечими билан ҳам шуғулланади. Яна бир фарқ шуки, эстетик мўлжал ҳамиша санъатнинг хусусиятларини очишга қаратилган бўлади. Санъат социологиясининг асосий вазифаси эса умумсоциологик конунларнинг санъат соҳасида амал қилишидир. Шунингдек, санъат

социологиясининг тушунча воситалари ҳам ўзига хосдир. Масалан, «жамиятнинг бадий ҳаёти» тушунчаси соф эстетикадан кўра кўпроқ социологияга тааллуклидир. Эстетиканинг социологик муаммолари билан социологга фанининг айрим соҳалари ўртасидаги фарқ ва чегаралар шартли бўлиб, санъатнинг ижтимоий хусусиятларини тадқик килишда мазкур фарклар ва чегаралар йўқолиб кетиши мумкин.

Социология билан *эстетика* фанининг узвий боғлиқлиги бўш вақт тизимида санъатнинг ўрни шахснинг эстетик маданияти билан меҳнат фаолияти ўртасидаги алоқадорлика тааллукла бўлган маълумот ва ахборотларни жамлаш ва илмий қайта ишлаб чикишда якъол кўзга ташланади.

Эстетика фани *руҳиятишунослик* (психология) фани билан ҳам чамбарчас боғлик. Буни эстетика тафаккур тараққиётининг барча босқичларида кузатамиз. Бу яқинликнинг асоси шундаки, вокеликка эстетик муносабатнинг барча томонлари эстетик дид ёки эстетик хис - туйту, бадий ижод ёки бадий идрок килиш жараёнларини ҳамчasi руҳият мезони билан ўлчанади. Чунки, эстетика у ёки бу даражада инсоннинг руҳий, хис - туйту холатини ифодалайди.

Руҳиятишунослик фани эстетик муносабатларнинг барча тамоилларини, жумладан, бадий ижод ва идрок жараёнларини амалий ва назарий жиҳатдан тадқиқ этади. Айни маҳалда эстетика фани инсон руҳий ҳаётининг энг мураккаб ва позик томонларини қамраб олади. Эстетиканинг таркибий қисмларини *руҳиятишунослик* фанининг эришган ютуклари ва хулосаларидан кенг фойдаланмасдан туриб тасаввур этиб бўлмайди. Айни пайтда шуни ҳам унутмаслик керакки, санъатнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда руҳиятишунослик фанининг аҳамияти қанчалик катта бўлмасин, у хеч вақт эстетика фанининг ўрнини боса олмайди. Зоро, ўтмишда ва ҳозирда вокеликка эстетик муносабатнинг бутун бир соҳасига руҳиятишунослик ақидаларини бош мезон килиб олиб, эстетикани мустакил фан сифатида четга суриб кўйишга мойиллик сезилади.

Эстетика фанининг ҳозирги даврга хос хусусиятларидан бири шуки, бу соҳага кибернетика, семиотика (белгилар тизимларини киёсий ўрганиш билан шугулланувчи билим соҳаси) ва математика каби фанларнинг усул ва восита - лари ҳам изчил кириб ўрнатиласяпти.

Эстетика санъат ва бадий фаолият турли шакл кўринишларни ўрганадиган билим соҳалари учун услубий асос бўлиб хизмат килар экан, айни маҳалда у адабиётшунослик, мусиқашунослик, театршунослик, аҳлоқшунослик каби фанлар билан ҳамкорлик килиш жараённида ривожланиб боради. Бу ҳамкорлик энг аввало мазкур фанларнинг ҳам санъат умумий назариясига амал килишида кўринади. Масалан, санъатнинг хусусий назарияси адабиёт, мусиқа, тасвирий санъат ва бошқа ижод соҳаларининг хусусиятларини тадқик этса, санъатнинг умумий назарияси санъатнинг барча турлари, бадий ижод барча

сохалари амал киладиган қонуниятларнинг умумий белгиларини ўрганади. Лекин санъатнинг умумий белгилари соф ҳолда мавжуд бўлмаслиги, улар айрим санъат турлари хусусиятлари оркали ифодаланишини инобатга олиб айтиш мумкинки, эстетика ўзининг умумий хуносаларини ишлаб чикиша санъатшуносликнинг айрим - айрим билим сохалари эришган, илмий маълумотларга таянади.

Эстетика санъатшуносликнинг билиш сохалари учун бошлангич назарий ва услубий асос бўлиб хизмат киласди. Эстетикасиз санъат санъатшунослик бўлолмайди, яъни у айрим воеа - ходисалар шарҳи билан шуғулланишга мажбур бўлиб қолади. Шуни эътиборга олиш керакки, эстетика хусусий санъатшуносликнинг умумий қонуниятлари, энг аввало, нафосат табиити ва эстетик тимсол қонуниятларини ўзида намоён қиласди.

3. Эстетик гоялар даставвал қадимги Шарқ ўлкаларида, жумладан, Миср, Месопотамия, Бобил, Ҳиндистон, Хитой, Эрон ва Турон мамлакатларида вужудига келди. Якин - якшигарача «эстетик гоялар ватани қадимги Юнонистондир» деган сўзларга ишонар эдик. Қадимги Шарқ эстетикасининг тарихий мероси атаялаб кўздан пинхон тутилгани, хатто кам ўрганилганлиги сабабли «овропо худинлик» («европо-центризм») уйдирма ақидалари зўр бериб илгари сурйлди.

Қадимги Шарқ мамлакатларининг ҳалқлари бизга мерос килиб қолдириган ёзувлари (Миххат, финикия алифбоси), Урхун - Енисей битиклари, Хоразм алифбоси, қимматбаҳо маъданлардан олинган санъат асарлари (Мисрда фиръянн Тутанхамон мақбарасидан топилган осори - атикалар, Амударё ҳазинаси, Доро І тасвири солинган олтин тангалар, скифлар олтин буюмлари ва бошқалар), улуғвор мъеморчилик обидалари (Бобил минораси, қадимги Хоразм бадий маданияти қолдиқлари, Ҳиндистон ва Хитой ҳукмдорлари саройлари, ибодатхоналар деворларидаги тасвирий санъат ва хайкалтарошлиқ асарлари) бу мамлакатларда бадий маданият юксак тараккий эттанини кўрсатади. Илк эстетик қараш ва гоялар коҳинлар томонидан баён қилинганлигини' бугун биз бу мамлакатлар ҳалқлари кўллэзма меросидан, оғзаки ҳалқ изходи намуналаридан биламиз. Афсуски, мазкур бой эстетик мерос ҳозиргача деярли ўрганилмаган ва иммий шарҳланмаган.

Қадимги Юнонистон зиёлиларидан Геродот Шарқ мамлакатларининг кўпларida бўлиб, улар ҳакида ўз тарихий асарларida баён қилган қадимги Шарқ эстетик қарашларини ўрганиб, уларни умумлаштириб, назарий жиҳатдан янада бойитиб баён этиш, бошқа ҳаёт жабҳаларида бўлганидек, эстетик қарашлар тарихида ҳам қадимги Шарқ мамлакатлари эришган ютуқлар заминида Овруто мамлакатлари бадий маданияти таркиб топганлигани эътироф этиши вақти келди.

Қадимги Юнон санъаткорлари ва файласуфлари қадимги Шарқ бадий маданияти меросига таянган ҳолда эстетик гоялар ва фикр - мулоҳазаларни ишлаб чиқдилар. Шу асосда тартибга солинган эстетик назария ўзидан кейин вужудга

келган турли - туман эстетик мактаблар хамда оқимларни замин бўлиб хизмат килди.

Кадимги Кушон эстетик таълимотининг ибтидоси машҳур математик олим ва файласуф Пифагор (э. а. 6—5- асрлар) номи ва у яратган мактаб билан боғлиқ. Пифагор ва унинг шогирдлари барча нарсаларнинг моддий ракамлар ва уларнинг ўзаро муносабатларини ташкил этади, коинот яхлитлигига хам ракам ақидаси ётади, деб уқтиридилар. Улар мазкур карашларини нафосат оламига хам татбик этиб, эстетик тафаккурни бойитишига ўз хиссаларини кўшилилар. Пифагорчиларнинг нафосат асослари, мусикавий ҳамоҳанглик асослари, яъни «хилма - хил овозли томонларнинг келишуви» умумбашарий ҳамоҳанглик (гармония) эканлиги ҳакидаги карашлар ва ғоялари эстетик тафаккур тарихида муҳим ўрин тутади.

Кадимги эстетика тафаккурида моддий дунёчилик (материалистик) йўналишини Гераклит (э. а. 540—480- йиллар) бошлиб берган эди. У нафосат хоссалари моддий дунёнинг ўзидан келиб чиккан нафосат ҳамоҳанглик инглиштари, ҳамоҳанглик эса қарама - қаршиликлар бирлигини ташкил этади деб кўрсатди ва нафосатнинг нисбийлиги ғоясини илгари сурди.

Демокрит (э. а. 460—370- йиллар) гўзалликни хар томонлар мослиги (симметрия)да деб билди ва уни меъёр тушунчаси билан боғлади, у санъат инсоннинг дастлабки эҳтиёжлари қондирилганда вужудга келади, деб уқтириди. Демокрит санъатнинг моҳиятини вожеликка тақлид килишда кўрди.

Сукрот (э. а. 470—399- йиллар) таълимотида гўзаллик коинотдан инсон турмушига, унинг ички кечинмаларига кўчирилган бўлиб, гўзаллик ва эзгулик бирлиги сифатида баён килишади. Сукрот эстетик тасаввурларининг нисбийлиги ғоясини илгари суриди, эстетик ва манфаатли белгилар ўртасидаги яқин алоқадорлик мавжудлигини кўрсатиб берди.

Афлотун (э. а. 427—347- йиллар) эстетикани гўзаллик фалсафаси, хам санъат фалсафаси сифатида таърифлади. Афлотуннинг фикрича, нафосат манбанин аввало ғоялар ташкил этади. Ҳис - туйгу берадиган барча нарсаларни абадий, ўзгарамас ғоя «ёритиб турган»дагина гўзаллик кашф этилади. Унинг фикрича гўзал ўта хиссиятли бўлгани туфайли унинг моҳиятини ҳис - туйгу билан эмас, балки акл - идроқ билан англаш мумкин. Санъатга оид карашларида ижодий жараённи у санъатни қандайдир пасткашлик уриннишлари сифатида таърифлаб, уни нарсалардан кўчирилган нусха, нарсаларнинг ўзи эса ғояларнинг хира нусхасидир, деб уқтиради.

Афлотун карашларида эстетик тарбия назарияси муҳим ўрин тутади. У санъатнинг одамларга нисбатан ўтказа оладиган таъсир кучини тан олади, лекин бу таъсир кучи салбий, бузгунчи хусусиятга эга, деб таъкидлайди. Шу боис Афлотун истиқболда орзу килган давлат мағкурасида мусикадан бошқа барча санъат турларини тилга олмайди, мусиканинг хам фақат «ҳарбийча жаранглайдиган», «мар-

лона» шақлларига ўрин ажратади. Шундай килиб, Афлотуннинг санъатга ва эстетик тарбияга доир қарашилари таркидунёчилик, каттик қўллик руҳи билан сугорилган.

Қадимги юонон эстетика назариясининг чўққиси ва якунни сифатида Арасту (эр. ав. 384—322-йиллар) эстетик таълимоти катта аҳамият касб этади. Арасту фикрича, нафосат асосини моддий дунёдаги нарсалар ташкил қиласди, нафосат ана шу нарсаларнинг тартибилилк, мувофиқлилк, уйғунлик, яхлитлик хоссаларида намоён бўлади.

Санъат амалиёти Арасту эстетикасининг хаётбахш манбаидир. Буюк мутафаккир ана шу амалиёт билан узвий боғланган назарий қоидалар яратди.

Арасту эстетик таълимотида Демокритнинг вожеликка тақлид қилиш хақидағи гояси янада ривожлантирилди. У санъатни вожеликка — одамлар, нарсалар ва инсон фаолиятига тақлид қилиш воситаси сифатида баҳолаб, санъатни идрок килишда хиссиз бўладиган шодликини тасвирланган нарсаларни тапиганлиқдан чиқадиган натижага билан боғлайди. Арасту санъатнинг инсон руҳига ўқазадиган таъсир кучига алоҳида эътибор бериди, унинг ахлокий кудратини, олижаноб фазилатлар яратиш кучини, вожеликни англаш хизматини улуғлайди.

Фожиали воеа - ходисалар заминида Арасту вахима, даҳшат, раҳм - шафқат орқали инсон руҳини поклантириш таълимотини иллари суради. Бундан ташкари унинг эстетик қараашларида вожелик билан бадий маданият мутаносиблиги чуаммолари, инсон ва санъат, инсон ва бадий ижод масалалари кенг ўрин эгаллаган. Шуни алоҳида таъкидаш даркорки, Арасту эстетика назариясида биринчи бўлиб уни турлар, хиллар, кўринишларга ажраттан олимдир.

Тит Лукреций Кар (э. а. 99—55- йиллар) «Нарсалар табиати ҳакида»ги асарида қадимги Рим эстетикасидаги моддий дунёчилик санъатнинг «зурурият» (эҳтиёж)дан табий келиб чиққанлигини уқтириб, унинг маърифатчилик аҳамиятини кўрсатиб берди.

4. Шарқ Ўрта асрлар эстетик тафаккури Араб ва Ажам (Эрон, Мовароуннахр), Хитой, Ҳиндистон мамлакатлари бадий маданияти ва санъати равнақи билан боғлик. Оврупо мамлакатларида черков эстетик фаолиятини, ойи нафосатини факат илоҳий эътиқод билан чамбарчас боғлаб, эркин бадий ижодни шафқатсиз бостирган ва қувғин қилган бир шароитда Шарқ мамлакатларида эстетик қараашлар илғор мақсад эҳтиёжлар, маърифат ва комиллик йўлида ривожланди. Бу қараашлар ислом дини, бадий маданияти равнак топиши заминида вужудга келган Шарқ Уйғониши даври, хусусан Марказий Осиё Уйғониши давари руҳи билан чамбарчас боғликларда тараққий этди.

Марказий Осиё Уйғониши даврининг забардаст мутафаккирлари Мусо Хоразмий, Ахмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ахмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Лутфий, Навоий, Бехзод, Бобур, Машраб ва бошқа жуда кўп ижодкорларнинг эстетик қараашлари моҳиятини

нафосат билан маънавий - ахлокий қадриятларнинг мутаносиблигини вужудга келтириш гояси ташкил этади.

Ўрта асрлар мусулмон Шарки мутафаккирлари қадимги дунё мумтоз эстетикаси йўналишлари ва гояларини давом эттирдилар. Улар Қадимги юон файласуфлари ва олимлари асарларини шарҳладилар. танқидий ўргандилар, таржима килдилар. Арастуни эса «Биринчи муаллим» деб атадилар. Шу ўринда табиий савол туғилади: нима учун аждодларимиз ўзимизнинг Шаркка, дейлик, қадимги ҳаётга эмас, Оврўпага – юонларга мурожаат килдилар?

Бунинг асосий сабаби шундаки, мусулмончилик талабларига Қадимги юон фалсафаси маълум даражада жавоб берар эди. Маълумки, мусулмончиликнинг асоси тавхидда – яккахудоликда. Аллоҳ ягона, унинг шериги йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Қадимги юон мутафаккирлари эса ана шу йўлдан бордилар. Биринчи бўлиб бу масалани Сукрот ўртага ташлади. У ўлимга маҳкум этилганида, унга юонлар маъбулларини ҳурмат килмаганлиги, ёниларни йўлдан озлирганилиги (аслида тавхид йўлига бошлаганлиги) айб қилиб қўйилди. Сукротнинг ўлими олдидаги сўнгги сўзлари ҳам шуни тасдиқлаб туради,«Мен Унинг (уларнинг эмас – А. Ш.) ёнига кетяпман», дейди у. Шунингдек, Афлотуннинг гоялар, оламий рух, эманация ҳакидаги фикрлари ҳам тўғридан - тўғри яккахудолик масаласига бориб тақалади. Лекин, Сукрот ва Афлотун тавхидни фалсафий - назарий жиҳатдан алоҳида исботлашни ўз олдилирига вазифа килиб қўймадилар, бунга уринимасилар. Бу ишни Арасту улдалади. У ўзининг машҳур «Метафизика» асарида Худонинг яккалиги, жисмсиз, ҳеч нарса томонидан ҳаракатга келмайдиган, аксинча, биринчи ҳаракатга келтирувчи куч эканини назарий таърифлаб берди. Уни «Олий шакл» деб атади. Арасту талкинида Худо олам ва барча оламий жараёнларнинг максади хисобланади, у Олий тафаккур, тафаккур ҳакидаги тафаккурдир. Айнан мана шунинг учун ҳам Арасту ҳаким бизнинг Шаркда «Биринчи муаллим» номини олди, унинг издошлари ўзларини устозларига тақлидан машшоний унлар деб атадилар¹.

Ўрта асрлар мусулмон Шаркida Арастудан сўнг энг улуғ устоз сифатида Абу Наср ал Форобий (873 – 950) машҳур бўлди. У Арастудан кейинги – «Иккинчи муаллим» деган номни олди.

Форобийнинг карашларида эзгулик билан гўзаллик маълум маънода айнанлаштирилади, бирин иккинчисида яшовчи ходисалар сифатида талқин этилади. Шунинг учун унинг асарларида «гўзал ҳатти - ҳаракатлар», «гўзал қилимешлар» деган ибораларни кўп учратиш мумкин. Гўзалликка етишишни у фалсафа туфайли рўй беради, деб ҳисоблайди. Унинг фикрига кўра, ҳар бир нарса - ходисанинг гўзаллиги унинг ўз борлигини тўла намоён этиши ва

¹ Караг' Шер А. Ахлоқшунослик. Тошкент. ЎАЖБНТ-Янги аср авлоди. 2003. 42-6.

мукаммалликка эришуви билан боғлик. Аллома файласуф инсонда икки хил гўзалликини фарқлайди – ички ва ташки. У ички гўзалликни юкори кўяди ва бу бойининг бойлигини безаб, камбағалнинг камбагаллигини яширадиган гўзалликни «адаб» деб атайди. Бундай гўзаллик юксак ахлоқий хатти-харакатлар ва инсоний комилликда ўзини намоён этади. Гашки гўзалликка келганда, файласуф габиий гўзалликини ҳар қандай безаниш, ясанишлардан юкори кўяди.

Иккинчи муаллим санъатнинг таклидийлик хусусиятга эгалигини таъкидлайди. Ана шу таклидийлик идрок этувчидаги хиссиёг ва тасаввур уйғотади. Санъаткор ўз хаёлот кучи, ижодий кудрати билан умумий гояларни якка киёфаларда инъикос эттиради. У нутқнинг турларини мантикий нуктаи назардан тадқиқ этар экан, *шеърий нутқни* – мутлак ёлғон, *софистик нутқни* – асосан ёлғон, *хитобий нутқни* – бир хилда ҳам ёлғон, ҳам рост, *диалектик нутқни* – асосан рост. *исботий (аподиктик) нутқни* мутлак рост лейди. Шеърий нутқнинг мутлак ёлғон деб аталиши кишига дастлаб эриш туюлади. Лекин аслида Форобий ҳак. Масалан, Ойбекнинг мана бу икки сатрини олиб кўрайли:

Бир ўлқаки, тупрогида олтин гуллайди,
Бир ўлқаки, кишларида шивирлар баҳор...¹

Оддий мантик нуктаи назаридан қарасак, ҳақиқатан ҳам Ойбек ёлғон гапиряпти: олтин – рангли металл, у ҳеч қачон ўсимликка ўхшаб гулламайди, баҳор эса одам эмас, у – фасл, ҳеч қачон шивирлаб гапирмайди. Форобий бу ўринда санъат асари оддий мантик илми қонун - қоидаларига бўйсунмайдиган ўзига хос мантиқка, бадиий мантиқка эга бўлишини таъкидламоқда. Бошка бир ўринда, «Шеър санъати» рисоласида у юкоридаги фикрларини давом эттириб, шундай деб ёзди: «... исботда илм, тортишувда иккиланиш, хитобада ишонтириш қанча аҳамиятли бўлса, шеъриятда ҳам хаёл ва тасаввур шунчалик зарур бўлади»².

«Шоирларнинг шеър ёзиш санъати қонунлари ҳақида» деган бошка бир рисоласида Форобий санъаткорнинг қобилияти түгма бўлишини алоҳида таъкидлаб ўтади: «... шоирлар чиндан түгма қобилияти ва шеър битишига тайёр табиатли кишилар бўлади...» Айни пайтда файласуф биргина истеъод билан етук шоир бўлиш мумкин эмаслигини ҳам таъкидлаб ўтади. Шу боис «шоирларнинг шеър ижод килиш борасидаги аҳволи камолотга етишгани ва етишмагани жиҳатидан турлича бўлади».

Арасту изидан бориб, Муаглими соний шеъриятни тасвирий санъат билан киёслайди ва ҳар иккала санъат тури ҳам моҳиятан бир хил асосга – таклидга

¹ Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. 8 томлик. Т. І. Тошкент. Фан. 1975. 309-6.

² Форобий. Фозил одамлар шахри. Тошкент. А.Кодирий номидаги Халқ мероси нашриёти. 1993. 113-6.

бориб тақалишини айгади: «...шөр санъатини безайдиган нарсалар – сүз, мулохазалар бұлса, рассомлар санъатини безайдиган нарса бүеклар саналади. Буларнинг иккови ўргасида фарқ бор, аммо иккаласи хам одамлар тасаввурни ва сезгиларида бир мақсадға – тақлид килишга йўналган бўлади»¹.

Форобий кўп жилдлик «Мусика ҳакидаги катта китоб» асарида мусикий билимни иккига – ижро санъати билан боғлиқ бўлган мусикий амалиётга ва мусиқанинг «соф ўзини», ижрочиликка боғланмаган холда ўрганадиган назарияга ажратади. Китобда оҳанг тизимидағи уйғунлик, зарб сингари ходисалар тахлил этилади. Шу муносабат билан у товушларни эмас, балки товушлар тасаввурини берувчи ракқосаларнинг мусикий гояға бўйсунган оҳангий харакатини англатувчи ритмик мимика – оҳангий харакат тушунчасини киритади. Шунингдек, китобда Яқин ва Ўрга Шарқда маълум бўлган мусикий асабоблар, уларни ижро этиш йўллари, усуллари ҳакида, умуман, мусика тарихи тўғрисида атрофлича маълумот берилган.

Яна бир буюк комусий олим, бобокалонимиз Ибн Сино (980 – 1037) Форобий карашларини давом эттириб, мусиқадан олинадиган лаззат мусикий уйғунликнинг маконда ёилишидан, пардаларнинг павбатма-навбат келишидан деб билади. Мусиқада гап товушнинг ўзида эмаслигини, балки уни қандай чиқариш мухим эканини айтади, яъни бизда ёки ёкимли ёки ёкимсиз сезгини товушнинг ўзи эмас, балки уни пайдо килиш усули уйготади. Мусиқанинг келиб чиқишини эса инсон нуткининг бойлиги билан боғлади: хушомад килаётгандан овоз пасаяди, мағрур сўзлаётгандан катъий жаранглайди в. х. Мусика инсон кайфиятига тақлидлар, дейди Ибн Сино. Шунингдек, аллома гўзаллик борасида хам Форобий изидан боради. Унинг фикрига кўра, жисмоний гўзаллик бевосита қалб гўзаллиги билан белгиланади. «Ишқ рисоласи» асарида мұхаббатнинг асосида гўзаллик ётишини «аслида мұхаббат гўзалликини маъкуллаштири», деган фикр билан ифодалайди².

Ўрга асрлар эстетикасида Ибн Синонинг «Фан аш-шөр» - «Шөр санъати» асари ўзига хос ўрин эгаллади. Унда комусий аллома, Арастуунинг «Шөррият санъати» рисоласини шархлар экан, ўзига хос янгиликлар киритади ва шеърнинг кейинчалик машхур бўлиб кетган мана бу коидасини келтиради: «Шөр деб образли сўзлардан иборат бўлган ритмли, бир-бирига мувофиқ иборалардан таркиб топган ҳамда хижолар бир-бирига тент, вазнлари кайтариладиган, охирги товушлари бир-бирига ўхшаш сатрларга айтилади». Унинг фикрига кўра, шеър тақлидий фикр натижаси ўлароқ уч хил йўл билан юзага келади. Биринчиси лаҳн – уйғунлик, ундан кейин қалом – сўз келади (бунда албатта мажозий (образли) сўз назарда тутилади). Учинчиси – вазн.

¹ Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент. А.Кодирий қомидаги Халқ мөрсси пашристи. 1993. 124-б.

² Серебряков С.Б. Трактат Ибн Сины (Авиценна) о любви. Тбилиси. Мецниереба. 1976. С. 49.

Мана шу уч йўлнинг бир-бирга мос келиши натижасида шеър пайдо бўлади. Йўқса кўнгилдагидек шеър яратиш мумкин эмас.

Ибн Сино ҳакният билан назмий тизмаларнинг фарки борасида фикр юритар экан, физика ҳакида достон ёзган Эмпедокл ўз китобини вазнга солганини, лекин Эмпедокл билан Ҳомер асарлари ўтасида вазндан бошқа хеч қандай умумийлик йўқ эканини таъкидлаган устози Арасту қарашларини тұла кувватлайди: «Эмпедоклнинг ёзганлари, вазининг пайдо бўлишига қарамай, табиий гаплардан иборат бўлиб қолган холос. Ҳомернинг вазнли гаплари эса шеърий сўзлар тусини олган. Шунинг учун Эмпедоклнинг сўзлари хеч качон шеър бўлолмайди», – лейди аллома¹.

Шунингдек, Ибн Сино ўз рисоласида, юон шеърияти билан араб шеъриятини солишириб, шеъриятнинг вазифаси ҳакида фикр юритади ва бу борадаги юонлардаги баъзи устунликларга ишора қилади. Унинг айтишича, юонлар шеърията феъл-авторга караб таклид ишлатишни кўзлаганлар. Араблар эса, икки важдан шеър ёзганлар. Бир томондан, улар шеър оркали одамлар руҳига таъсир этмоқчи бўланлар. Зоро шеър идрок этувчиди ҳаяжонли ҳиссиёт, тўлқинланиш уйғотиши шубҳасиздир. Шеър ёзишининг иккинчи сабаби – одамларни таажжубга солиш бўлган. Араблар ҳар бир нарсага ташбех ишлатаверганлар, улар бу ташбеҳлари билан одамларни ҳайратга солишини максад қилиб кўйганлар. Юонлар эса шеър воситасида одамлар феъл-авторига таъсир этишни, ё бўлмаса, шеър оркали одамларни ўзлари кўзлаган ҳатти-харакатларидан тийишини мўлжаллаганлар.

Бундай назарий фикрларни Ибн Сино, энг аввало, ўз амалиёти оркали тасдиқлайди. Алломанинг «Саломон ва Ибсол», «Ҳайй ибн Яzion», «Юсуф киссаси», «Куш рисоласи» сингари насрда ёзилган фалсафий-бадиий ва мажозий асарлари билан бирга, бизгача этиб келган шеърий асарлари хам кагта аҳамиятга молик. Айни пайтда аллома ўзининг ўнга яқин назмда тизилган иммий уржуза достонларини шеърий асар деб билган эмас.

Ибн Сино шеъриятида буюк файласуф ва буюк шоир бир тилда – шеър тилида сўзлайди. Бу уйғунлик натижаси ўларок шундай дурданалар яратилдики, улар анъянавийлик қасб этиб, кейинчалик Умар Хайём ва Мирзо Бедил сингари Шарқнинг буюк рубойнависларига намуна бўлиб хизмат қилди, десек адашмаймиз. Шоирнинг мана бу рубойсини шеърият чаманининг энг гўзал гули дейиш мумкин:

Дилда пинҳон йиги, куламиз гулдек,
Бир дамгина ҳёт киламиз гулдек.
Ўзимизни гулдек ўртага ташлаб,

¹ Ибн Сино. Саломон ва Ибсол. Тошкент: F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1980. 100-6

Сочилмоқни баҳт деб биламиз гулдек¹.

Дарҳакиат, инсон ҳам қандай ғам-ғусса, фожсалар олдида ҳам ўз дарди билан ўзи үралашиб коладиган мавжудот эмас. У замон ва макон талабига күлкүн тутиб, шабнам катраларини гулбарглари бағрида яшириб, оламга хандон боккан гулдек, кўз ёшларини йигисини пинҳон тутган ҳолда кула олади. Шоир вакт чексизлиги олдида ўзининг бир дамликкина умр эгаси эканини ҳам, инсондаги ўзини ўзига, ўзгаларга ва борликка кўрсатиш учун олий мавжудотга хос интилишини ҳам серташвиш ҳаёт ичиди ўсан гул тақдирига, гўзалликка таққослади. Гул нима учун ўсади? Борликка нафосат руҳини, хушбўй ҳидларни бағишлаб, охир-оқибатда тўклиши учун ўсади. Инсон ҳам худди шу гулдек ўзини бу ва у дунёта бағишлаб, охир-оқибатда заминга сочилиб, тупроқка кўшилиб кетишни баҳт деб, хулқий гўзаллик деб, билади².

Машҳоиййунлик нафосат фалсафасининг яна бир намояндаси шоир ва файласуф *Умар Хайёмдир* (1048-1123). Машҳоиййун-мутафаккирлар ичидаги алоҳида ажрабиб туради. Хайён Форобий ва Ибн Сино изидан бориб, фалсафа, мантиқ, астрономия ва бошқа фан соҳаларига доир йирик асарлар яратди. Унинг эстетик карашлари кўпроқ рубойларни ва «Наврӯзнома» асаридан жой олган. Хайён карашлари, бир томондан, чан-буддҳаҷалик эстетикасига яқин бўлса, иккичи томондан, уларни экзистенциячиликнинг ибтидоси дейиш мумкин.

Хайён мураккаб файласуф-шоир, унинг меросига факат бир томонлами ғендашиб мумкин эмас. Айникса файласуфнинг рубойлари муаллиф дунёқарашининг кўпкирралилиги билан ажрабиб туради. Шуниси мухимки, Хайён ўз дунёқарашини рисолаларидан кўра, шеъриятида геранроқ ифодалаган, уни эстетик шаклда – нағис адабиётнинг рубойи жанрида ўкувчига етказишига интилган, гўзаллик ва хунуклик, фожеавийлик ва кулгилилик мезоний тушунчалари призмасидан ўтказиб тақдим этган.

Хайён наздида инсон, кейинчалик экзистенциячи Карл Ясперс таъкидлаганидек, эртага нима бўлишини, у ўзини қаерда ва қандай ҳолатда кўришини билмайди, «у ҳамма ҳодисаларда бир хил бўлолмайди, у – йўл»¹. Рубоийларнинг кўпчилигига, экзистенциячилар севган ибора билан айтганда, инсон ўз ҳолига ташлаб кўйилганини – унга ихтиёр эркинлиги берилгани ва тақдир кинояга мавзу бўладиган даражадаги ҳодиса эканини кўрамиз; ҳар бир мавжудликни Аллоҳ яратган, лекин унинг хусусиятларини кейинчалик ўзgartмайди – «ўз ҳолига ташлаб кўяди».

Хайён ҳам ўз салафлари каби гўзалликка алоҳида эътибор беради, уни инсон билан бевосита ёки билвосита боғлик ҳолда олиб қарайди. Жумладан,

¹ Ибн Сино. Шеърлар ва тиббий дастон. Тошкент. 1988. 52-6.

² Карапай: Шер А. «Соғлом авлод учун» журнали. 1996. № 9-10.

нарсалар гўзаллиги ҳам инсон билан бодлиқ. Масалан, олтип нима учун гўзал? У кимматбаҳо рангли металлиги учун эмас, балки инсонга безак бўлгани, инсон ташки аъзоларини гўзаллаштиришига хизмат килгани сабабли гўзалдир. У хулкий гўзалик ҳакида фикр юритар экан, ташки ва ички гўзалликнинг уйгунилтигি масаласига алоҳида ургу беради, барча машшониййун файласуфлар каби гўзалик билан эзгуликнинг яхлит намоён бўлиши тўгрисида тўхталади, гўзаликни гўзал юз билан бодлаб талкин этади:

«Гўзалик барча тииларда васф этилади ва ҳар кандай ақлга хуш келади, – деб ёзди мутафаккир «Наврӯзнома» асарида. – Дунёда яхши нарсалар кўп, уларни кўриб баҳраманд бўлиши одамларни шод этади ва табиатларини покиза килади, аммо ҳеч нарса гўзал юз ўрнини боса олмайди, чунки гўзал юз шундай кувонч баҳш этадики, бошка ҳеч кандай кувонч унга тенг келолмайди. Айтадиларки, гўзал юз лунёда саодат сабабчисидир. Агар гўзал юз яна яхши хулк билан уйғунашса, баҳт-саодагнинг энг юкори даражаси бўлади. Агар одам ҳам ташки кўринишидан, ҳам табиати билан яхши бўлса, Худо ва одамлар учун севимлидир. Гўзал юз тўрт фазиятга эгадир. Улардан бири шуки, гўзал юз уни кўрган одамнинг шу кунини хайрли этади, иккинчиси, ҳаётдан баҳраманд бўлиш онларини ширин қиласи, учинчиси, у одамни очик кўнгилли ва олижаноб этади, тўртинчиси, бойликни кўпайтиради ва юкори мансаб ато этади¹.

Шуни айтиш керакки, май у даврларда биз ҳозир тушунадиган «бир яраш» учун ичилган эмас, Хайём ҳам, унинг салафлари ҳам майга бошкacha муносабат билан ёндашганлар. Хайём майни инсоннинг асл ўзилигини намоён килувчи восита, эстетик хиссиятни уйготувчи модда сифатида олиб қарайди, унга алоҳида фалсафий мақом – маҳаклик (кимматбаҳо тошларни синайдиган тош) мақомини беради. Бу бежиз эмас. Чунки Хайём инсонни коинотнинг энг кимматбаҳо мoddаси деб билади:

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,
Ақл кўзин кораси – жавҳари ҳам биз.
Тўгарак жаҳонни узук деб билсан,
Шаксиз унинг кўзи – гавҳари ҳам биз².

Ана шу улуг инсоннинг реал ҳаёти, унинг мавжудлиги мохиятига тўғри келмаслиги, улкан фожеавийлик сифатида Хайёмда скептицизмга, гоҳида агносцизмга мойиллик туғдиради.

¹ Умар Хайём. Наврӯзнома. Тошкент: Мехнат. 1990. 54-б.

² Умар Хайём. Рубоийлар. Шарқ. 2000. 9-б.

Имом Газзолийнинг санъат ва гўзалликка манфаатсиз муносабат ҳақидаги карашлари Ўрта асрлар мусулмон Шарқ эстетикасида машҳорийунлик йўналиши билан бирга тасаввуфий йўналиши ҳам вужудга келди. Унинг буок вакили тасаввуф фалсафаси асосчиси, тенги кам файласуф - илохиётчи *Имом Газзолийдир* (1058 – 1111). Мутасаввуф - файласуфнинг «Ихё улум ад дин» («Дин ҳақидаги илмларнинг жонлантириши») асарида эстетикага кеңт ўрин берилган.

Газзолийнинг нафосат фалсафасида ўсимлик, ҳайвон ҳамда инсоннинг ташки мухитга муносабатига, улардаги нағис дид, эстетик хиссиятнинг бор йўқлиги муаммоларига, шахснинг гўзалликка муносабати, унинг комил инсонга айланиши, нисбий ва мутлак гўзаллик, ибодат билан санъатнинг фарқи сингари масалаларга тўхталиб ўгади.

Газзолий *ибодат* билан санъатнинг фарқи хусусида ўзига хос фикрлар баён килади. Зикр билан раксни чалкаштирмасликка, жазавадаги муриднинг ҳаракат карила ўйин аломатларига йўл қўймасликка чакиради. Шундай аломатлардан бири тепиниш эканини таъкидлаб, бундай ҳаракатларнинг кўп ҳолларда кўнгил очиши ва ўйин билан боғлиқдигини айтади. Хуллас, зикр пайтида ўйин унсуруларининг намоён бўлишини ибодатни бузадиган ҳолат сифагида коралайди. Газзолий мусика ва қўшик борасида ҳам шунга ўхшашиб фикрларни билдиради. Мусиқани, ўйин-кулгини тиловатга аралаштирмасликни, кироатни қўшик билан чалкаштирмасликни қатъий таъкидлайди. Бу борала, айникса, унинг Куръон билан шеъриятни, оятлар билан байтларни таъкослаши диққатга сазовордир.

Шеърнинг (қўшикнинг) Куръонга нисбатан дунёвий инсонни кўпроқ жунбушга келтиришга кодир эканини ва бунинг сабабларини Газзолий етти нуктаи назар асосида исботлашга ҳаракат киласди.

Биринчиси – ҳамма оятлар ҳам тингловчининг ҳолатига доимо тўғри келавермайди. Чунончи, гам - андухга ботган ёки пушаймонлик оловида коврилаётган кишига мерос, болаларнинг улушлари, маҳр, талоқ ҳақидаги коидалар таъсир қилмайди. Зоро, юракни унга мос нарсагина ҳаракатга келтиради, шоирлар эса байтларини ўз калбларининг ҳолатидан келиб чикиб яратадилар. Демак, ҳар бир шеър муайян руҳий ҳолатнинг интиҳоси сифатида ўшандай руҳий ҳолатни дилдан кечираётган киши учун таъсирчанроқдир.

Иккинчиси – агар шеърий байт бошқа байт билан алмаштирилса, ҳатто мазмун бир хиллигига қарамай, у тингловчи юрагига янги из солмай кўймайди. Чунки, мазмун бир хил бўлса ҳам, кейинги байт аввалгисидан қоғия ва вазни билан фарқланади, тингловчининг қалбини ҳаракатга келтиради. Лекин Куръонни кори ҳар гал ҳар хил килиб ўқий олмайди. Куръонга қўшимчалар киригиш мумкин эмас. Демак, ҳар бир етук шеър оригинал бадий асар сифатида маълум ҳолатларда кўпроқ таъсирчанликка эга.

Учинчиси – оддий нутқ билан шеърнинг қалбга таъсири солиштирилса, хижолари тартибиа солингган шеърий нутқнинг кучли эканини сезиш мумкин. Шеърнинг ранг - баранг оҳанги қалбни жунбушга келтиради. Демак, ҳар бир шеър ўзига хос долзарб оҳанги билан таъсирчанроқдир.

Тўртингчиси – шеърий нутқнинг қалбга таъсири киска бўғинларни (ёпик хижоларни) чўзib, узун бўғинларни (очик хижоларни) кесиб талаффуз этиш билан боғлик. Сўзлар руқнларга бўйсундирилиб талаффуз этилади. Тиловат ўқилганда эса бундай қилиш мумкин эмас. Демак, шеърнинг вазнга эга бўлиши унга кенгроқ имконият беради.

Бешинчиси – вазнга туширилган шеърий нутқка бир меъёрдаги зарбли товушлар, чунончи, доира сингари мусиқа асбоблари жўр бўлиши мумкин. Ундай холда шеърнинг таъсир кучи ошади. Оятларни эса бунаканги жўрикдан асраром лозим, зеро, у ўта жиддий Ҳакиқатдир. Уни қўчаларда, базмларда, тўйхоналарла ўқиш мумкин эмас. Демак, шеърий нутқ мусиқий асбоблар жўрлигига йўл бериши, жой танламаслиги билан ҳам муайян имтиёзга эга.

Оятинчиси – бадиҳагўй (маддоҳ) тингловчининг ҳолатига мос келмайдиган байтни ўқиши, у байт тингловчига ёқмаслиги мумкин. У холда тингловчи бошқа байтии талаб киласди. Чунки ҳар қандай нутқ ҳам кайфиятга мос келавермайди. Бундай пайтда тиловат тинглаш мажбурияти ва бу мажбуриятдан ўша онда кутула олмаслик хисси тингловчидаги оятларни ёқтирмай қолишидек ғуноҳли ҳолатни келтириб чиқариши мумкин. Демак, шеър вакт, ҳолат ва кайфиятни хисобга олиши туфайли, яъни дунёвий қамровининг кенглиги билан ҳам кучлирок таъсирга эга.

Еттингчиси – мусиқий товушлар инсоннинг табиатига мос келади. Уларга Ҳакиқат эмас, лаззат манбаи сифатида қаралиши лозим. Худди шунингдек, шеър ҳам инсон табиатига мос келади, инсон ундан лаззатланади; ҳам ўзи шеър яратса олади, зеро, яратилган нарса (яъни шеър) яратилганга (яъни инсонга) ўхшаш бўлади. Куръон эса – Аллоҳнинг сўзи, Унинг сифатларидан бири. Куръон инсоният яратишга қодир бўлмаган ҳақиқатдирки, Аллоҳнинг сифати тарзида у яратилиши жараёнини бошдан кечирмаган. Демак, инсонга яқинроқ экани, хиссият баёни бўлгани учун ҳам одамлар шеърга кўпроқ майл билдирадилар¹.

Буюк мутасаввиф - файласуф юқоридаги етти бандли чоғиштирма орқали, биринчидан, Куръон оятларига шеърга бўлганидек эркин мурожаат қилиш мумкин эмаслигини, иккинчидан, Муқаддас китобни тўғри келган жойда, тўғри келган ҳолатда ўқимасликни, уни жўнлаптирасликини, яъни илохий муносабат билан инсоний муносабатни қоришириб юбормаслик лозимлигини уқтиради.

¹ Газали Абу Ҳамид. Воскрешение наук о вере. Москва. Наука. 1980. Б.117-122.

Шу ўринда у күйидаги вокеани көлтиради: пайғамбаримиз Мұхаммад ашайхисшом ар - Робиня умми Маъуз хонадонларига киргандырыла, канизаклар күшик күйлаётган эди; шунда улардан бири дархол күшикни тұхтатади ва у кишига мадхия айта бошлады. Пайғамбаримиз эса: «Буни күй, аввал нимани айтаётган бұлсанг, үшінші айта бер», – дейдилар. Ғаззолий мазкур таъсик Қуръон оқыларининг түй - томошаларда үқитицигә ҳам таалдуқлы эканини тақиділаб, мұтлако жиғдій нарсаны үйин - күлгі шаклиға солиши, «шеър билан айтишга рухсат берилған нарсаны Қуръон воситасида айтиш мүмкін эмас», дейді¹.

Шундай килиб, Имом Ғаззолий қанчалик Қуръонни юксакка күттармасин, улуглигини қанчалик таъриф килмасин, уни шеъріят билан солишириар экан, масалага бағоят рационал тарзда ёндешади: ибодатта нисбатан санъаттинг, кироатта нисбаган шеъріяттинг оддий инсонға якилигини инкор этмайды, балки тасдиклайды. Бу ўринда, дикқат килинса, муридларнинг жазавага тушиши ҳамда хәйлан Оллохға етишган ҳолатлари билан томошабин ёки тингловчининг санъат асаридан жүнбушыға келиши ва сүңг қалбіда рўй берадиган форигланиш (катарсис) ҳолатлари орасида ҳам үхшашпік, ҳам катта фарқ борлигини англаб олиш қийин эмас.

Ғаззолий зоҳирий ва ботиний гўзаллик хусусида фикр юритар экан, түгма эстетик туйгунинг мавжудлиги ҳақидаги ғояни гўдаклар ва ҳайвонларнинг ҳам эстетик туйғуга эгалиги билан исбоглашға интилади. Гўзаликни идрок этиш туйгусининг түгмалиғи, табиийлиғи ва уни эстетик тарбия воситасида англаб этиши орқали ҳис қилиш борасида ҳозир ҳам баҳсли қарашларнинг мавжудлиғи Ғаззолий ўргага ташлаган эстетика муаммолари ҳануз долзарб эканини тасдиклайди.

Ғаззолийнинг гўзалик тўғрисидаги, хусусан, гўзаликка нисбатан бегараз муносабат ҳақидаги назарий фикрларидан буюк олмон файласуфи Иммануил Кант ижодий фойдаланади. Чунончи, Кант нафосат туйғусини манфаатсиз, бегараз, факат предметга соғи мұхаббат билан муносабатда бўлиш туфайли юзага келган туйғу деб атайди. Гўзаликнинг нисбийлиги борасида ҳам Кант Ғаззолий тутган йўлдан боради. Ҳатто баъзида мисоллар бир хиллнинг йўл кўяди: иккала файласуф ҳам одам ва отни мисол тариқасида көлтиради. Ғаззолий фикрларининг ривожланған шаклларини Бёрк, Шефтбери, Хатчэсон сингари файласуфларда ҳам учратамиз.

Умуман олганда, Ислом динининг санъат билан ҳамкорлиғи масалалари алломаларнинг бадиий адабиёт, мусика ва бошқа санъат турларига доир рисолаларида ҳамда тазкираларина ўртага ташлади. Шундай килиб, Шаркнинг

¹ Газали Абӯ Ҳачид. Воскрешение наук о вере. Москва. Наука. 1980. 121 б.

даҳо мутафаккирлари – Абу Наср ал - Форобий, Ибн Сино, Умар Хайём ва Имом Газзолий бир томондан, тасаввуфни мохиятнан исломнинг ахлок ва нафосат фалсафаси сифатида талкин қиласа, иккинчи томондан уларнинг эстетик гоялари хамда назариялари билан жаҳон нафосат фалсафасининг янги пегонага кӯтирилишини бошлаб берди.

5. Оврупо Уйғониш даврида эстетик тафаккур капиталистик ишлаб чиқарини муносабатларининг бевосита таъсири остида ривожлана бошлади. Тарихий тарақкий аҳамият қасб этган буржуа инсонпарварлик гоялари кенг таркалиб боргани сари, табиий ва аник фанлар, адабиёт ва санъат буюк мұваффакиятларга әришиб боргани сари эстетик қарашлар ва гоялар ҳам шу кадар тез суръатлар билан ривожланиб борди.

Оврупо Уйғониш даври эстетикасининг мұхим хусусияти шуки, унинг мохияти на мазмуни юксак инсонпарварлық рухи билан суғорилған ва у бадий амалиёт билан чамбарчас бояланып кетганды.

Оврупо Уйғониш лавринини буюк ижодкорлари Леонардо да Винчи, Рафаэль Санти, Микеланджело, Дюрер, Сервантең, Шекспир ва бошқалар эстетик тафаккур ривожланишига салмоқты хисса күшдилар. Айниқса, буюк мұсавири, истеъдоддил мұхандис, атоқлы табиатшынос олим Леонардо да Винчи эстетик қарашларидан вөкей дүнёни билищда санъатнинг аҳамиятига, унинг ўзига хос хусусиятларини ўтибордан кочирмасликка даъват этди.

4- мавзуу: Эстетик онг ва эстетик фаолиятнинг мохияти хамда ўзига хос хусусиятлари. Асосий эстетик категориялар (тушунчалар).

Санъат ижтимоий онг шакли эканлиги. Санъатда күлланилладиган йұналиш услуг ва усууллар (методология). Санъат турлари. Эстетик тарбиянинг мақсад ва вазифалари. Мустақиллик шароитида эстетик тарбиянинг аҳамияти

Режа:

1. Эстетик онг ва эстетик фаолият.
2. Эстетик категориялар.
3. Санъатнинг мохияти. Санъат тарихи.
4. Санъат – ижтимоий онг шакли. Саңъатда бадий услуг ва усуул масаласи
5. Эстетик тарбиянинг мақсад ва вазифалари

Мавзуга доир таянч түшүнчалар: эстетик онг, эстетик фаолият, эстетик эхтиёж, эстетик муносабат, эстетик хис-түйгу, эстетик дид, эстетик баҳо.

гўзаллик, улугворлик, қулгилилк, фожеавийлик, улугворлик, санъат, метод, вакт, макон, вакт - макон, нотиклик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан. Ўзбекистоннинг 20 йиллик мустақил тараққиёт йўлида кўнга киритган ютуқ ва натижалари. мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, туб ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини ахолининг кенг катламларига етказиши, жойларда ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар. тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш учун мўлжалланган илмий-оммабоп нашр. – Т.: «Йқтисодиёт», 2011.

2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2010

3. И.А.Каримов. 2010 йил 12-ноябрдаги Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янала чукурлаштириши ва фукаролик жамиятини ривожлантириши” концепцияси” мавзусидаги маъруzasи.-“Хашқ сўзи” газетаси 2010 йил 13 ноябр.

4. И. А. Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т., “Маънавият” 2008 йил.

5. Каримов И .А. Донишманл ҳалқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор» газетаси, 2000 йил, 8-июнь.

6. И.А.Каримов. «Баркамол авлод орзуси» Тошкент, Ўзбекистон, 2000

7. И.А.Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолаглари» Тошкент, Ўзбекистон, 1997.

8. Абдулла Шер, Б.Хусанов, Э.Умаров. Эстетика. (Услубий қўлланма). Тошкент. Университет. 2008.

9.Каган М. Эстетика как философская наука. Спб., 1997.

1. Эстетик онг - маънавий - руҳий воқеа - ҳодисалар мажмуи бўлиб, улар ижтимоий ҳаёт заминида вужудга келадиган эстетик фикр, эстетик хис, эстетик дид, эстетик орзу, эстетик қараш, эстетик назария тизимини яратади. Эстетик онг ижтимоий ҳаёт заминида унинг билан мутаносиб тарзда ўзгариб, ривожланиб, такомиллашиб боради. Эстетик онг жамият ҳаётида гурухий манфаатлар ифодаси тарзida ҳам намоён бўлади. Лекин бу ҳол жамиятнинг турли соҳаларида турлича, масалан, мафкура соҳасида эстетик қарашлар, орзу - умид назарияларида ўзига хос акс этади. Руҳий - маънавий соҳаларда эса гурухий манфаатларга нисбатан анча мустақил тарзда намоён бўлади.

Эстетик онг ижтимоий онгнинг баъзи шаклларидан орқада қолиши мумкин. Масалан, ҳаджатий ҳаётда сиёсий стукилкнинг юксак

даражасигача күтарилган, лекин эстетик диди оркада колган, турли сохта маҳсулотни бемалол истеъмоғ қилаверадиган одамларни кўриш мумкин.

Эстетик онгнинг нисбий мустакиллиги кўринишларидан биро ворисийлигидир. Чунки янги эстетик қарашлар, гоялар, назариялар бўш ерда вужудга келмайди. Улар жамиятнинг олдинги эстетик ва бадиий равнаки натижасида жамланган хиссий ва аклий хосилалар, билимлар заҳирасининг давоми сифатида амал қиласидар.

Эстетик онг ижтимоий хаёт инъикоси бўлиб, жамият хаётида муҳим ўрин тутади, жамият хаётига ҳар томонлама таъсир ўтказади. Эстетик онг ижтимоий онгнинг маҳсус шакли сифатида эстетик фаолият билан узвий боғлиқ бўлиб, эстетик фаолият жараённида шаклланади, карор топади. Эстетик онг аслида эстетик фаолият маҳсулидир.

Жамиятнинг эстетик онги мураккаб тизимли, харакатчан, ўзаро узвий алокадорликда бўлган бир катор кисмлардан иборат бўлади. Эстетик онгнинг тургун ва уйғун кисмлари - булар **эстетик хислар, орзулар, қарашлар, назариялардир**.

Эстетик ҳис-туйғу - бизни ўраб турган воеани эстетик жиҳатдан ҳис этиш жиҳатидан ҳис этиши қобилиятидир Унинг гўзаллигини уйғуллиги сезишидир. Эстетик ҳис-туйғунинг асосий органлари кўриш ва эшитишдир

Эстетик дид - оламни гўзаллигини тезда англашадир. Эстетик дид замирида эстетик ҳис-туйғу ётади Эстетик дид деганда биз бирор соҳага мойиллигини сезамиз Эстетик дид воеа - ходисаларнинг эстетик сифатларини инсон томонидан идрок этмоқ ва баҳолаш жараёнидир. Эстетик дид деганда биз ҳакиқий гўзал нарсаларни табиат ижтимоий хаёт ва санъат ходисаларини ҳакиқий эстетик ҳислатларини бевосига дастлабки кўришда чукур анализ қилиб ўтирамай ҳис этиш, ажратса билишини тушунамиз. Эстетик ҳис ва эстетик дидни тарбиялаш мумкин

Эстетик орзу мавжуд нарса ходисаларни эмас, гўзаллик ҳақидаги энг юксак орзулари, уйлаган режалари Жамият равнаки билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар бир даврнинг ўз эстетик орзуга эга бўлган инсонлари бўлади Эстетик орзу бу инсоннинг гўзаллик ҳақидаги тасаввурларининг энг юксак ифодасидир

Эстетик фикр - инсонни маълум бир эстетик принцип, билимларга асосланган эстетик фикрлари бўлади. Эстетик фикрлар эстетик дид ва мулоҳаза эмас, балки унинг оғзаки формасидир. Эстетик фикр оддий сезги кечинмалари эмас, балки маълум эстетик принципларга, эстетика соҳасини моҳиятини чукур тушунишги асосланган баҳо беришдир

Эстетик қараш ва назариялар эстетикани гоявий асосини ташкил этиди Эстетик қарашлар деганда биз илмий жиҳатдан асосланган назарий жиҳатдан асосланган ҳамда озми-қўпми изчилий билан олиб бориладиган

методология фалсафий база билан боғлиқ бўлган билимлар тушунчалар принципларнинг озми-кўпми мукаммал ва изчил системасини тушунамиз Кеиг, тугал намустакил система характеристига эга бўлган эстетик карашларни **эстетик назария** деб атаймиз.

Инсоният яшар экан биоижтимоий мавжудот сифатида ўзининг талаб ва эҳтиёжтарини кондириши лозим. Эҳтиёжлар орасида эстетик эҳтиёжлар энг олий эҳтиёж хисобланади. Чунки унда барча моддий ва маънавий эҳтиёжлар жамланган. Талаб ва эҳтиёжлар инсонни фаолиятга ундайди. Фаолият эса янги янги талаб ва эҳтиёларни келтириб чиқаради. Инсонлар фаолияти давомида табиат билан алоқада бўлади ва у билан муносабатга киришади.

2. Гўзаллик – эстетиканинг асосий тушунчиаси. Гўзаллик нафосат оламининг мағзи, асосий белгиси, бош хоссаси, асосий моҳиятини ташкил этади. Гўзаллик - бу асосий эстетик қадрият бўлиб, уни идрок этиши кобилияти эса эстетик субъектнинг асосий қисмидир. Бу хусусият эстетик онг ва унинг қисмларига ҳам гаалдуклидир. Эстетик хис - туйғу, энӣ аввали гўзалликни хис этиши жараёнини анҷалатади. Гўзалликнинг асосий шартлари қўйидагилар:

- меъёр
- предметнинг яхлитлиги
- рангларнинг уйғунлиги
- предметнинг меъадага мувофиқлиги
- эстетик формада эканлиги

Гўзаллик хилма - хил даражада намоён бўлади. Табиатдаги гўзаллик ижтимоий ҳаёт гўзалигидан фойдали амалий фаолиятдаги гўзаллик бадиий ижоддаги гўзаликларнан фарқ қиласди.

Улуғворлик - эстетик ва ахлоқий сифатлар қасб этиб, амалиётда кўп кўлланиладиган эстетик тушунчадир. Улуғворлик кўлами гўзаллик кўламидек чексиздир. Улуғворлик хисси умуминсоний бўлиши билан бир каторда ижтимоий ҳаётда тарихий тараққиётта алоҳида таъсир этувчи ҳодисалар ва жараёнларни ҳам камраб олади. Ижтимоий ҳаётда улуғворлик, қаҳрамонлик ва мардлик билан шу қадар коришиб кетадики, уларни алоҳида мушоҳада этиши нахоятда кийин бўлиб қолади.

Қаҳрамонлиқда улуғворликка хос эстетик ва ахлоқий сифат тўла намоён бўлади.

Санъатдаги улуғворлик юксак бадиий мазмун ва шакл воситасида ифодалансада, ундаги гоя ҳал килувчи аҳамиятга эга. Муҳим аҳамиятга молик гоя мукаммал шаклни юзага чиқариб, санъат асарларининг таъсирчанлик даражасини белгилаб беради. Бу холат ҳаётий ҳакиқатдан қочини эмас, унга хизмат килишга давват этади.

Фожеавийлик ва **кулгилилик** эстетик тушунчалари ёрдамида ҳаёт зиддиятлари ва тўқнашувлари баҳоланади ва мушоҳада килинади. Улар

орқали инсоннинг ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига писбатан эстетик муносабати ифодаланади ва мустахкамланади. Айтиш жоизки, фожеавийлик ва кулгилилилк гўзаллик тушунчасидан торрок доирада амал қиласди.

Фожеавийлик ва кулгилилилк - ижтимоий хусусиятга молик гушунча сифатида ёлғиз инсонга хос хис - туйгу эканлиги, факат ижтимоий муносабатлар жараёнидагина намоён бўлишлари билан изохланади.

Фожеавийлик ва кулгилилилк аслида бир - бирига зид тушунчалардир, лекин бу зидлик мутлак маънода амал килмайди. Айни пайтда улар бир - бирининг магзига сингиб, бир иккинчисига ўтиб туради.

Фожеавийлик ва кулгилилилк ўзаро боғликларини ҳайтнинг мураккаблиги, зиддиятлиги, харакатчанигидан келиб чикиб, уларни санъат ёрдамида яхшироқ англаймиз. Санъат ҳам тик кирраларини бадиий англашга бирданнага эришгани йук.

Санъат асарларида фожеавийлик ва кулгилилилк яхлит намоён бўлади. Фожеали ёки кулгили холат инсоннинг у ёки бу хатти - харакати натижасида пайдо бўлади, бу хатти - харакат турли - туман ҳаётий кучлар тўкнашуви жараёнида вужудга келади, ривожланади. Шу тарика улар воқелик ва инсон орзулари ўртасидаги низоли муносабатларни очиб беради.

Фожеавийлик ва кулгилилилк бошқа эстетик гушунчалардан қанчалик фарқ килмасин, уларни гўзаллик ва хунуклик каби ижтимоий эстетик орзулар билан боғлиқ ҳолда, уларнинг тарихий ва нисбий табиатини инобатга олган ҳолда мушоҳада килиш зарур бўлади.

3. *Санъат* бу – воқеликни бадиий тимсоллар воситаси билан ижтимоий акс эттириш, ишни кўзини билиш ва маҳорат кўрсатиш жараёнидир. Хар кандай ишнинг ўзи ва у талаб киладиган маҳорат даражаси маъноларида кўлланилади.

Санъат бу – инсон ақл идроки меҳнати билан вужудга келган, ижод килинган нарсалар. Санъат инсон фаолиятининг ижодкорлик турини англатиб, ҳар бир санъат асарида шахснинг ўзига хос истеъоди намоён бўлади. Санъат обьекти бўлиб бу гун ижтимоий ҳаёт ўзининг хилма хил кўрининшлари билан майдонга чиқади, унда кишиларнинг юриш туриши марказий ўрин тутади.

Санъат жуда қадим замонлардан, меҳнат тараққиёти натижасида намоён бўлган. Меҳнат жараёнида инсон тафаккури камол топди, гўзаллик кулагиллик ва фойдалилик тушунчалари кенгайди. Синфий жамият вужудга келиши билан эса ижтимоий тараққиётда катта ўзгаришлар содир бўлди: ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажralиб чиқа бошлади. Бу эса фан ва санъат ривожида муҳим аҳамият касб этади. Профессионал санъат ва санъаткорлар шу даврда пайдо бўлди. Санъат эса ўзининг специфик

хусусиятини, синфийлигини намоён этиб, хукмрон синфининг идиалогиясини таргиг этувчи кучли тоявий куролга айланди, лекин шунга қарамай омма орасида стишиб чиқкан истеълодли ижодкорлар меҳнаткаш ҳалқ оммасиниг орзу - истаклари, уларнинг гўзаллик ва худбинлик, олийжаноблик ва инсонпарварлик ҳақидаги тулпунчларини ифода этувчи асарлар яратди. Ҳалкнинг турмуши ҳулқ ва одатлари, ютуқ ва маглубиятлари уларнинг асарларида ўз ифодасини топди. Ҳар бир даврда мавжуд бўлган ана шундай санъат ҳаёт гўзалликларини тасвирлаб, одамларда юксак хислат ва фазилатларини камол топтириди, уларни тенглик, озодлик, биродарлик, ёркин келажакка инилиш йўлидаги курашга даъват этди.

Санъат тарихий тараккиёт жараённида ҳамиша ижтимоий эҳтиёжларпи кондириб келган. Санъат ижтимоий ҳаётнинг мураккаб, рангоранг муносабатлари билан алоқадор бўлиб, у бир вакғнинг ўзида ҳам меҳнатнинг алоҳида тури, ҳам ижтимоий ишлаб чиқаришнинг маҳсус соҳаси, ижтимоий онгнинг бир шакли, ўзига хос билим соҳаси, ижодий фаoliятнинг бир куриниши сифатида амал қилинади.

Санъат биринчи навбатда ижтимоий онг шаклидир, унинг бошқа барча тасвифлари ана шу сифагидан келиб чиқади ва шу тахлилга асосланади.

Санъат ижтимоий туркум жараёнлари билан боғлик. Буни қадимги одамларнинг моддий ва маънавий бойликлар яратишда яна ўзларига маъқул, ўзларига хуш келадиган нарсалар яратишга бўлган иштиёкларида яккот кўзга ташланади. Ижтимоий турмуш санъатнинг ривожланишига бевосита тасъир ўтказа борди, кейинчалик эса ижтимоий тузилмалар фалсафий диний - сиёсий қарашлар, аҳлоқий қонидалар, маънавий қадриятлар оркали ҳам тасъир ўтказиб борди.

Санъат ижтимоий ҳаётнинг мустақил бир соҳаси бўлиб ўзига хос конуниятлари, вазифаларига кўра у алоҳида жамият бирлигини ифодалайди. Санъат жамиятнинг барча томонларига тасъир ўтказади, ижтимоий онгнинг барча шакллари билан алоқага киришади, ҳаётнинг турли жабхаларida одамлар фаoliят олиб боришиларини рагбатлантиради.

Санъат билан ижтимоий ҳаётни боғлаб турадиган жуда кўп воситачи ҳалқалар мавжуд. Ҳар қандай бадиий ходиса – муайян асар, услубий йўналиш бўлсин, улар вужудга келиши ва ривожланишида диний, аҳлоқий амалларнинг тасъир кучи даражаси билан белгиланади, баҳоланади, ўлчанади.

Санъатнинг тараккиёти ёки таназзули, унинг у ёки бу тури кўринишинин ёркин ифода топиши аник ижтимоий муносабатлар табиатига, муайян гурухий кучлар нисбатига, мағкуравий ҳаёт хусусиятларига, жамиятда шахс эгаллаб турган макомига боғлиқдир.

Санъатнинг жамият ҳаётида нисбий мустақил амал қилиши ворисийлик конуниятининг намоён бўлиши билан боғлик. Ворисийлик факат санъатга хос

бұлған ходиса эмас. У ижтимоий онгнинг ҳамма шаклларига тааъллукладыр. Ворисийлик жамият мөддий асоси билан бөглиқ бұлған сиёсий ва ҳукукий онг сохаларыда күпроқ намоён бўлади.

4. Санъат бадиий асар йигинди бўлиб, уларда воқеани бадиий инкор этиш – бадиий услуг , бадиий усул эса бадиий ижодий қонунлар асосида рўй беради. Усул тушунчаси услуг тушунчасидан анча олдин пайдо бўлған. Бадиий услуг мазмуни билан таркибий бирликка эга ҳамда муайян шакл кисмлар бирлиги ва ишбий мўтъадиллигини такозо этади услуг тушунчаси шакл ва мазмун ички боғликлиги билан ҳам изоҳланади. Услуб шакл ва мазмун оркали намоён бўлар экан, у бирор ижод усулини танлаб олади. Бадиий услуг ижод усулидан мустасно тарзда амал килолмаганидек, ижод усули ҳам бадиий услубсиз ифода топа олмайди.

Ижод усули – воқейликни бадиий баҳолаш ва умумлаштириш коидалари, бадиий услуг эса шакл яратиш коидалари йигинди бўлиб, бадиий услуг чохиятини англанаш учун ижодий усул ҳусусиятларини тушуниб олиш зарурати пайдо бўлади. Гашқи ва ички нафосат ҳамоҳанглии месъёр туйғусининг бехатолиги, яхлитликнинг тугаллиги каби бадиий усульнинг туб белгилари ҳисобланади.

Услуб мустакил мақомга эга бўлсада, муайян ижодий усулдан келиб чиқади. Битта усул бир неча усуллар оркали ифода топади. Навойи, Машраб, Қодирий, Ойбек, Чўлпон, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов кабилар ҳизмати хил бадиий услуг сохибларининг асарлари бунга мисол бўлади.

Бадиий услуг тушунчаси бирон бадиий асарга, ёки бир ижодкор ижодига у ёки бу жанрига нисбатан кўлланилиши мумкин.

Бадиий усульнинг асосий шакли сифатида якка услуг ва муаллф услуби кўпроқ ўрин эгаллаб бормоқда.

«Якка услуг» «Умумий услуг» дан ажралмаган холда намоён бўлади. У ёки бу умумий услуг – жанр ҳусусиятларига хос белгиларни энг истеъоддли санъаткорлар ижодларини таҳлил килиш жараённада қўриш мумкин. «Якка услуг»да бадиий тил, оҳанг, вазн, бадиий тузйлма ва оҳанг бирлиги билан белгиланади. Санъаткор бадиий услуби томошибин, ўкувчи, эшитувчи мустакил фикрлашга йўналтириш, унда бетакрор замк шавк уйғотишдир. Муаллиф фикри равшан, равон ифодаланса услуг ҳам сайкал топиб боради.

Бадиий усул тушунчаси кенг маънода ижод йўллари ва воситалари тизимини англатади. Бадиий усул санъаткор воқейликни ифодали тасвир воситалари ёрдамида умумлаштирилиши, баҳолаши жараённада асосланадиган ғоявий – эстетик коидалари мажмуудидир. Бадиий усул тарихий мазмунга эга бўлиб, санъат турларининг бадиий ижод йўналишлари билан бөглиқдир. «Бадиий усул» ва «Бадиий ижод йўналишлари» тушунчалари бир – бирига шу қадар яқинки, баъзан уларнинг чегаралари кўзга ташланмайди. Санъат

тариҳида классицизм, романтизим, танқидий реализм, янги реализм каби бадиий йўналишлари айни вактда худди шундай бадиий усул турлари мавжуд бўлишини тақозо ғади.

Романтизм ижодий усул – йўналиши Франция инқилобидан кейин ижтимоий сиёсий ва маънавий ҳаётда содир бўлган туб ўзгаришлардан сўнг вужудга келди. Романтизм мөҳиятини буржуа вокелиги юзага келтирган ярамас, гайриинсоний ақидаларни рад килиб, унинг ўрнига инсон кадр - кимматини ўрнатиш ташкил этади.

XIX – XX аср биринчи ярмида бадиий ижоднинг танқидий реализм усул – йўналиши санъат турларининг деярли барча жабхаларида кенг ва теран намоён бўлди. Мазкур усул – йўналишнинг қарор топиши жараёни мураккаб ва зиддиятли тарзда содир бўлди, унинг давомида аввалги санъат соҳиблари етиша олмаган эстетик воситалар янгича сайқал топди.

Эстетик орзу билан ҳаёт ҳакиқатининг монанд келиши реализмнинг барча шаклларига хос ир. Реалист санъаткорлар ўз эстетик орзуарини ҳаёт ҳакиқати орқали қарор топтирадилар, улар ижодида нафосат ва ҳакиқат бир – бири билан қовушиб кетади.

Санъат турлари санъатга хос бўлган умумий белгиларга эга бўлган ҳолда уларнинг ҳар бири: адабиёт, меъморчилик, мусика, тасвирий санъат ва шу кабилар ўзиға хос кўринишда намоён бўлади.

Санъат турлари ўз тасвирий – ифодали воситалари тизимиға эга. Адабиётда сўз, тасвирий санъатда – ранг, ёргулк, чизик, нур – соя ; мусикада – оҳанг, маком, вазн ; хайкалтарошлиқда – ҳажм, ўлчам ; меъморчиликда – мутаносиблик тизимиға амал килинади.

Санъат турлари бир – бирининг ўрнини боса олмайди : уларнинг ҳар бири мустақил ўзига хос нодир ва бетакрор бўлиб, вокеликнинг бир томонини акс эттиради.

Бадиий ижод турларини хилма - хиллиги, улар ўргасидаги умумийлик ва хусусийлик уларни туркумлаш заруриятини туғдиради – туркумлаш санъат конуниятиларни билишининг ва уни ўрганишининг мухим воситаси бўлиб хизмат килади. Санъатни ҳозир фазоли, вактли, фазоли – вактли кўринишлар. бўлиб ўрганиш таомилга кирган. Фазоли кўринишларига – тасвирий санъат; хайкалтарошлиқ, чизики расм, амалий санъат ва меъморчилик; Вактли кўринишларга – бадиий адабиёт ва мусика; Фазоли – вактли кўринишларга – театр, кино «ойна жаҳон» киради.

Санъат ходисаларининг аниқ туйгули қиёфасини акс эттириши ёки акс эттираслигига қараб тасвирили ва тасвирили бўлмаган кўринишларга ҳам эгадир. Тасвирили санъат ва хайкалтарошлиқда ҳаёт манзаралари вокеликнинг хис – туйгули қиёфасини яратиш орқали намоён бўлса, адабиёт ва мусикада

ҳаёт манзаралари фикрлар ва туйгулар оқимини умумлаштириш асосида акс эттирилади.

Санъат турлари идрок этиш жиҳатидан ҳам ҳар хил кўринишларга бўлинади, улар кўз билан кўриладиган асар бўлиб, томошали санъат турлари деб аталади. Уларга тасвирий санъат, хайкалтарошлиқ, меъморчилик, бадий фото асарлари киради. Театр санъати ҳам томошали, ҳам эшигиладиган санъат туридир.

5. Буюк адабимиз Абдулла Авлонийнинг тарбия ҳақидаги «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё фалокат, ё саодат, ё ҳалокат масаласидур» деган фикрлари тарбиянинг жамият инсоният ҳаётида нечоғлик аҳамият қасб этишининг исботидир. Таълим - тарбиянинг бошка шакллари сингари эстетик тарбия ҳам шахсни, бирор бир ижтимоий гурухни, миллатни тарбиялашда ўрни бекиёсдир. Эстетик тарбия ҳам аждодлардан авлодларга мерос бўлиб келаётган умуминсоний ва миллий кадриятлар ҳамда анъаналарини карор топтирипга, уларни юксалтиришга хизмат киласди.

Эстетик тарбия кишиларда воқеликдаги ва санъатдаги гўзалликни идрок этиш, тушуниш ва қадрига этиш қобилиятини тарбиялаштирилди.

Бизга маълумки, ҳар кандай тарбия инсон онгита, хис - туйгуларига, ҳатти - харакатларига, хулк - авторига, эътиқодига, дунёкарашига таъсири ўтказишни ўз олдига мақсад ва вазифа килиб кўяди.

Кадимги дунёда тарбия мақсади эстетик асосида намоён бўлган. Масалан, кадимги Юноностонда эстетик тарбия мақсади фуқароларни ҳар томонлама камол топишида «Рух ва бадан» ҳамоҳанглигини карор топтиришга йўналтирган эди. «Бадан руҳнинг кобиги качонки руҳ баданин тарк этса бадан ўлади. Руҳни эстетик тарбиялаш зарурлиги таъкидланади.

Анттик давр файласуфлари Афлотун ва Арасту каби мутафаккирлар эстетик тарбия ҳақидаги таъминотларida шахсни эстетик тарбия асосида шакллантиришда эстетик тарбия тизимининг ўрта асрлар шарки ва Овропада эстетик тарбия илоҳий куч - курдат манбай бўлган Аллоҳга эътиқод қилиш ва «бу дунё» ўткинчи арзимас эканлигини инсон шахсига сингдиришини ўз олдига мақсад килиб кўйган эди. Эстетик тарбия ғояларининг илоҳий ва дунёвий моҳиятини кучайтиришга интилиш ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас, зеро, эстетик тарбияда илоҳийлик одамлар меҳнати ва майший ҳаёти билан чамбарчас боғланиб, яъни дунёвийлик билан кўшилиб кетган эди.

Шарқда исломда эстетик тарбия гўзаллик билан боғланиб ўрганилган. Айниқса, сўфийларда Аллоҳ унинг гўзаллиги, ягоналиги, ҳақлиги, илоҳий ва дунёвий ҳаёт гўзаллиги хис қилиш, англаш биринчи ўринда турган. Аллоҳ жамоли, гўзаллиги, зуҳури ҳар нарсада акс этиб туради.

«Аллох гўзалдир. Шунинг учун у гўзаликни севади». Энг хунук нарсада, маъжудодда ҳам гўзаликни кўра олиш керак. Чунки гўзалик эстетик тарбиянинг асосини ташкил этади.

Эстетик тарбия муаммоларига доимий ва жиддий эътибор инсонни куршаб олган борликдаги гўзаликка ёшлар ва эркин фикрлайдиган ҳар кандай нарсада гўзаликни қашф эта оладиган шахсни тарбиялаши тизимишининг ўзига хос асосий хусусиятларидан биридир.

Эстетик тарбиянинг асосий максади ҳар томонлама уйғун тараккийпарвар юксак ахлоқли, меҳнатга ва ижодга берилган ҳаёт гўзалигига ва санъатни тушунадиган шахсларни тарбиялашга хизмат киласди.

Адабиёт ва санъат билан узок вакт жиддий мулокот натижасида шахснинг аввало санъат асарининг образли эмоционал мазмунидан баҳраманл буладиган жиҳатлари эстетик хиссийёт эктиёжлар, муносабатлар, шунингдек уни барча жиҳатлари шахсий ва ижтимоий тушунчларни, дунёкарапи ҳам такомиллашади. Гўзаликни хис килиш уни тушуниш қобилиятида тарбиялаш эстетик тарбиянинг асосий максади ҳисобланади.

Хозирги кунда эстетик тарбиянинг асосий вазифаси ҳар томонлама ривожланган ўзида маънавий бойлик (юксак ривожланган маънавий, амалий, назарий эстетик қобилиятларни) ахлоқий поклик ва жисмоний камолотни мужассамлаштирган шахсни шакллантириш, ҳаёт, адабиёт ва санъатга эстетик муносабатни, уларга юксак талабчанлик ҳамда объектив баҳолай олиш қобилиятини тарбиялашдан иборат.

Мамлакатимиз табиатидаги, теваарик атрофдаги гўзаликларни муносабат ва фандаги гўзаликларни англаш, жисмоний камол топиш ҳам эстетик тарбиянинг асосий воситаларидан ҳисобланади.

Эстетик тарбия шахсининг шаклланишида катта ва ҳар томонлама таъсир қурсатади. Энг аввало санъат асарини идрок этиш тажрибаси ижодий образли тафаккур ривожланишида ёрдам беради.

Авваллари эстетик тарбия ўта тор ва бир томонлама талкин килинар, яъни уни санъат асарларини тўғри идрок этиш бу билан алоҳида лаззатланиш ёки бирор санъат турини билиб олиш муайян бадиий кўнималарга эга бўлиш доирасида инъикос этирган эди. Баъзан эстетик тарбияга одамларда юксак эстетик дид, фаросатни шакллантириш сифатида каратилган эди. Буларнинг барчаси эстетик тарбиянинг максадлари ва вазифалари доирасига киради. Бадиий тарбия эстетик тарбиянинг таркибий кисми бўлиб, у эстетик тарбиянинг максад йўналишларини тўла ифодаламайди. Бадиий тарбиянинг асосий максади муносабатларни санъат воситаларida, ёрдамида шакллантиришдир. Эстетик тарбия факат санъат билан чегараланиб колмайди, балки унинг асосий мазмунини инсоннинг

вокеликка эстетик муносабагини фаоллантириш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Эстетик муносабат ҳаётга иетсъмолчилик назари билан қарашдан халос бўлиш, дунёга кені ва холис қараш, одамларда, табиат воеа - ходисаларида, нарсаларда, энг аввало жамият, инсоният тараққиёти учун хизмат киладига: ижтимоий аҳамияти бўлган фазилатларини кўра олиш кобилиягини тарбиялайди.

Эстетик тарбия инсоннинг эстетик онгни шакллантириш жараённада уни ахлоқий, меҳнат экологик жиҳатлардан хам тарбияланн вазифаларини камраб олади. Эстетик тарбиянинг ахлоқий тарбияга таъсири шундаки, нафосат олами эзгулик ва яхшилиқдан, бегаразлиқдан ажралмаган холда амал киласди. Эстетик тарбиянинг меҳнат тарбияси билан бирлашиб кетиши асоси шундаки, меҳнат жараёни шахснинг табиий эҳтиёжига айланниб боришида ўз ифодасини топади.

Эстетик тарбия билан экологик тарбия боғлиқини эса табиатта бетараз, инсоний муносабатда бўлишда, жамият билан табиат ўрганирида хамоҳанг алоқадорлик муносабатларини ўрнатишда намоён бўлади.

Эстетик тарбиянинг эстетик онгни шакллантириш мақсади ва вазифаси кўпроқ ёш авлодга тааллукли эстетик онгни шакллантириш демакдир. Эстетик томонсиз дунёкарои чала, бирёзлама бўлиб колиши турган гап, эстетик дунёкарош фалсафий, ахлоқий ва бошқа дунёкарош соҳаларидан баҳраманд бўлиб, ўз навбатида уларни хам бойитиб туради.

Муайян жамиятда ижтимоий қарама - қаршиликлар заифлашиб, ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат карор топиб боргани сари одамларнинг эстетик тарбия олишлари учун зарур бўлган муайян ижтимоий - сиёсий ва маънавий - ахлоқий шарг - шароитлар вужудга келади. Моддий - иқтисодий ва умуммаънавий имкониятлар кенгайиб кашшоқлик ва саводсизлик батамом тутатилсагина, жамият ҳаётида эстетик тарбия мухим омил бўлиб хизмат киласди.

Ўзбекистон мустакил давлат сифатида карор топаётган хозирги пайтда эстетик тарбиянинг аҳамияти янада ортиб бормоқда.

Биринчидан, мустакиллик шароитида инсон омилиниң ортиб бориши учун шарт-шароитлар вужудга келяпти, ҳаётнинг барча жабҳаларида фаолият кўрсатаётган одамларнинг эзгу хислат ва фазилатлари, онглилиги, фаоллиги, ижодий яратувчи кобилияtlари сезилиб турибди.

Иккинчидан, Ўзбекистон ахолисининг аксарият кўпчилигининг умумий маданияти юксалиб бориши жараёнида янги техника ва технологиялар, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш иши гобора такомиллашиб бораяпти.

Учинчидан, янги ишлаб чиқариш муносабатларининг, бозор иктисодиётининг кенг ўрин эгаллаб бораётганлиги, конунчиликнинг кенг тарзда ривожланиб амал килаётганлиги, фукароларнин умумий маданияти, айниқса, эстетик маданияти даражасининг хам юксалиб боришини тақозо этади.

Тўргинчидан, хозирги давр миллий техник инқилоби шароитида электроника, автоматика, кбернетика, информатика каби фанлар ишлаб чиқиш соҳасини тубдан қайта куришга имконият яратиб берилганди.

Бу хам ишлаб чиқища банд бўлган одамларнинг рхий ҳолатини тубдан ўзгаришини қасбкорда ижтимоий-рухий ва аҳлоқий эстетик ҳолатни вужудга келишини тақозо этади.

Бешинчидан, Радиода, кинода, айниқса, оинаи жаҳон каби ахборот воситаларининг турмушдан кенг ўрин олиши натижасида бадий ахборот ҳажмининг хам кескин оргиб бориши эстетик тарбия аҳамиятининг тез суратларда ўсишини таъминлади.

Мустакил жамиятимиз кишилари жаҳон андозаларига мос келадиган ва ўз миллий хусусиятларини асос қилиб олган янги ҳуқуқий демократик жамият мағфураси принципларига амал қиласидилар. Шуро мағфурасидан хам миллий маҳдудлик, юзакилик, тенгсизлик каби аҳлоқий-ижтимоий иллатлардан кутилиш бутунлай янги жамиятни куришга ўзини бағишилаш, исгиклол яратган инсоннинг энг зарур ва энг гўзал инсоний бурчи бўлиб келди. Ҳар бир кишининг жамоа олдидаги жавобгарлиги ҳамда жамоанинг хар бир аъзо учун жавобгарлиги турмуш тарзимиз асоси бўлади.

5-мавзу: Мантиқ фанининг предмети Мантиқ фанининг шаклланиши ва ривожланиши. Ўрта асрларда Ўрта Осиёда мантиқ фанининг ривожланиши

Режа:

1. Мантиқ фанининг максади ва вазифаси
2. Мантиқ фанининг тараққиёт босқичлари.
3. Билиш ва унинг асосий турлари
4. Мантиқ конулари.

Мавзуга оид таянч тушунчалар: билиш, ҳиссий билиш, ақлий билиш, сезги, идрок, тасаввур, тафаккур шакли, гафаккур конуни, формал мантиқ, диалектик мантиқ, математик мантиқ, конун, айният конуни, нозидлик конуни, учинчиси истисно конуни, етарли асос конуни.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. **Буюк ва мұқаддассан, мұстакил Ватан.** Ўзбекистоннинг 20 йиллик мұстакил тараккиёт йўлида кўлға киритган ютук ва натижалари, мамлакатимизнинг салоҳияти ва кудрати, туб ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш, жойларда ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар, тарбибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш учун мўлжалланган илмий-оммабоп нашр. – Т.: «Иктисадиёт», 2011.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2010.
3. И.А.Каримов. 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг кўшма мажлисидағы “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маъruzаси.-“Халқ сўзи” газетаси 2010 йил 13 ноябрь.
4. И.А.Каримов Юксак маънавият - енгилмас куч. Тошкент. Маънавият. 2008.
5. С.И. Валиева, А.И. Боботоев . Мантиқ.-Т., 2011
6. М.Шарипов, Д.Файзиходжаева .Мантиқ.Т..2001
7. Войшилло Е. К., Дегтярев М.Г. Логика. – М., 1999.
8. Гетманова А.Д. Логика. – М., 1995.
9. Ёқубов Т. Математик мантиқ элементлари. – Т.: “Ўқитувчи”, 1996.
10. Ивлев Ю. В. Логика Учебник для вузов. – М.: Логос, 1998.

1. «Мантиқ» тушунчаси уч хил маънода кўлланади: биринчидан, у объектив реаллукдаги нарса ва ҳодисалар орасидаги энг умумий, зарурий, қонуний алоқадорликлар маъносида («далиллар мантиғи», «тарихий тараккиёт мантиғи»...); иккинчидан, фикрлар алоқадорлиги ва тараққиёти маъносида («фикраш мантиғи», «тафаккур мантиғи»...); учинчидан, тафаккур тўғрисидаги фан маъносида («Мантиқ фани»). Биз «мантиқ» деганда, унинг сўнгги кўрсатилган маъносини назарда тутамиз. Мантиқ тафаккур тўғрисидаги фан бўлиб ҳисобланади.

«Логика» грекча «logike» сўзидан олинган бўлиб, “сўз”, “фикр”, “акл” маъноларини ифодалайди. Яқин ва Ўрта Шарқда бу фан «мантиқ» деб аталади. «Мантиқ» арабча сўздан олинган бўлиб, сўз, фикр, деган маънони ифодалайди.

Мантиқнинг ўрганиш обьекти тафаккур ҳисобланади. Мантиқ бошқа фанлардан фарқли ўларок тафаккурни оламни билиш усули сифатида ўрганади. Мантиқ фани тафаккур шакллари, усуллари ва қонунлари тўғрисида баҳс юритади.

Мантиқ оламни билиш усули сифатида абстракт тафаккур ва унинг шакллари (тушунча, мушоҳада ва хуносаси), шунингдек, тафаккур

жараёнида оламнинг инсон онгига акс этиш қонунлари (айният, зиддиятлик, учинчиси истисно, егарли асос)ни ўрганади.

Хозирги замон мантиқ фани таркибига диалектик ва формал (нақлий) мантиқ киради. Диалектик ва формал мантиқ, асосида илмий билиш мантиги шакланади.

Мантиқ илми тараккиётини икки боскичга бўлиб ўрганиш мумкни:

1) Аристотель асарларидан бошланган анъанавий ёки классик мантиқ; Бу формал мантиқ деб юритилади.

2) Математик (символик) мантиқ. Хозирги даврда мантиқ фанининг турли-туман йўналишлари мавжуд: интуитив мантиқ, конструктив мантиқ, кўп белгили (многозначная) мантиқ, модал мантиқ, релевант мантиқ ва х.к.

Мантиқ фанининг ўзига хос томони шундан иборатки, олам ҳакида олинган ахборотларни тафаккур конун-коидалари асосида қайта ишлаш оркаси янги билим хосил бўлади.

Мантикий шаклар. Конун-коидалар умуминсоний характеристга эга. Бунинг маъноси шундан иборатки, инсон қайси тилда сўзлаши, фикр юритишидан катъий назар, барча учун умумий хисобланган мантиқ талабларига, конун-коидаларига амал қилиши зарур. Ана шу шартга риоя килиш олам ҳакила ҳакконий билим хосил қилишга имкон беради. Мантикий тафаккур шакллари деганда, фикрининг тузилиши, унинг гаркибий кисмларининг бир-бира билан алокадорлиги назарда тутилади. Табиий тилда фикрлаш уч шаклда намоён бўлади: 1) тушунча; 2) муноҳада; 3) хулоса. Тафаккурнинг юкорида кўрсатилган ҳар бир шакли бошқасидан ўзига хос хусусиятларига кўра фарқланади: тушунча оламдаги предмет ва ходисаларининг инсон онгидаги фикрий ифодасидир. Масалан: шамол, Марказий Осиё минтақаси.

Муноҳада (хукм)да предметлар, ходисалар, муносабатлар ҳакида нимадир тасдиқланади ёки инкор этилади. Масалан: Айрим соналар жуфт сонлардир. Айрим дарёларнинг суви лойка эмас.

Хулоса – мантикий тафаккур шакли бўлиб, бир ёки бир иecha фикр устидаги мантикий операция бўлиб, у янги фикр (билим)нинг хосил бўлишига имкон яратади.

Инсон фикр юритиш жараёнида анализ, синтез, индукция, дедукция, аналогия, абстрактлаштириш, умумлаштириш каби мантикий усуллардан фойдаланади.

Инсон тафаккури муайян қонунларга бўйсунади. Мантиқ қонунлари тўгри фикрлаш қонунлари хисобланади. Бу қонунларга: 1) айният; 2) зиддиятлилик; 3) учинчиси истисно; 4) егарли асос қонунлари киради.

2. Мантиқ фани кадимдан пайдо бўлган. Мантиқнинг шаклланиши фалсафий илмларнинг шаклланиши билан бевосита боғлик. Мантиқ

фанининг тарихий ривожланиш боскичлари деганда, куйидагилар назарда тутилади:

1. Қадимги дунёда мантиқ фанининг тараққиёті.
2. Үрта асрларда мантиқ фалиппинг тараққиёті.
3. Европада, яғни даврда мантиқ фанининг тараққиёті.
4. Мантиқ илмининг хозирғи тараққиёт боскичи.

Мантиқ илмининг шаклланиши тұғрисидаги маълумотлар шундан далолат берады, унинг дастлабки илдизлери Хитой, Хиндистан, Юнонистон ва дунёning бошқа мамлакатларыда пайдо бүлган. Мантиқ дастлаб Хиндистанда эрамиздан илгариги иккинчи минг йиликларда шаклдана бошлаган. Эрамиздинг бошларыда Хиндистанда мантиқ илми мустақил фан сифатида шаклданы. VII асрга мансуб машхур мантикунос Дхармакиртинг мантиққа оид ёзіб колдирған рисолалари («Мантиқ томчилары» - дарслік, «Мантикий асос тұғрисида кискача дарслік», «Мантикий алоқалар тұғрисида и тадқиқотлар», «Библияның ҳақиқатлигі тұғрисида») шундан далолат беради.

Эрамиздан аввалғи V-IV асрларда қадимги Юнонистонда мантиқ мустақил фан сифатида шаклданған. Юнон файласуфи Демокрит (эр.ав. 460-370 йиллар) ўз асарларыда «Логос» терминини құллады ва «логос»ни умуман дунёни ва уни билишнинг асоси сифагида талқын этди. Сүкрот мантикий усууллар ҳақида фикр юритди. Афлотун үзининг бир катар диалогларыда («Федон», «Театет», «Софист») мантиқи шакллар тұғрисидаги карашларни баён этади.

Мантиқ тарихіга оид адабиётларда Аристотелгача ҳам мантиқ илми ривожланғанлығы ҳақида маълумотлар бор. Софистларнинг мантиққа оид карашлари бунга мисол бўла олади. Софистлар ўта сўзамол, ширинсухан, донишмандлар бўлишган ва ёшларда сўз санъати, исбог ва радия маҳоратини тарбиялашган.

Мантиқ фанининг алохіда илм соҳаси сифатида шаклланиши буюк юнон файласуфи, мутафаккир Аристотель номи билан бевосита болглик.

Аристотель (эр.ав. 384-322) ўзидан аввалги олимларнинг мантиқ соҳасидаги фикрларини умумлаштириди ва ривожлантириди, мантиқ фанини алохіда фан сифатида тавсифлаб берди. Аристотелнинг мантиққа оид асарлари «Органон» деб номланади. Унинг таркибига кирган «Категориялар тұғрисида», «Талқын тұғрисида», «Биринчи аналитика», «Иккінчи аналитика», «Топика», «Софистик раддиялар тұғрисида» каби рисолаларыда мантиқ илми тұғрисидаги фикрлар баён этилган.

Аристотель «Категориялар тұғрисида»ги рисоласида тушунчалар тұғрисидаги таълимтоти, «Биринчи аналитика»да хулоса чиқариш усууллари - силлогизмлар назариясими, «Иккінчи аналитика»да илмий исботлашнинг асосий

тамойилларини ёритди. Аристотелдан сўнг мантиқ кадими Юнонистонда Стоя мактаби вакиллари Зенон, Хрисипп, ва бошкалар томонидан ривожлантирилди. Мантиқ дастлаб амалий аҳамиятга эга бўлан фан сифатида нотиклиқ санъати билан боғлик равишда шаклланди ва ривожланди.

Қадимдан то XIX асрнинг ўрталарига қадар Аристотель томонидан асослаб берилган мантиқ «Формал мантиқ», «Классик мантиқ», «Традицион мантиқ» номлари билан аталди.

Ўрта Осиё мутафаккирлари ижодига доир илмий манбаларда мантиқ илми буюқ олимлар Мұхаммад ал-Хоразмий, Мұхаммад Ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ Ал-Хоразмий, Мир Сайд Журжонийлар томонидан ривожлантирилганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Абу Абдуллоҳ Ал-Хоразмийнинг «Мафотих-ал-улум»и, («Илмлар қалити») ўзига хос қомусий асар бўлиб, ўз ичига ўша даврдаги деярли барча илм соҳаларини қамраб олган. Ушбу асарда фалсафа, мантиқ, тиб, илми-нужум, мусика фанларининг асослари берилган. Асарнинг иккинчи қисмига 9 бўбдан иборат мантиқ киристилган.

Мұхаммад ибн Мусо ал Хоразмий томонидан математик мантиқнинг асосий тушунчаси - алгоритм ишлаб чиқилган. Алгоритм тушунчаси жошли мушоҳадага асосланиб, миқдорлар орасидаги мураккаб муносабатларга оид мухим ҳусусиятни ажратиб олиш ва умумлаштириш маъносини ифодалайди. Аввал санокнинг ўзи, сўнг катъий, аниқ қоида асосида кўйилиган масалани охиригача ёчиб берувчи ҳар қандай ҳисоблаш тизими, алгоритм деб аталади. Мантиқ фани ўрта асрларда Ал-Киндий, Закариё ар Розий, Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино каби Ўрта Осиё мугафаккирлари томонидан ишлаб чиқилди ва ривожлантирилди.

Бизгача етиб келган адабиётларда Абу Наср Форобий ва Абу Али Ибн Синонинг мантиқ илмидаги муваффақиятлари алоҳида таъкидланган.

Абу Наср Форобий (873-950 йиллар) мантиқ илми тараққиётiga қатта хисса қўшган буюқ мутафаккирdir. У аввало қадимги Юнон фалсафаси ва мантигини, Аристотелининг илмий ижодини чукур ўрганиди.

Форобий мантиқка оид «Исогувчи», «Маъкулот» (Категория), «Ибора», «Қиёс», «Бурхон», «Жадал», «Сафсата», «Хитоба», «Шеър» деб номланган 9 рисолани яратди. Булардан ташкари «Мантиқ илмига кириш», «Ақл ҳақида» «Силлогизм» каби рисолаларни ёзди. Форобий мантиқни «тўғри фикрни амалга ошириш, ҳақиқатни кўлга киритиш санъати» - деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, мантиқ шундай бир санъатки, у ҳар доим одам нотикликларда адашиб коладиган бўлса, тўғри фикрлашга олиб келувчи ва ақл ёрдамида бирон-бир хуроса килинадиган бўлса, хатолардан асрорчи масалаларни ўз ичига олади.

Абу Наср Форобий мантикни тафаккур түғрисидаги фан, деб биљди. Унинг таълимогича, тафаккур ҳақиқатни билишга хизмат қиласи ва бу йўлда у турли мантикий шакл ва усуllibар: тушунча, ҳукм, ҳулоса чикариш, исботлаш кабилардан фойдаланади. «Мантик - деб ёзди Форобий, - фалсафанинг у ёки бу қисмларида қўлланган холларда назарий ва амалий санъатларни кампраг олувчи ҳақиқатни кўлга киритиш асбобидир». Форобий-мантикнинг асосий тушунчалари, бўлимларини ишлаб чикишга катта хисса қўшиди. Унинг мантиқ билан грамматика, мантикий фикр билан нотиқлик (фикрини баён килиш) санъатининг боғлиқлиги түғрисидаги фикрлари диккатга сазовордир.

Форобий мантик (логика) илмини саккиз қисмга ажратди: 1) оддий иборалар - тушунчалар; 2) мураккаб иборалар - гап; 3) силлогизмлар – ҳулосалар. Мантикнинг колган бешта қисмини фикр юритишининг шакл ва усуllibariga каратади. Булар а) исботлаш (лалиллаш) усули; б) диалектика (ёки баҳолам) усули; в) софистик (ёки ёлғонни ҳақиқат килиб кўрсатишга карагилган) усул; г) нотиқлик; д) шеърият. Бу кўрсатилган усуllibар силлогистик санъатнинг турли хилдаги кўринишлари бўлиб исботлашга таянади, деб ҳисоблади буюк мутафаккир¹.

Мантиқшуносларнинг тан олишича, Форобий ҳақиқатан ҳам араб тилида ижод қилиган олимлар ичидаги биринчи бўлиб мантиққа оид йирик асарлар биттган.

Форобий таълимогида индуктив билиш усули, индуктив ҳулосалар ҳақида фикр юритилган, Унинг фикрича, дедуктив ҳулосалаш имконияти индуктив ҳулоса югувлари билан бойитилиши лозим.

Абу Али Ибн Сино (980-1037) Ал-Форобийнинг фалсафа ва мантиққа оид карашларини ривожлантириди. У мантиққа оид дастлабки билимларини устози Нотилийдан ўрганди. Абу Али Ибн Сино қаламига мансуб «Китоб-аш-шифо»нинг 9-бўлими мантикнинг муаммоларига бағишлиланган. (Булар «Ал-Мадҳал», «Ал-Мақулот», «Ал-Иборат», «Ал-Қиёс», «Ал-Бурхон», «Ал-Жадал», «Ал-Хитоба», «Аш-Шеър»). Шунингдек, унинг мантиқ соҳасидаги карашлари «Китоб-ал-нажот», «Китоб-ан-ишорат ва танbihot», «Донишнома» ва бошقا рисолаларида баён этилган.

Ибн Синонинг «Донишнома» асарида мантиқ илмининг тузилиши, қисмлари, тафаккурнинг шакллари, усуllibар, қоидалари, мантикий хатолар каби масалалар ёритилган.

Ибн Сино мантиқ деганда, тўғри фикр юритиш, хатолардан сакланиш қоидаларини, мъътум билимлардан номаълум билимга ўтиш йўлларини

¹ Абу Наср Форобий. Ихсо-ал-Улум, -Кохира, 1918, 60-68-бетлар.

күрсатадиган фанни тушунади. Унинг фикрича, амалий тафаккур хар доим мантиқка мухтоҷ, у мантиқ ёрдамида мукаммалликка эришади.

Гарбда мантиқ фани инглиз файласуфи Френсис Бэкон (1561-1625) томонидан ривожлангирилди. У ўзининг «Янги органон» асарида билишининг индуктив методини асослаб берди. У индукцияни билиш усули, деб каради.

Мантиқ масалалари янги даврда файласуфлар Ф.Декарт, Г.Лейбниц, И.Кант диккатини ўзига тортди. Машхур немис файласуфи Лейбниц (1646-1716) мантиқ илмининг тутган ўрнига алоҳида эътибор беради. У мантиқни бошка илмларни исботловчи, қашфиётлар методини ўрганувчи фан, деб таърифлади. Лейбниц мантиқнинг тўртинчи - етарли асос конунини асослаб берди.

XIX-XX асрдаги математика илмининг тараккиёти мантиқ илмининг янги йўналишларини келтириб чиқарди.

Джон Буль, О де Морган, Порэниий асарларида мантиқ илмida математика методларинин тадбик этилини масалалари ишлаб чиқилди, математик логика шаклланди.

1. Ҳозирда таркибий қисмларига формал ёки символик мантиқ.

2. Мантикий семиотика ва методология киради.

Мантиқ илмининг асосини символик ёки формал мантиқ ташкил этади.

3. Мантиқ инсон тафаккурининг шакллари, усуслари, конун-қоидалари тўғрисида баҳс юритадиган фандир. Инсон тафаккури мураккаб жараён. Бу жараённинг моҳияти, босқичлари фалсафий нұктай назардан талқин қилингандан шундай хуносага келиш мумкини, инсон томонидан оламнинг англаниши (билиш) бир-бирига ботглик бўлган икки босқични ўз ичига олади: оламни ҳис килиш йўли билан билиш; оламни ақл йўли билан билиш. Олам, ундаги предмет ва ҳодисаларни биз аввало сезгиларимиз ёрдамида биламиз. Оламдаги нарсаларнинг онгимиз таъсири натижасида сезгилар хосил бўлади. Сезгилар нарса ва ҳодисаларнинг алоҳида томонлари, ҳусусиятларининг инсон онгидаги инъикосидир. Инсоннинг олам ҳақидаги барча билимларининг биринчи ва дастлабки манбаи - сезги. Сезги туфайли инсон олам билан бояланади. Сезги ташки оламдаги предмет ва ҳодисалар, уларнинг ҳусусиятларини билиш имконини беради. Ҳиссий қабул қилишининг иккинчи шакли идрок бўлиб хисобланади. Оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг инсон онгидага акс этиши натижасида вужудга келган предметнинг яхлит образи - идрок ҳисобланади. Тасаввур - ҳиссий қабул қилишинин ўзига кос шакли. У акс этан предметнинг онгда из колдириши ёки образли хотира, деб ҳам юритилади. Тасаввур инсоннинг олам ҳақидаги билимларининг сакланиши ва мустаҳкамланишига хизмат килади, шу билан бир каторда нарса ва ҳодисаларни билишда муайян ўрин тутади. Тасаввур ҳиссий қабул қилишдан ақлий билишга ўтишда мухим боскич бўлиб хисобланади. Шундай килиб, сезги, идроқ, тасаввур оламни ҳиссий

билишнин асосий шаклларидир. Улар психологияннинг ўрганиш объекти бўлиб хисобланади.

Шуни алохила таъкидлаш жоизки, сезги, идрок, тасаввур инсон ақлий фаолияти билан чамбарчас алокадорликда вужудга келади. Бошкача килиб айтганда, хиссий тафаккур шакллари инсон акли томонидан бошқарилади ва назорат қилинади. Буни шундай тушунмоқ жоизки, хиссий билиш инсонда соғ, ақлий билишдан ажралган ҳолда мавжуд бўла олмайди. Хиссий ва мантикий билиш ўзаро бир-бири билан чамбарчас болгик, бири иккинчисини такозо этади. Хиссий билиш мантикий билишга ўтишнинг дастлабки зарурий боскичи, мантикий билиш эса, хиссий билиш натижаларининг инсон миясида қайта ишланиши оқибатида вужудга келади.

Тушунча - предмет, ҳодисалар, уларга хос хусусиятлар, муносабатларнинг ифодаси хисобланади. Масалан: «Тошкент» (нарса ифодаси), «Гўзалик» (белгини ифодалайди), «Тени» (муносабатни ифодалайди).

Мушоҳада (хукм) - предметлар билан хусусиятлар ўргасидаги алокадорликни ифодалайди. Хукм (мушоҳада) тушунчалардан ташкил топади. Мушоҳада предмет ёки ҳодиса ҳақида тасдиқ ва инкор шаклида баён этилган фикрdir. Масалан: Одамийлик - юксак ахлоқий фазилат.

Хулоса - и.нариғи билим асосида янги билим ҳосил қилининг мантикий усули хисобланади. Хулоса фикрлар бояланишидан келиб чиқади. Фикрларнинг бояланиши янги билимни ҳосил қилиш имконини беради. Улар оламдаги нарса ва ҳодисалар алокадорлигининг инсон онгидаги ифодасидир. Масалан, Металлар иссиқлик ўтказади. А)Мис - метали. Б)Демак, мис ҳам иссиқлик ўтказади. В) Бунда «А» ва «Б» фикрнинг бояланишидан янги В билим ҳосил бўлади.

Тўғри фикрлаш қонунлари тафаккур қонунлари деб юритилади. Тафаккур қонунлари инсоннинг тарихий тараққиёти ва билиш соҳасидаги таъкидаси асосида шаклланган. Тафаккур қонунларида инсонга хос фикрлар жараёнининг энг оддий, энг умумий хусусиятлари акс этган. Тафаккур қонунлари мухокама жараённада фикрлар орасидаги муносабатларга таалуқли бўлади. Фикрларнинг тўғри тузилганилиги ва улар орасидаги ички алокадорлик мантиқ қонунларида ўз ифодасини топади. Мантиқ қонунларига қўйиладигилар киради: 1) айният қонуни; 2) зиддиятсизлик қонуни; 3) мустасно қонуни; 4) етарли асос қонуни. Мантиқ қонунлари факат инсон фикрларигагина татбиқ этиладиган қонунлар хисобланади. Шунинг учун ҳам улар тафаккурнинг хусусий қонунлари, деб юритилади. Тафаккур қонунлари фикр - мухокамалар орасидаги энг умумий, зарурий, такрорланадиган, катъий, ички алокадорликларни ифодалайди ҳамда мантикий (яъни тўғри) фикр юритиш йўлларини кўрсатади. Айният,

зиддиятсизлик, учинчиси мустасно конунлари Аристотелнинг «Метафизика» асарида таърифлаб берилган. Етарли асос конуни немис файласуфи, математик Лейбниц томонидан асосланган.

Мантиқ қонунлари мантикий фикрлашнинг тўғри амалга ошишини таъминлайди.

Айният қонуни

Айният лотинча «*Zex identitatis*» сўзидан олинган бўлиб, айнан, ўхшашиб маъноларни беради. Айният қонуни моддий оламнинг муҳим томони, хусусиятини ифодалайди. Маълумки, олам ўзгариб, доимо ривожланиб туради. Ҳаракат - реалликнинг атрибути ҳисобланади. Лекин узлуксиз кечабетган бу жараёнлар (ҳаракат, ўзгариш, тараккиёт) нарса ва ҳодисалардаги вактинча сокинликни, мувозанатни инкор этмайди. Нисбий сокинлик, мувозанат мавжудликнинг муҳим томонини ташкил этади. Масалан: уй ер билан биргаликда соатига 1000 км тезликда ўз ўки атрофида ва секундига 36 км тезликда қуёш атрофида айланади. Уйнинг атомлари секундига ўнларча минг километр ҳаракатланади. Вакт ўтиши билан узлуксиз ҳаракат ҳеч нарсани қолдирмайди. Лекин маълум вакт мобайнинда нарсалар (масалан, уй) нисбий мувозанатда бўлади. Демак, ҳар бир нарса, ҳодиса қанчалик ўзгаришига учрамасин, унинг асосий хусусиятлари, сифати муайян вакт мобайнинда сакланиб колади. Айнан шу хусусият ўрганилаётган объектнинг бирлигини, айнанлигини, барқарорлигини ифодалайди ва бу нарса бизнинг фикримизда акс этади. Нарса ва ҳодисаларнинг сифати муайянлиги, барқарорлик уларни тадқик қилиш қонуниятларини очиш имкониятини беради.

Айният қонуни нарса ва ҳодисалардаги ўхшашлик, умумий томонларнинг фикрдаги ифодасига таянади. Олам турли-туман кўринишларга эга, ундаги нарса ва ҳодисалар ўзаро канча фарқланмасин умумийликка, аниклика эга. Шу умумийлик туфайли инсон уларни ўзаро бир-биридан фарклайди. Айният нарса ва ҳодисаларнинг маълум муносабатда ўхшашлигини, тенглигини ифодалайди. Масалан: (А)«Тошкент» «Ўзбекистоннинг пойтахти» (Б) тушунчаларини олайлик. Бу ҳар икки (А) ва (Б) тушунча бир маънони ифодалаяпти, бу тушунчалар айният қонунига бўйсунади.

Айният қонунига мувофик, муҳокама, баҳс, мунозара жараёнида ҳар бир фикр айнан бир маънода ишлатилмоғи лозим. Айният қонуни муҳокама жараёнида маълум вакт мобайнинда, маълум муносабатда тушунча - фикр ўз маъносини саклаб қолсин, деган талабни олдинга суради. Аниқ, равшан фикрлашнинг асосий шартлари дегандан уч нарса назарда тутилади. 1) объектнинг бирлиги, айнанлиги; 2) вактнинг айнанлиги; 3) муносабатнинг айнанлиги.

Формал мантиқда айният A-A дир. «A бўлмаган нарса A- эмасдир» тарзида ифодаланади. «Математик» мантиқда айният A→B тарзида

ифодаланади. Бунда→импликация белгиси, деб юритилади ва у А ва В орасида маълум муносабат (тентлик, айнанлик) борлигига ишора килади. Айният қонуни фанда, санъатда, хаётда кенг қўлланилади. Кишиларнинг олам хакидаги билимлари нарса ва ҳодисалардаги умумийлик (ўхшашлик)нинг ифодаси сифатида намоён бўлади. Тушунчалар, мухокамалар, хуласалар шу айниийлик, ўхшашликнинг ифодаси ҳисобланади. Биз нарса ва ҳодисаларнинг микдорий муайянлигини сонларда «бир», «икки», «уч»... деб, сифат ва хусусиятларни «чирийли», «яшил», «аклии»..., муносабатларини «катта», «кичию», «тент»... деб ифода этамиз; нарса ва ҳодисалар, уларнинг хоссалари, муносабатлари хакида мушоҳада киласиз. Фикрлар, мушоҳадалар орасидаги муносабатларни аниқлаш орқали илгариги билимлар асосида, янги билимлар хосил киласиз. Буларнинг ҳаммаси нарса ва ҳодисалардаги муайянлик, доимийлик, барқарорликнинг инсон онгидаги ифодасидан ўзга нарса эмас. Илмий изланишида айният қонунини билиш мухим аҳамият касб этади. Фанларда айнанлик, ўхшашлик ўзига хос ифодаланади, масалан, математикадаги тентлик, эквивалентлик, алгоритмлар, ҳозирги ўзбек тилидаги маънодош (эквивалент) сўзлар, кимёдаги кимёвий элементлар, атом оғриликларидағи айнанлик, ўхшашлик ва хоказо.

Илмий изланиш нарса ва ҳодисалар моҳияти, ички қонуниятини аниқлаш мақсадида олиб борилади. Бу эса ўз навбатида нарса ва ҳодисаларнинг сифат муайянлиги, нарсалар орасидаги барқарор муносабатларни барқарор фикрлар (тушунча, мухокама) орқали ифодалашни таказо этади. Қонуниятлар бир нарса, бир обьектга эмас, балки умумга (нарсалар туркүмларига), бир қатор обьектларга таалукли бўлади, ҳамда улардаги умумийлик, ўхшашлик, айнанлик томонларини ўрганиш орқали очилади.

Айният қонуни илмий муаммо доирасида олиб бориладиган илмий муносараларда кенг қўлланилади. Бунда илмий муносаранинг муваффақияти қўп жиҳатдан мантикий фикрлаш даражасига, мухокама этилаётган нарсалар доирасини аниқ белгилашга, мухокама асосини тўғри аниқлашга боғлиқ бўлади.

Айният қонунининг бузилиши «тушунчаларни ўзгартириб қўйиша» намоён бўлиши мумкин. Тушунчани ўзгартириб қўйиш деганда, унинг ҳажмини ўринисиз кенгайтириш ёки торайтириш, мазмунини ўзгартириш (дастлаб бир маънода, кейинчалик бошқа маънода ишлатиш) назарда тутилади. Оқибатда «тушунчани ўзгартириб қўйиш» фикрдаги чалкашликтини, ноаниқликтини келтириб чиқариши мумкин бўлади. «Тушунчани ўзгартириб қўйиш» мухокама обьектини ўзгартириб юбориш, яъни бир нарса хакида фикр юрита бошлаш, уни тугалламасдан бошқа нарсага ўтиб кетиш маъносини билдиради. Мухокама предметини, тушунчани ўзгартириб юбориш беихтиёр ёки атайлаб амалга оширилиши мумкин.

Айният конунининг бузилиши тезисни (яъни фикрни) ўзгартириб кўйишла ҳам намоён бўлади. Бирон бир фикрни исботлаш ёки рад этишда онгли, ёки беихтиёр равишда бир фикрни бошқа бир фикр билан алмаштириш «тезисини ўзгартириб кўйиш» деб горитилади.

Тезисни ўзгартириши фанда, сиёсатда ва бошқа соҳаларда кўриниши мумкин. Республикамиз Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистан XXI аср бўсағасила: ҳавфисизликка таҳлил, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» рисоласида XX аср охиридаги кузатилаётган диний уйғониш ижтимоий ходисаси устида тўхталиб, «ислом уйғониши» ходисасини таҳлил килишда диннинг маънавий қадриятлари билан дин никоби остида сиёсий ва тажовузкор мақсадлар орасидаги фаркни тушуниш нюхоятда муҳим эканлигини таъкидлаган эди.

Айрим ҳолларда илмий изланишларда айният конунининг бузилиши натижасида кузатиладиган фикрдаги ноаниклик, чалкашлик, ғализлик тадқикот обьектини яхши билгаслидан, старли ўрганмаслиқдан келиб чиқади.

Аниклик – тўғри фикрлаш услубининг энг асосий коидаси. Айният конуни фикрдаги ноаниклик – кўп гапирса ҳам, хеч нарса демаслик мумкинилигини кўрсатадиган конундир. Айният ўрганилаётган обьект хақидаги билимларнинг аник, равшан, изчил баён этилишини таъминлайди. Айният фикрдаги аниклик, нисбий муайянлик, баркарорликнинг ифодаланишидир. Олим, фозил кишилар фикрлаш маданиятлари юкорилиши билан бошқалардан фарқланадилар. Ўз фикрини қисқа, аник, равшан баён эта олиш ҳар бир тадқиқотчи олдига кўйиладиган энг асосий талаб хисобланади.

Зиддиятсизлик конуни.

Зиддиятсизлик конуни хақидаги дастлабки маълумотни Платоннинг «Евтидем» номли диалогида учратамиз. Платон бу хақда бир нарсанинг ўзи ҳам бўлиши, ҳам бўлмаслиги мумкин эмас, дейди. Аристотель бу конунининг мохиятини ўзаро қарама-карши фикрлар бир вактнинг ўзида бараварига чин бўлиши мумкин эмас; айнан бир нарса бошқасига айни нисбатда ҳам мос бўлиши, ҳам мос бўлмаслиги мумкин эмас, деб тушунтирган. Зиддиятсизлик лотинча «*Zex contradictions*» сўзидан олинган. Тафаккурнинг бу конунини предмет ва ходисаларга хос бўлган томонларининг ўхшашлиги, тафовути ва ўзаро бөгланишларининг инсон онгидаги инъикоси сифатида баҳоламок лозим. Матъумки, оламдаги нарсалар муайян хислатларга эга. Бу хислатлар предметлар мавжудлигини ифодалайди. Олам шундай тузилганки, айнан бир нарсанинг ўзи айни бир шароитда, айни бир вактда маълум хусусиятга ҳам эга бўлиш, ҳам эга бўлмаслиги (масалан, ҳам «оқ», ҳам «кора» бўлиши) мумкин эмас. Мана шу хусусият мантиқнинг зиддиятсизлик конунида ўз

ифодасини топган. Мазкур қонун тафаккурдаги зиддиятни бартараф этишга қарагилган. Бу қонунга мувофиқ айни бир нарса ҳакида, айни бир вактнинг ўзида, айни бир нисбатда айтилган икки қарама-қарши фикр бирданига чин бўлиши мумкин эмас: улардан бирининг чинлиги иккинчисининг ҳатолигини келтириб чиқаради. Масалан: А-В дир ва А-В эмасдир деган икки фикр бир вактнинг ўзида чин бўлиш мумкин эмас. Мухоммада зиддиятлар турли кўринишларда учраши мумкин. Масалан, агар якка тасдиқ маъносида «S-P дир» мушоҳадаси чин бўлса, унинг ишкори «S-P эмасдир» хато ҳисобланади. Шунингдек, фикрдаги зиддиятлар умумий тасдиқ ва умумий инкор умумий тасдиқ ва жузъий инкор; умумий инкор ва жузъий тасдиқ фикрлар орасидаги муносабатларда кузатилиши мумкин. Бу кўрсатилган фикрлар ўзаро қарама-қарши бўлиб, уларнинг ҳар иккиси бир вактнинг ўзида чин бўлиши мумкин эмас. Бир вактнинг ўзида, бир нисбатда чин бўлиши мумкин бўлмаган фикрлар мантиқда қўйидаги формулалар ёрдамида ифодаланади:

S - P дир ва S - P эмасдир.

Ҳеч бир S - P эмасдир ва ҳар бир S - P дир.

Ҳамма S - P дир ва баъзи S - P эмасдир.

Ҳеч бир S - P эмасдир ва баъзи S - P дир.

Зиддиятсизлик қонунининг ифодаланиш а ва а (а эмас). Бу мантиқда а а формуласи ёрдамида ифодаланади. Зиддиятсизлик қонуни унинг амал қилишдаги шарт-шароитларни яхши билиш, таҳлил қилишини талаб этади. Мантиқ талабларини билиб ёки билмай туриб бузиш ҳакикатни яшириш, ундан қўркиш, беркиниш, ёлғон фикрларни исботлашга олиб келади.

Зиддиятлилик қонуни тафаккурнинг мухим ҳусусияти фикр зиддигига йўл кўймасликини талаб қиласди. Унга кўра бир вактнинг ўзида бир масала юзасидан, бир нарсага нисбатан икки зид фикрнинг бўлиши мумкин эмас. Лекин турли маънода, турли вакт бирлигига, турли нисбатда бир масалага нисбатан икки зид фикрнинг мавжуд бўлиши мумкин. Зиддиятсизлик қонуни фикр бирлигини, вакт бирлигини, объект бирлигини, нисбат ёки муносабат бирлигини асосий шартлар сифатида қўяди ҳамда бирон бир саволга бир вактнинг ўзида ҳам «ҳа» ёки «йў» тарзида жавоб берини мумкин эмаслигини назарда тутади. Зиддиятсизлик қонуни факат фикрлаш жараёнига таалуқли. Худди айният қонунидаги сингари бунда ҳам фикрдаги мукимлик, барқарорлик назарда тутилади. Шундан келиб чиқсан холда зиддиятсизлик қонунига кўра айнан бир предмет ҳакида қарама-қарши фикрларни баён этиш мантиқсизлик, деб ҳисобланади. Зиддиятсизлик қонуни оламдаги нарса ва ходисаларда рўй бериб турадиган узлуксиз ўзгариш жараёнини инкор этмайди. У факат фикрдаги зиддиятни инкор этишга каратилган. Фикр зиддиятини ҳаёт, олам тараққиётни зиддиятидан фарқламоқ керак. Ҳаёт зиддияти тараққиёт манбаи бўлиб ҳисобланади. Оламдаги мавжуд

зиддиятлар диалектик зиддиятлардир. Зиддиятсизлик қонуни оламнинг моҳиятини, ҳусусиятлари, муносабатлари, уларга хос бўлган зиддиятларни изчил, тартибли, бир-бирига зид бўлмаган фикрларда баён этишни талаб қиласди. Тафакурнинг зиддиятсизлик қонуни борликни ва у ҳақидаги инсон фикрларини ўрганишдан келиб чиқкан.

Мантикий фикрлаш зиддиятларсиз фикрлаш маъносини билдиради.

Тафакурдаги зиддият икки қўринишда намоён бўлади; қарама-карши (контрап) ва зид (контрадиктор). Контрап лотинча «*contrariū*» сўзидан олинган бўлиб, қарама-карши деган маънони ифодалайди. Контрап фикрлар деганда бир-бирига қарама-карши маънони ифодалайдиган фикрлар назарда тутилади. Қарама-карши (контрап) муносабатни куйидагича ифодалаш мумкин: Бир нарса ёки ҳодиса ҳақидаги икки фикр (А ва В) ўзаро бир-бирини инкор этади, бир-бирига қарама-карши. А фикрнинг чинлиги В нинг хатолигини ёки В нинг чинлиги А нинг хатолигини англатади. Ҳар икки (А ва В) фикр бир вақтнинг ўзида ҳато бўлиши мумкин. Масалан: Барча йигитлар хоккейга қизикади - А фикр. Ўеч бир йигит хоккейга қизикмайди - В. Бу контрап фикрлар, Уларнинг ҳар иккиси ҳам ҳато, чунки ҳақиқий аҳволни тўғри акс эттирмаяпти. Уларнинг хатолиги зарурий равишда учинчи фикрнинг (Баъзи йигитлар хоккейга қизиқади) - чинлигини келтириб чиқаради.

Контрадиктор лотинча «*contradictoriū*» сўзидан олинган бўлиб, зид маънони ифодалайди. Контрадиктор тушунчалар, контрадиктор муҳокамалар деганда бир-бирига тамоман зид фикрлар назарда тутилади.

Мантикий зиддият сўз зиддияти, фикр зиддияти деб ҳам номланади. Суз зиддияти одатда инсоннинг ўз нуктаи-назарига эга эмаслиги, объективи етарли билмаслигидан далолат беради ва оқибатда баён этилган фикр ноаник, чалкаш, гализ бўлади; муаллифа иккиланиш сезилиб туради. Чалкашлик, ноаниклик, ўз фикрини тўғри ва изчил баён эта билмаслик, фикрдаги зиддият инсон тафаккурида кузатиладиган камчиликлар хисобланади.

Зиддиятсиз фикр юритиш коидаси қишиларга қадимдан маълум бўлган. Марказий Осиё мутафаккирларидан Ал-Ғазолий (1059-1111) зиддиятсизлик инсоннинг барча фикрларига тааллукли бўлмоғи лозимлигини кўрастаган эди.

Зиддиятсизлик қонунининг моҳиятини чуқуранглаб олиг'ч, изланишларда илмий муаммони тўғри аниқлаш, унга доир илмий фаразни ишлаб чиқиш, илмий муаммони тадқик этишда мухим ўрин тутади. Зиддиятсизлик тафакурнинг барча қўринишларида (тушунча, муҳокама, хулоса), фанлар мазмунида ўз ифодасини топади. Масалан: органик ва иоорганик олам, мусбат ва манғий заряд, ўткир, ўтмас ва тўғри бурчак, унли ва ундош товуш, тўғри ва эгри чизик, унитар ва федератив давлат, тоталитаризм ва демократизм кабилар.

Учинчи истисно конуни

Учинчиси истисно конуни маъно жиҳатидан зиддиятсизлик конунининг бевосита давоми бўлиб, фақат зид (ўзаро бир-бирини гамомила инкор этувчи) фикрларга нисбатан кўлланади. Бу конун кўйидагича таърифланади: бир-бирига зид бўлган икки фикр (муҳокамадан) бирининг чинлиги ҳамиша иккинчисининг хатолигини келтириб чикаради, учинчиси бўлиши мумкин эмас, яъни истисно килинади. Тафакурнинг бу конунини буюк юонон файласуфи Аристотель икки зид фикр орасида учинчисининг бўлиши мумкин эмас, деб таърифлаган. Мантининг бу конуни белги, ҳусусият, муносабатнинг нарсага хос эканлигини тасдиқлади ёки инкор этади. Бунда бир нарса ҳакида икки бир-бирига батамом зид фикрлар ўртасидаги муносабатлар назарда тутилади. Масалан: Бу геометрик шакл - ўткир бурчакли учбурчак (A - B дир). Бу геометрик шакл - ўткир бурчакли учбурчак эмас (A - B эмасдир) фикрлари ўзаро зидлик муносабатида. Улар мантиқа A ёки B эмасдир формуласи билан ифодаланади. Математик мантиқда бу конун а V а формуласи шаклида берилади. Бунда а ҳар кандай фикрни, «а» унга зид бўлган фикрни, V зидлик белгисини ифодалайди.

Учинчиси истисно конуни зиддиятсизлик конуни каби фикрининг изчил, зиддиятсиз бўлишини талаб этади. Шу билан бир каторда учинчиси истисно конуни икки зид фикр бир вактнинг ўзида ҳам чин, ҳам хато бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатади. Учинчиси истисно конуни объект, вакт, муносабат айнанлигини тақозо килади. Учинчисини истисно этувчи фикрлар сирасига кўйидагиларни киритиш мумкин:

- алоҳида нарса ёки ҳодисага нисбатан бирон бир нарсанинг тасдиқланиши ёки инкор этилиши; S - P дир ва S - P эмасдир. Бу якка гасдик ва якка инкор фикрлар орасидаги муносабатни англатади;
- туркумга мансуб нарсалар, ҳодисалар ва алоҳида олинган предмет ҳакидаги ниманидир тасдиқланиши ёки инкор этилишини;
- туркумга мансуб нарсаларга нисбатан ниманидир инкор этилиши ва алоҳида н.рсага нисбатан шу белгининг тасдиқлаши.

Учинчиси истисно конуни фикрларимизнинг аниқ, равшан, зиддиятсиз бўлишини талаб килади. Учинчиси истисно конунининг амал килиш холатлари турли - туман, ундан алоҳида нарсалар ҳакида фикр юритганда ҳам, мураккаб жараёнларни ўргангандага ҳам фойдаланиш кўзда тутилади. Учинчиси истисно конуни тўғри фикрлашнинг асосий шартларидан бўлса-да, тўғри тафаккур қилиш, чин билимлар хосил қилиш учун унинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун мавжуд нарса ва ҳодисаларни, уларнинг муносабатларини чукур, атрофлича ўрганиш талаб қилинади. Учинчиси истисно конуни муҳокама жараённада тўғри хулоса чикариш имконини беради. Лекин бунинг ўзига хос

шарти мавжуд: Учинчиси истисно қонуни зид фикрларгагина тегишли булади. Учинчиси истисно қонунининг илмий изланишларни олиб борища ўзига хос ўрни бор. У назарий тадқикотлар жараённада фикрдаги ноаникиликни, чалкашликни бартараф этишининг муҳим воситаси бўлиб хисобланади. Унинг ёрдамида инсон билими нарса ва ходисаларнинг моҳиятига қадар чукурлашиб боради ва таъкидлаш жоизки, зидликнинг томонларидан бирни айрим ҳолларда ноаник бўлиб қолаверади. Бу ҳол учинчиси истисно қонунининг дихотомияга хос томонларини ҳисобга олиши талаб қиласди. Учинчиси истисно қонуни тадқикотчидан ўз фикрларини аник, равshan, зидликсиз баён этишини, рақибининг фикрларини инкор этишининг асосларини топишни, ўз нуқтаи-назарига эга бўлишини талаб қиласди. Илмий тадқикотда ундан фойдаланиши учун бирон-бир фикрни инкор этишининг ўзи кифоя килмайди. Шунга эришиш лозимки, тадқикотчи муайян мавзудаги ўз нуқтаи-назарини баён қилишнинг мантикий усусларидан фойдалана билсин. Ҳалиллар асосида ўз фикрини асослай билсин. Бунинг учун мантиқ қонунларидан гашқари тадқикот обьектини чуқур билиш, у тўғрисидаги мавжуд билимларни ўзлаштириш муҳим ахамиятга эга. Бунда тадқикотнинг қиймати унда инкор этилган фикрлар билан ўлчаммайди, балки инкор этилган фикрларнинг асоссиз эканлигини исботлайдиган далиллар воситасида муаммога ўз ечимини бериш, ўз мустакил фикрини шакллантириш илмий ижоднинг муваффакиятини таъминлайди.

Етарли асос қонуни

Бизнинг олам, ундаги бирон нарса, ходиса ҳакидаги фикримиз чин ёки хато бўлиши мумкин. Фикрнинг чинлиги тафаккурга хос хусусият бўлиб, чин фикрлар ҳакиқатлар деб юритилади, уларга амалий ва назарий фаолият туфайли эришилади. Чин фикрлаш тўғри фикрлашдир, тўғри фикрлаш аниқлик, равшанлик, изчилик, зиддиятсизлик билан бир каторда асосланганликни, исботланғанликни талаб қиласди. Бу нарса тафаккурнинг етарли асос қонунида ўз ифодасини топади.

Етарли асос қонуни, немис файласуфи ва мантиқшунос олим Лейбниц (1646-1716) томонидан тавсифлаб берилган. Лекин у ҳакидаги дастлабки фикрлар антик даврга мансуб бўлиб, юонон файласуфлари Левкипп (эр.ав. 500-450) ва Демокрит (эр.ав. 460-370) томонидан баён этилгани маълум. Улар ҳеч кандай нарса бирон-бир асос, сабабсиз пайдо булмайди, ҳамма нарса бирон бир асос ва зарурият туфайли юзага келади, деб билганлар. Лейбниц нуқтаи-назарича, ҳамма нарса ўз мавжудлигининг муайян асосларига эга. Ҳар бир ходиса ҳакидаги фикр етарли асосга эга бўлган тақдирдагина, чин бўлиши мумкин. Ҳар кандай чин фикр асосланган бўлмоги лозим. Фикрнинг асослари деганда реал ва мантикий асослар назарда тутилади. Фикрнинг чинлиги унда воқеликнинг қанчалик тўғри акс эттирилганлигига боғлиқ. Бу

нарса реал асос сифатида номланади. Лекин фикрни асослаш учун ҳар сафар инсон тажрибасига, амалиёттига мурожаат килиш шарт эмас. Етарли асос деганда мантикий асос назарда тутилади. Инсон олам ҳакида билим ҳосил киляр экан, факат ўз тажрибасига эмас, балки бошқалар тажрибасига ҳам таянади. Бу тажриба инсоният кўлга киритган билимларда мужассамлашган бўлади. Илмий билимлар тараккиёти туфайли конун ва конуниятлар, аксиомалар, тамоиллар ва бошка билимлар ишлаб чиқилади ва улар фанлар мазмунидаги ифодаланади. Бу билимлар кишияларнинг одам ҳакидаги янги билимлар ҳосил килишлари учун етарли асос вазифасини ўтайди. Демак, қандай билим асосланган бўлмоғи лозим, деганда мантикий асос назарда тутилади. Мантикий асосланганлик фикрлар изчилигиги, кетма-кетлиги, бир фикрнинг бошка бир фикрдан келиб чиқиши тарзида кечади. Фикр, мулоҳаза, мушоҳаданинг чинлиги бошка чинлиги исботланган фикрлар ёрдамида исботлаб берилади. Етарли асос конуни: агар А фикр чин бўлса, унинг асоси В ҳам чин бўлинни керак, тарзида ифодаланади. Бунда А - фикрни, В - унинг асосини ифодалайди. Илмий тадқиқот фикрлар мужассами, изчилигигида ифодаланади, Бунда бир фикрнинг иккичисидан, унинг ўз навбатида бошка фикрдан келиб чиқиши илмий билиш жараёнининг узлуксиз давом этиши имкониятларини ифодалайди. Бу ҳолни мантиқда фикрлар тизимини ифодалайдиган (а-в), (в-с),,, тарзида бериш мумкин. Фикрлар билан уларнини асоси орасидаги алоқадорлик объектив мазмунга эга, унда оламдаги реал муносабатлар акс этади...

Етарли асос конунида нарса ва ҳодисалар орасидаги турли боғланишлар акс этади. Масалан: сабабий боғланишлар. Сабабий боғланишларни кенг маънода тушунмоқ жоиз: Асосланган фикр деганда фикрлардаги сабаб – оқибат алоқадорлиги назарда тутилади. Демак, чин билим оламдаги ва фикрдаги алоқадорликларни тўғри акс эттирган билимдир. Инсон билиш жараёнинда асос сифатида илгаридан ҳосил қилинган фикрлар тизимиға суюниши мумкин. Бу фикрлар тизилмасидаги айрим фикрлар асосни ифодаласа, бошқалари натижани - янги билимни ифодалайди. Шу тарика фикрнинг тўғрилигини асослаш учун келтирилган фикрлар мантикий асос, деб юритилади. Реал асос ҳам, мантикий асос ҳам инсон билимларида мушоҳадалар тарзида намоён бўлади. Объектив реалликда сабабий алоқадорлик воқеалар кетма-кетлигигида намоён бўлади. Дастлаб мавжуд, бирон-бир натижага олиб келадиган ҳодиса - сабаб (асос), унинг натижаси – оқибати янги фикр хисобланади. Айрим ҳолларда реал мавжуд сабаб ва фикрий асос (муҳокама) ўзаро бир-бирига мувофиқ келиши мумкин. Масалан: ер уст катламининг музлаши йўл транспорт ҳодисаларининг кўпайишига олиб келади. Лекин ҳар доим ҳам сабаб ва фикрий асос ўзаро мувофиқ келавермайди.

Аксари ҳолларда билиш жараёни хосил қилингандык билим (натижаның баён этишдеги шарттар) натижаның мантикий асосларини көлтиришке қараб боради. Мантиканың етарлы асос конунуң бошқа турдагы муносабаттарни (яккалик, маңсуслик ва умумийлик, бутун ва кисм) ҳам ифодалайды. Инсон бирон - бир нарса ҳакида фикр юритар экан, умумийліктен яккаликка қараб бориши орқали шартта ҳакида янги билим хосил қилиши мүмкін. Бунда умумийлікка хос бўлган томонлар, конуниятлар алоҳида нарса ва ҳодисаларга татбиқ этилади: умумийлик асосни, янги билим эса натижани ифодалайди. Асос билан натижаны орасидаги ўзаро боғланиш тушунчалар, мулоҳазалар, хуносалар орасидаги боғланиш ифодаси хисобланади: Умумий ва якка тушунчалар, умумий ва якка мушоҳадалар, хосил қилингандык хуносалар изчиллиги ва кетма-кетлиги тарзида боғланишлар бунга мисол бўла олади. Етарлы асос конунига риоя қилиш фикрнинг мантикли, тартибли, ишонарли бўлишини таъминлайди, чин билимни асоссиз карашлар, уйдирмалар, ақилалардан ажратиш имконини беради.

Етарлы асос конуни илмий билишда мухим ўрин тутади. Фанлар мазмунини, конунларни, таомилларни, илмий карашларнинг асосларини натижаси бўлиб хисобланади. Гаджиотчи тадқиқотчи объектини ўрганиш жараёнида уни хосил қилингандык реал сабаблар, унинг бошқа объектлар билан муносабатларини таҳтил килиди, илгариги билимлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда ўз карашларини далиллайди, мантикий изчилинида янги хуносалар чиқаради.

Қўриниб турибдик, мантикий конунларни билиш ва улардан фойдаланиш илмий изланишида мухим ўрин тутади. Чунки тадқиқотчига тўғри тафаккур килиш, бир мухокамадан бошқа бир мухокамага ўтиш қоидаларини, ўз фикрларини аниқ, изчили, зиддиятсиз, асосли баён қилиш йўлларини ўргатади.

Илмий ижод ва амалиётнинг туб мақсади чин, объектив мазмунга эга бўлган билимларни хосил қилиш хисобланади. Чин билим инсондан мантикий конунларни билиш билан бир каторда исботлаш ва рад этиши мантикий усууларидан узумли фойдаланишини тақозо этади. Илмий билишнинг энг умумий хусусияти шундан иборатки, илмий изланиш натижасида кўлга киритилган билим фан соҳасидаги ютук деб хисобланishi ва фан мазмунига киритилмоғи учун мантикий исботлаш талабларига жавоб бермоғи лозим. Исбот ва рад этиши мантиканың етарлы асос конунидан келиб чиқадиган мантикий усуулардир.

Исбот бирон-бир фикрнинг чинлигини бошқа фикрларни келтириш орқали асослашнинг мантикий услубидир. Аристотель ўз фикрини исботлай олишни инсон тафаккурининг энг мухим хусусияти деб билган. Қадимги Хинд мантиқшунослари (IV-V асрлар) исботлаш мантикий усулини чуқур ўргангандар ҳамда исботлашни қўйидагича тушунтирганлар: фикр (тезис) - асос -- далил - хуносат. Тезис (фикер) исботланиш лозим бўлган фикр, асос - унинг чинлигини исботлайдиган фикр; далил - ўхшащликни, умумийлікни

топиш, хулоса-хосил килингандын янги фикр. Ал-Форобий исбот түгрисидаги билим мантиктарын асосини ташкил этади деб хисоблаган.

Оддий сұхбат, илмий мунозара жараённанда кишилар сұхбатдошлары, мухолифларини ўз фикрларига ишонтиришга қаралғандар да жаңа мантиктардың орнынан шығады. Башка фикрни ҳақиқат әмас, деб хисоблаганлардың рад эттегандар да бунда исбот да рад этишкінг мантикийн үсулдардан пайдаланғандар.

Инсоният тафаккури тараққиёт шундан далолат берады, фикрнинг исботланғанлық, далилланғанлық даражасында оламдаги мавжуд нарасалар, ҳодисалар, улар орасынан алоқадорликларнинг қанчалық түгри да жаңа томонлама акс этишке бөлінеді. Нарса да ҳодисалар алоқадорлығы фикрлар алоқадорлығини көлтириб чиқарады. Оламдаги да фикрдаги алоқадорликлар ҳар доим яққол күзгө ташланавермайды. Фикрлар орасынан алоқадорлықнан топа билиш да шу асосда бирон-бир фикрнинг түгрилігін асослаш билиш жараённанда мухим үрін тутады.

Исбот - исботлаш талаб этилған фикрни түгри, ҳақиқат деб қабул килингандын көлтириб чиқарып жараённан ифодалайды.

Исбот ўзига хос түзилишінде зерттеу: тезис, аргументлаш да исбот этиш үсуллари (демонстрация) уннинг мухим томонлары бўлиб хисобланади.

Тезис - исботланиши лозим бўлган фикр.

Аргумент - тезисни исботлашда кўпланиладиган түгри фикр, ҳақиқат.

Буни исботлаш асоси деб ҳам юритилади.

Аргументлар турли кўринишда бўлиши мумкин.

1. Аникланған, текширилған далил ёки далиллар. Бу далиллар хилмажил үсуллар билан олинини мумкин.

2. У ёки бу ҳодиса ҳақидаги фанда баён этилған умумлашма фикрлар.

3. Аксиома да постулатлар. Фанлар, айникса, математика, механика, назарий физика да ҳоказоларда таърифлардан ташқари аксиомалар мавжуд. Аксиомалар - исбот этилиши талаб килинмайдиган илмлар.

4. Фанда илгаридан исботланған билимлар қонун да теоремалар, физика, химия, биология қонунлари, математика деген теоремалар аргумент вазифаны үтайды.

Исботлаш үсуллары демонстрация, индуктив, дедуктив, бевосита да билвосита исботлаш кабилалар киради.

Билимларни хосил килингандын янғында исбот билан бир қаторда рад этиш мантикийн үсулидан ҳам пайдаланилади. Рад этиш ёки раддия бирон-бир фикрнинг хато эканлигини исботлашнинг мантикийн үсулибидир. Одатда бу үсульдан бир нарса ҳақидаги қарашларда турли фикрлардың кузатылғанда пайдаланилади. Рад этиш тезисга, аргументта, исботлаш үсулига қарши

каратилган бўлади. Илмий ижод жараённда мантиқ конунлари, исбог ва рад этиш мантикий услулларини билиш муҳим аҳамиятта зга.

Тафаккур конунлари баркарор фикрлар орасидаги муносабатларни назарда тутади, фикрларни ўзаро тўғри боғлай олиш, бир муҳокамадан иккинчисига ўтиш ва шу асосда тўғри, ишончли фикрларни хосил килиш имкониятларини яратади. Шу маънода мантиқ конунлари янги билим хосил килишининг усули бўлиб ҳисобланади.

Оlamни билиш, у ҳақда чин билимлар хосил килиш, илмий тадқиқот ишларини муваффакиятли олиб бориш учун мантиқ ва унинг конунларини билишининг ўзи кифоя килмайди. Olamни билиш учун уни қандай бўлса, шундайлигича, барча алоқа ва муносабатларини хисобга олган ҳолда ҳар томонлама ўрганиш, нарса ва ҳодисаларда узлуксиз тарзда кечадиган харакат, ўзгариш, тараққиётни хисобга олиш талаб этилади. Бу нарса тадқиқотчилаш диалектика конун-коидаларини билишини. Olamга диалектик тарзда ёндишишни талаб қиласди. Диалектика кенг камровли таълимот бўлиб, у оламдаги мураккаб алоқа ва муносабатлар, ўзгариш, тараққиётнигина акс эттириб қолмай, оламни билишининг энг умумий илмий методи бўлиб ҳисобланади. Диалектика формал мантикнинг аҳамиятини инкор этмагани ҳолда оламни, ундаги ўзгаришлар, алокадорликлар, тараққиётни чуқур ва ҳар тарафлама тушунишга ёрдам беради.

Тафаккурга нисбатан кўйиладиган аниқлик, зиддиятсизлик, изчиллик, далилланганлик шартлари нарса ва ҳодисалардаги ўзгаришларни, тараққиётни инкор этмайди, балки бу ҳолатларнинг инсон билимларида тўғри акс этишини назарда тутади. Билишдаги зиддиятсизлик оламдаги мавжуд зиддиятларни инкор этиш эмас, нарса ва ҳодисалар моҳияти, ички алокадорликларни тушуниш, уларга хос бўлган зиддиятларни тахлил этишдир; зотан оламнинг бутун сиру-синоати, мураккабликлари унданда зиддиятларда, ўзгаришларда, муайян сифат ҳолатларидан янги сифат ҳолатларига ўтишларида намоён бўлади. Olam ҳақидаги билимнинг чинлиги унинг асосланганлик даражасига боғлиқ. Шубҳасиз, бунда изчил фикр юритиш, фикрлар муносабатига таянган ҳолда бир фикрдан иккинчи бир фикрни келтириб чиқарини муҳим ўрин тутади. Лекин ҳар қандай чин билим реаликда мавжуд нарса ва ҳодисалар, улар орасидаги алоқа ва муносабатларни ўрганишдан келиб чиқади ва билимнинг тўғрилиги унинг реаликка мос келишида ифодаланади. Илмий тадқиқотлар олиб бориш жараённда мантиқ конунларига риоя килиш йўли билан бир каторда диалектик тафаккур ҳислатларига эга бўлинш муҳим аҳамиятта эга.

5. Мантиқ ва бошқа фанлар. Мантиқ фани бир катор фанлар билан боғлиқ. Мантиқ, аввало, психология фани билан боғлиқ. Психология - ҳиссий тафаккур, унинг асосий шакилларини инсон руҳий фаoliyatiining

күришини сифатида ўрганади. У инсон фикрлаш жараёнининг бошка руҳий ҳолатлар билан бөгланишларини гадқик этади. Мантиқ эса фикр шакллари, усууллари, тўғри фикрлаш конунларини ўрганади. Психология алоҳида кишининг индивидуал тафаккурига ўз диккатини қаратади. Мантиқ фикрлашнинг барча учун умумий бўлган томонларини, конуниятларини ўрганади.

Мантиқ фанига якин фанлардан бири – тил грамматикаси. Тушунчалар, муҳокамалар структурасини аниклашда тил соҳасидаги билим мухим роль ййнайди. Инсон билимлари тиҳ, нутқ оркали моддийлашади. Грамматика конунларида ҳар бир миллий тилнинг ўзига хос хусусиятлари акс этади. Мантиқ эса инсонга хос бўлган тўғри тафаккурининг шакллари ва усуулларини ўрганади.

Мантиқ фалсафа билан чамбарчас алоқада. Фалсафа борлик ва ундаги нарса, ходисалар орасидаги энг ички, умумий, зарурий алоқадорликлар тўғрисида баҳс юритади. Фалсафанинг конун ва категориялари объектив диалектика конун ва категориялари деб юритилади. Тафаккурга хос бўлган барча томон ва конуниятларни факат формал мантиққа таяниб тушунтириш мушкул. Агар диалектик мантиқ оламдаги нарса ва ходисаларнинг универсал алоқадорликлари ва гараккиёт тўғрисида баҳс юритиб, фикрлаш узлуксиз тараққий этиб борувчи жараён эканлигини тушунишга ёрдам берса, формал мантиқ тўғри фикрлаш тартиб-коидаларини ўргатади. Диалектик мантиқ универсал алоқадорлик ва тараққиёт тўғрисидаги таълимот сифатида бошка фанлар катори формал мантиқ учун методологик асос вазифасини ўтгайди.

Мантиқ фан ва инсон амалий фаолияти тараққиётида мухим ўрин тутади. Бизнинг фикрларимиз муайян шаклларда намоён бўлади ва мантиқ конунларига бўйсунади. Тафаккур конунларини билиш ва улардан фойдаланиш кишиларда фикрлаш маданияти такомиллашувининг мухим омиилларидан хисобланади. Кенг камроғли фикрлаш, ўз фикрини ихчам, тўғри, эркин баён эта олиш, ўзи ва бошқалар фикрига танқидий кўз билан караш тафаккур маданиятини ифодаловчи мухим хисплатлар хисобланади,

Мантиқ инсоннинг оламни тўғри тушунишида мухим аҳамият касб этади, зотан мантикий фикрлаш оламни қандай бўлса, шундайлигича ҳар томонлама ўрганиш, барча томонлари ва зиддиятлари билан биргаликлда тушуниш, у ҳақда тўғри билимларни ҳосил қилишни назарда тутади.

Мантиқ тўғри, зиддиятсиз, изчил, асосли фикр юритиш йўлларини ўргатади. Тўғри, изчил, асосли фикр юритиш, фикрда зиддиятга йўл кўймаслик инсон илмий ва амалий фаолиятининг барча соҳаларида мухим аҳамиятга эга.

Тафаккур шакллари, конунлари ҳакида билимга эга бўлиш педагогик фаолият учун хам зарурдир.

Мантиқ илмий ижодда мухим ўрин тутади. Фикрларнинг моҳияти, улар орасидаги алоқа ва муносабатларни тўғри аниқлаш илмий ижод муввафқиятини таъминлайди, тадқикот обьектини ҳар томонлама, чукур ўрганиш, уларга хос бўлган конуниятларни очиш имкониятини беради.

Мантиқ илмий ахборотлар моҳиятини тушуниб етиш, уларни муайян тартибга олиш, ўзлаштириш асосида илмий муаммоларни аниқлаш ва муввафқиятли ҳал этишга ёрдам беради.

6-Мавзу: Тафаккурнинг асосий шакллари. Тушунча. Ҳукм. Ҳулоса чиқариш ва уларнинг моҳияти.

1. Тушунчаларнинг моҳияти ва пайдо килиш усуслари. Тушунчаларнинг турлари.
2. Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар.
3. Мушоҳада – мантикий билиш шакли сифатида. Мушоҳададанинг тузилиши.
4. Содда мушоҳада ва унинг асосий турлари. Мураккаб мушоҳада ва унинг асосий турлари.
5. Мушоҳадаларнинг модал маъно хусусиятларига кўра турлари. Мушоҳадалар орасидаги муносабатлар.

Мавзуга оид таянч тушунчалар: тушунча, ҳукм, ҳулоса чиқариш, таққослаш, анализ, синтез, мавхумлаштириш, умумлаштириш, якка тушунча, умумий тушунча, жамловчи тушунча, аник тушунча, мавхум тушунча, мусбат тушунча, манфий тушунча, оддий ҳукм, мураккаб ҳукм, тасдиқ ҳукм, инкор ҳукм, атрибутив ҳукм,

1. **Буюк ва мұқаддассан, мұстакил Ватан.** Ўзбекистоннинг 20 йиллик мұстакил таракқиёт йўлида қўлга киритган ютук ва натижалари, мамлакатимизнинг салоҳияти ва кудрати, туб ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг катламларига етказиш, жойларда ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш учун мўлжалланган илмий-оммабоп нашр. – Т.: «Иқтисодиёт», 2011.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2010.
3. И.А.Каримов. 2010 йил 12-ноябрдаги Олий Мажлиснинг Конунчилик палатасининг ва Сенатининг кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда

демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маъruzаси.“Халк сўзи” газетаси 2010 йил 13 ноябр.

4. И.А.Каримов Юксак маънавият - снгилмас куч. Тошкент. Маънавият. 2008.
5. С.И. Валиева, А.П. Боботев . Мантиқ.-Т., 2011
6. М.Шарипов, Д.Файзихбоджева .Мантиқ.Т.,2001
7. Войшивилло Е. К., Дегтярев М.Г. Логика. – М., 1999.
8. Гетманова А.Д. Логика. – М., 1995.
9. Ёкубов Т. Математик мантиқ элементлари. – Т.: “Ўқитувчи”, 1996.
10. Ивлев Ю. В. Логика. Учебник для вузов. – М.: Логос, 1998.

1. Тушунча тафаккурнинг илк шакли ҳисобланади. Инсон тушунчалар ёрдамида фикрлайди, ҳамда бир-бири билан ўзаро алоқа қиласди. Узок тарихий ривожланиш давомида оламни идрок ва тасаввур қилиш тажрибаларини доимий равишда умумлаштириш тушунчаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Тушунчалар воқеликнинг инсон акс этиши асосида шаклланади. Инсон атрофидаги нарса ва ҳодисаларни ўрганиш жараёнида унинг муҳим, умумий томонларини ажратиб, умумлаштириб боради, нагижада турли тушунчалар ҳосил қилинади.

Тушунча тафаккурнинг мураккаб шакли бўлиб, у хиссий билишнинг асосий шакллари: сезги, идрок, тасаввурдан фарқ қиласди. Агар биз хиссий билишда объектив оламдаги алоҳида (якка) нарса, ҳодисаларни онгимизда инъикос эттирасак, тушунчаларда эса якка белгилардан узоклашилади ва нарса, ҳодисаларнинг умумий томонлари онгимизда акс этади.

Тушунча нарса, ҳодисалар уларнинг муҳим, умумий ва ўзига ҳос белгиларини инсон онгида яхлит акс эттирадиган тафаккур шаклигадир.

Инсон кундалик ҳаётда турли тушунчалардан фойдаланади. Бу тушунчалар воқеликни инсон онгида акс этиши, асосида шаклланган. «Уй», «дараҳт», «инсон», «қуёш», «сув» ва хоказо тушунчалар кундалик ҳаётда кўзга ташланиб турган белгилар асосида ҳосил қилинган. Илмий тушунчалар эса нарса ва ҳодисаларнинг объектив қонуниятларини, зарурий томонларини очиб беради.

Тушунчалар икки хил вазифани бажаради, аввало мушоҳада (хукм)нинг вужудга келиши учун шароит яратади ва унинг элементи сифатида таркибига киради. Иккинчидан, инсон онгида билимнинг тўларок якунини ифодалайди.

Хиссий билишда оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг индивидуал томонлари акс этади, тушунчаларда эса умумийлик ифодаланади. Тушунча ва тасаввур ўртасидаги хам фарқлари бор.

Агар биз маълум бир гурӯҳ кишиларига бирор предмет образини (масалан, шкаф) тасаввур этишларини ва ушбу тасаввурларини көзгага тушаришларини сурасак, уларнинг көзгага туширган тасаввурлари бир бирига мос эмаслигини кўрамиз. Ҳар бир шахс предметни (шкафни) индивидуал ўзига хослик асосида тасаввур этади. Биз ушбу шахсларнинг предмет (шкаф) ҳакида индивидуал тасаввурларидаги предметнинг (шкафнинг) ранги, материали, шакли, улардаги полжалар сони, нимага хизмат килиши каби белгиларидан четланиб, шкафлар учун хос умумий белги, яъни шкаф - бу кийим, идиш, китоб ва бошқаларни сақлаш учун хизмат килувчи буюм десак, бу алоҳида қайсиdir шкаф бўлмай, балки хамма шкафлар учун хос бўлган умумий белгини кўрсатади. Демак, тасаввурда индивидуаллик, тушунчада умумийлик мавжуд.

Тушунчалар уларда ифодаланган нарса, ҳодисаларнинг мухим белгилари асосида юзага келади. Бизни ўраб турган нарса, ҳодисалар кўплаб белгиларга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Кишилик жамияти тарихида тушунчани изохлашда у ифодалаган алоҳида нарсаларнинг хусусий белгилари йигиндиси билан уйғунлаштиришга ҳаракатлар бўлган. Нарса ва ҳодисалар чексиз белгиларга эга, тушунчада эса факат уларнинг мөҳиятини, хусусиятини ифодалайдиган мухим белгилари назарда гутилади.

Нарса ва ҳодисалардаги, белгиларни биз аввало икки гурӯхга, яъни мухим ва мухим бўлмаган белгиларга ажратамиз. Мухим бўлмаган белгиларнинг йўқолиши ёки ўзгариши фикр килинаётган предметнинг асосий сифатлари (кок кўтариши, тезлиги ва хоказо) ўзгаришига олиб келмайди.

Аксинча, мухим белгилар нарса ёки ҳодисаларга ҳар қандай ҳолатда хам хос бўлиб, ушбу белгиларсиз предметнинг мавжудлиги ҳақида фикр юритиши мумкин эмас. Масалан, миллатнинг мухим белгиси тил бирлигидир. Бошқа мухим белгилари бўлса-ю, лекин тил бирлиги белгиси бўлмаса, у миллат бўла олмайди.

Тушунчаларнинг мухим ва мухим бўлмаган белгилари нисбий характеристерга эга, чунки вакт ўтиши билан илгари мухим ҳисобланган белги номухим белгига айланиши ёки аксинча бўлиши мумкин.

Биз ҳаётда қўллайдиган турли хил тушунчаларни ҳосил килиш учун уларнинг мухим ва умумий белгиларини топишимиш лозим. Бунда турли мантикий усуllibардан фойдаланилади. Мантикий усуllibарга: тақкослаш, анализ ва синтез, абстракциялаш, умумлаштириш кабилар киради. Кишилар қадим даврлардан ушбу мантикий усуllibардан фойдаланиб, тушунчалар ҳосил килганлар.

Тақкослаш – тушунча ҳосил килишнинг мантикий усулидир. Оламдаги нарса ва ҳодисаларни билиш, тушуниш дастрлаб тақкослаш асосида боради.

Таккослаш шундай мантикий усулки, унинг ёрдамида объектив дунёдаги нарса ва ҳодисалар орасидаги ўхшашлик ёки фарқлар аникланади. Таккослаш натижалари чин бўлиши учун куйидагиларни хисобга олиш лозим:

а) ҳамма вакт ҳам ҳакиқатда, бор ўзаро реал боғланишида бўлган буюмларни таққослаш лозим;

б) таққослаш чин бўлиши учун, қандай белгига кўра таккослашимиз олдиндан маълум бўлиши шарт;

в) ҳамма вакт икки ёки бир неча буюмни бир умумий белги асосида, айнан бир нисбагда таққослаш керак;

г)ҳар қандай таққослаш тасодифий, дуч келган белгиларга караб эмас, балки таққосланадиган буюмлар учун мухим ахамиятта эга бўлган белгилар асосида бўлиши лозим.

Тушунчаларни ҳосил қилишда анализ ва синтез мантикий усулнидан фойдаланилади.

Ташки оламдаги, нарса ва ҳодисаларни билиш, улар ҳакида тушунча ҳосил қилиш, асосий белгиларни топиш уларни фикран бўлакларга ажратишини талаб киласди. Бунда биз мантикий усуллардан бири бўлмиш - анализдан фойдаланамиз.

Анализ шундай мантикий усулки, бу усул ёрдами билан нарса ва ҳодисаларни фикран кисмларга бўламиш, уларнинг айрим кисм ва хусусиятларини ажратамиш ва билиб оламиш. Анализ бир синфга кирувчи бир жиҳатдан ўхшаш, колган жиҳатлардан фарқ киласдиган предмет ва воеаларни ўрганишида ёрдам беради. Масалан, «Мантиқ» курсини эгаллаш учун бу курсни фикран кисмларга бўлиб оламиш. Дастлаб тушунчаларни, кейин мушоҳадаларни (хукмларни), сўнгра хулоса чиқариш ва бошқаларни ўрганамиш. Лекин фикрлаш жараённида нарсаларни билиш учун анализнинг ўзи кифоя килмайди. Чунки анализ предметни ўрганишдаги дастлабки кадамдир. «Мантиқ» фани ҳакида тўлиқ билимга эга бўлиш учун ҳар бир кисм билан алоҳида танишиб чиқишининг ўзи кифоя килмайди, чунки биз юкорида қайд килган кисмларни ўзаро бирлаштириб бир бутун ҳолга келтирганимиздан кейинги «мантиқ» фани ҳакида тўлиқ маълумотга эга бўламиш. Демак, фикрлаш жараённида анализ-синтез билан чамбарчас боғлиқ келади.

Синтез шундай мантикий усулдирики, бу усул ёрдамида кисмларни фикран бирлаштирамиз ва бир бутун ҳолга келтирамиз. Абстракциялаш – тушунчаларни ҳосил қилишнинг мантикий усулидир.

Абстракциялашда оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг айрим муқим белгиларини фикран ажратиб оламиш ва хозирча зарур бўлмаган белгиларни назардан четда қолдиралимиз. Бу жараён абстракциялаш, шу жараённинг натижаси, абстракция дейилади. .

Абстракциялаш жараённида фикримиз нарса ва ҳодисанинг аниқ белгиларидан узоклашиб, умумий белгилари томон түгри харакат килиш натижасида предметдан йироклашмайди, балки якинлашиб боради, ҳамда абстракт тушунчалар ҳосил бўлади. Фанларда қўлланиладиган формация, прогресс, регресс, форма, мазмун, товар, пул ва бошқа тушунчалар мантикий абстракция оркали ҳосил қилинган.

Абстракциялаш умумлаштириш усули билан узвий боғлик. Умумлаштириш шундай мантикий усулларки, унда нарса ва ҳодисалар бирор умумий белгига кўра фикран бир мантикий синфга бирлаштирилади. Умумлаштиришда айримликтан умумийликка ўтилади ва умумий тушунча, мушоҳада, назариялар ҳосил қилинади. Ушбу мантикий усул ёрдамида юзага келган тушунчалари бизнинг оламни чуқурроқ акс эттириб, унинг моҳиятини англаб олишимизга ёрдам беради. Ҳар қандай умумийлик алоҳидаликсиз мавжуд бўлмайди, унда якка, нарса ва ҳодисаларнинг ўшиш, умумий белгилари акс этади. Умумлаштириш оркали янги умумийликка тўла тушунчалар ҳосил қилинади. Бундай тушунчаларга ўсимлик, сабзавот, китоб, дараҳт ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ҳар қандай тушунча мазмунга ва ҳажмга эга эканлиги билан характерланади. Нарса ва ҳодисаларнинг тушунчада акс этган муҳим белгилари йигиндилисига тушунча мазмуни дейилади. Масалан: «Ручка» тушунчаси мазмунини ёзиш учун хизмат килиши, пероли ёки шариқли бўлиши каби белгилари ташкил қиласди. Демак, тушунча мазмуни тушунчада ифодаланаётган нарса ёки ҳодисани объектив равиша инъикос эттиришдир.

Агар нарса ўзгарса, у ҳақидаги тушунча ҳам ўзгариши керак, акс холда тушунча мазмуни билан тушунчада ифодаланган нарса ўртасида номутаносиблик юзага келади.

Нарса ёки ҳодисанинг асосий белги, ҳусусиятлари воқеиликка мос келмаса, тушунча ҳато ёки ёлғон дейилади. Тушунчаларда оламдаги нарса, ҳодисаларнинг асосий белгилари билан бир каторда уларнинг микдори (яъни ҳажми) ҳам ифодаланади. Тушунча, ҳажми деб, тушунчада ифодаланаётган нарса, ҳодисаларнинг йигиндилисига айтилади. Масалан: «Роман» тушунчаси ҳажмига шу вактгача ёзилган ва ёзиладиган романлар киради. Мантикли тушунчаларнинг ҳажми ва мазмуни ўртасида тескари нисбат конуният бор. Бу конуниятга кўра тушунча ҳажми канча кенг бўлса, мазмуни шунча тор бўлади, мазмуни канча кенг бўлса, ҳажми шунча тор бўлади.

Тушунчаларнинг ҳажми ва мазмуни орасидаги тескари нисбат жинс ва тур муносабатидаги тушунчаларга нисбатан тадбиқ қилинади. Ҳажми торроқ тушунча мазмун жиҳатидан кенгроқ бўлади, чунки аввалги

хажми кенгроқ тушунчада ифодаланган белгилар каторига янги белгилар күшилади.

Хажми кенгроқ тушунча аксинча кўпроқ предметни ифодалайди, предметлар тури кўпайган сари уларнинг ўхшаш белгилари камайиб боради. Масалан «шеърлар» ва «тўртликлар» тушунчаларини оламиз. Бу икки тушунчадан биринчисининг, яъни «шеърлар» тушунчасининг хажми кенг, чунки унинг хажмига шеърий асарларнинг ҳаммаси киради. Тўртликлар эса, уларнинг фақат бир тури, яъни улар камрок. Мазмун жихатидан эса «тўртликлар» тушунчаси кенг. Чунки «тўртликлар», «шеърлар» эса бўлган белгиларнинг ҳаммасига эга шу билан бирга у тўрт катор бўлиши каби белгига ҳам эга.

Тушунчалар хажм жихатдан юкори ва қуий муносабатларга караб жинс ва тур муносабатларга бўлинади. Ҳамма вакт жинс тушунча тур тушунчаларга нисбатан жинс бўлади. Жинсга ҳамма вакт тур ўхшаш белгилари билан итоат этади. Масалан, «мактаб» ва «олий мактаб» тушунчаларида «мактаб» тушунчаси жинс, «олий мактаб» тушунчаси эса тур тушунчадир. Лекин шуни уктириш керакки, баъзи холда жинс бўлган тушунча, бошқа холда тур бўлиши мумкин. Юкоридаги мисолимиздаги, «олий мактаб» тушунчаси билан «университет» тушунчасини олсак, бу ерда «олий мактаб» тушунчаси жинс «Университет» тур тушунча.

Тушунчаларни турларга ажратишла биз уларнинг хажми ва мазмунига асосланамиз. Аввало тушунчаларни хажм жихатдан якка ва умумий тушунчаларга ажратамиз. Якка тушунчалар алоҳида, якка нарса ёки ходисани ифодалайди. Масалан «Ўзбекистон» тушунчасида Марказий Осиёда жойлашган, собиқ СССР нинг парчаланишидан кейин мустакилликни кўлга киритиб, демократик тамойиллар асосида юксалиб бораётган мамлакатни тушунамиз. Демак, ўзига хос белгига эга бўлган алоҳида нарса ёки ходисани ифодалаган тушунча якка тушунча дейилади.

Биз агар «Мустакил давлат» деган тушунчани оладиган бўлсак, ушбу тушунча «Ўзбекистон» тушунчасидан фарқ қиласди. «Ўзбекистон» деганда дунёдаги мустакил давлатлардан фақат бирини тушунсан, «мустакил давлат» деганда иктисидий ва сиёсий жихатдан мустакил бўлиб, ташки ва ички сиёсат юритаётган давлатларни тушунамиз. Бу умумий тушунча хисобланади.

Умумий тушунчалар бир мантикий синфга кирувчи ҳамма предметларни ифодалайди.

Умумий тушунчалардан ташқари жамловчи тушунчалар ҳам мавжуд. Жамловчи тушунчанинг белгиси янги бечги бўлиб, унинг таркибига

кирувчи, жамланувчи элементларда бу белги учрамайди. Масалан «ўрмон», «мажлис», «кутубхона» ва ҳоказо.

Мазмун жиҳатдан тушунчалар конкрет ва абстракт турлари бўлинади. Реал предмет ва ҳодисаларни акс эттирувчи тушунчалар конкрет тушунчалар, деб аталади. Масалан «ўй», «китоб», «дафтар», «студент» кабилар конкрет тушунчалардир. Чунки бу тушунчаларда маълум предмет, ҳодиса акс эттирилган.

Предметлардан фикран ажратиб олиниб, мавҳумлаштирилган маълум хусусият, белгиларни акс эттириган тушунчалар абстракт тушунчалар дейилади. Масалан, «гўзалик», «ботирлик», «тозалик», «шарм-ҳаё» ва ҳоказолар.

Тушунчалар мазмунига кўра яна нисбатли ва нисбатсиз тушунчаларга бўлинади. Агар бир тушунча иккинчи тушунча орқали билинадиган бўлса, у нисбатли бўлади. Нисбатли тушунчаларга «катта-кичик», «ака-ука», «оккора» каби каби тушунчаларни кўрсаниш мумкин. Тушунча бошқа тушунчаларсиз билинадиган бўлса, бу тушунча нисбатсиз бўлади. Масалан, «шартнома», «давлат», «сталаба» ва ҳоказо.

Шунингдек тушунчалар мазмунига кўра яна мусбат ва манфий турларга ажратилади. Бунда биз тушунчада ифодаланаётган предметда бирор белги борлигини тасдиқлаш ёки инкор этишга асосланамиз. Агар гушунчада белги борлиги ифодаланса у мусбат, аксинча белги йўқлиги кўрсатилса, манфий бўлади. Масалан, «эътиқодли», «баҳтли», «инсофли», «интизомли», каби тушунчалар мусбат, «эътиқодсиз», «баҳтсиз», «инсофлиз», «интизомсиз» каби тушунчалар эса манфий тушунчалар жумласига киради. Манфий тушунчалар одатда «сиз», «но», «бе», «эмас» ва бошқа кўшимчалар кўшиш орқали ясалади.

Шундай қилиб тушунчаларнинг қуйидаги асосий туркумлари мавжуд:

- | | |
|------------------------|----------------------------|
| A) якка ва умумий | Г) нисбий ва нисбатсиз |
| Б) жинс ва тур | Д) жамловчи ва жамланмасиз |
| В) конкрет ва абстракт | Ж) мусбат ва манфий |

Умумий тушунчалар таркибига универсал тушунчалар ҳам киради. Билиминг муайян соҳасига оид, туркумга мансуб тушунчалар универсал тушунчалар дейилади. М, зоологиядаги «хайвонлар», ботаникадаги «ўсимликлар» кабилар шулар жумласидандир.

2. Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар. Биз фалсафа фанини ўрганиш жарабёнида объектив оламдаги нарса ҳодисалар ўзаро бир-бирлари билан алоҳида бир-бирин тақозо қиласди, оламни англаш учун нарса ва ҳодисалар орасидаги алоказорликларни англаш зарурати ҳакида холоса ҳосил килганимиз. Оламдаги нарса ва ҳодисалар алока ва муносабатлари инсон онгидаги акс этади ва тушунчалар орасидаги алока ва муносабатларни келтириб чиқаради.

Мантиқ илмидә аввало тушунчаларни ҳажм жиҳатидан бир-бирига таққосланадиган ва таққосланмайдиган тушунчаларга ажратамиз. Масалан, «ўқитувчи» билан «зиёли» тушунчалари таққосланадиган, «ўқитувчи» ва «завод» тушунчалари эса таққосланмайдиган тушунчалар қаторига киради.

Биз мантиқ курсида ўзаро ҳажм жиҳатдан таққосланадиган тушунчалар билан иш кўрамиз. Таққосланадиган тушунчалар ўз навбатида сигишадиган ва сигишмайдиган тушунчаларга бўлинади. Ҳажм жиҳатдан бир-бирига маълум бир даражада алоқаси бўлган тушунчалар сигишадиган тушунчалар дейилади.

Масалан, «китоб» билан «дарслик».

Ҳажм жиҳатдан бир-бирига киришмайдиган тушунчалар сигишмайдиган тушунчалар дейилади.

Сигишадиган тушунчалар ўртасида: а)айнийлик (мослик); б) кисман мослик; в) бўйсуниш муносабатлари бор.

А) айнинят муносабати. Айнинят муносабатидаги тушунчалар ҳажми жиҳатдан айнан тенг бўлиб, бир предметни икки томондан ифодалайди ва улар мос тушунчалар деб номланади. Мос тушунчаларнинг бирида предметнинг бир белгиси, иккинчи тушунчада эса бошка белгиси кўрсатилади. Мос тушунчалардан хаётда тўғри фойдаланиш фикрни аник тушуниш ва кўпроқ маълумот олишга ёрдам беради. Масалан: нотик бирор шахс ҳакида гапирав экан, нуткида бир тушунчани бошка бир тушунча билан алмаштира олса, унинг нутки мазмунан боййиди ва тингловчиларда қизиқиш уйғотади.

Масалан: А. Фазал мулкининг сultonни

Б. Ўзбек адабий тилининг асосчиси

Бу мисолда А ва Б - мос тушунчалар.

Иккала тушунчалар буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ифодаланган.

Б) Тушунчалар ўртасидаги кисман мослик муносабати. Бунда икки гурух предметлари ўртасидаги муносабат акс этади, биринчи гурух предметларининг маълум бир кисми иккинчи гурух предметларининг маълум бир кисмiga мос келади. Таъкидлаш жоизки, ушбу муносабатдаги тушунчалар ҳажми жиҳатдан кисман мос келсаларда, лекин мазмун жиҳатидан ҳар-хил бўлади.

Масалан: А. Ишчилар

Б. Рационализаторлар

Ишчиларнинг бир кисми рационализатор рационализаторларнинг бир кисми ишчилар бўлиши мумкин. Кисман мослик муносабати чатишма тушунчаларини келтириб чикаради.

В) Бўйсуниш муносабати - кенг ҳажмли тушунча билан гор ҳажмли тушунчалар орасидаги муносабатни ифодалайди. Бунда кенг ҳажмли тушунча-бўйсундирувчи, тор ҳажмли тушунча бўйсунувчи, деб юритилади.

Масалан: А. Фан

Б. Кибернетика,

Берилган мисолдаги А тушунча кенг ҳажмли. Б тушунча (кибернетика) А нинг таркибига киради, гор ҳажмли.

Сифишимайдиган тушунчалар ўртасида: а) бирга бўйсуниш; б) қарама-каршилик; в) зидлик муносабаглари мавжуд.

А) Бирга бўйсуниш муносабатида тушунчалар ўзаро бир-бирини истисно қиласди, лекин улар биргаликда ҳажми кенг бошқа тушунчага бўйсунади.

Масалан: А.Бадиий адабиёт Б.Архитектура В.Амалий санъат

А, Б, В тушунчалари биргаликда нисбатан кенгрок ҳажмли Д (санъат) тушунчасига бўйсунади. Бунда А. Б. В лар бирга бўйсунувчилар; Д-бирга бўйсундирувчи хисобланади.

Б) Қарама-каршилик муносабатида тушунчалар предметларда икки қарама-карши томон мавжудлигини ифодалайди, қарама-карши муносабатдаги тушунчалар одатда бир-бирини инкор этади. Бир тушунчанинг тўғрилигидан иккинчисининг хатолиги келиб чикади. Лекин қарама-каршилик муносабати орасида учинчи бир тушунча бўлишига имкон колдиради.

Масалан: А.Оқ Б.Кора

Бу мисолда А-Б ни инкор этади, Б ҳам А ни инкор этади. А нинг чинлигидан Б нинг хатолиги келиб чикади ёки аксинча бўлиши мумкин. Қарама-каршилик муносабатида учинчи бир тушунча (A1, A2, A3 ёки B1, B2, B3) бўлиши назарда тутилади.

В) Зидлик муносабатидаги тушунчалар ҳам қарама-карши муносабатидаги тушунчалар каби ўзаро бир-бирини инкор қиласди. Қарама-карши муносабатда иккинчи тушунча аник ифодаланади. Зидлик муносабатида инкор этилаётган тушунча ноаник бўлиб колаверади. Муносабати қарама-карши тушунчалар сингари бир доирага кирсада, инкор этган тушунча доиранинг ноаник қисмини ташкил қиласди. Агар қарама-карши тушунчалар учинчи тушунчага ўрин колдирса, зид тушунчалар уларга ҳеч қандай ўрин колдирмайди. Шунинг учун икки зид гушунчанинг бири рост бўлса, иккинчиси албатта хато, учинчиси бўлиши мумкин эмас.

Масалан: Катта – А тушунча

Катта эмас – А эмас

Берилган мисолдаги А тушунчанинг чинлиги Б нини хатолигини келтириб чиқарали ёки аксинча. Улар бир бирини тамоман инкор этади, учинчисининг бўлини мумкин эмас.

3. Муроҳада-мантикий билиш шакли сифатида. Муроҳаданинг тузилиши. Инсоннинг олам ҳакида хосил қиласидан билим шаклларидан бири муроҳада хисобланади. Муроҳада предметлар, ходисалар, уларнинг белгилари, хусусиятлари, муносабатларини тасдиқ ёки инкор шаклида ифодалайдиган фикр шаклидир.

Инсон оламни ўрганиш жараёнида ундаги нарса ва ходисалар ўртасидаги алоқа ва муносабатларни пайқайди. Мазкур алоқа ва муносабатлар инсон тафаккурида муроҳада шаклида акс этади. Муроҳада тушунчалар орасидаги муносабатлардан келиб чиқади. Масалан: Ер кӯёш атрофида айланади.

Ҳар кандай муроҳада чин ёки хато бўлиши мумкин. Агар муроҳадада акс этган алоқа ва муносабатлар реал дунё, ундаги мавжуд алоқа ва муносабатлар инъикоси бўлса, бундай фикр чин муроҳада хисобланади. Аксинча, муроҳадада билдирилган фикр борликдаги алоқа ва муносабатларни акс эттирамаса, бундай фикр ё чалкаш, ё хато муроҳада хисобланади. Масалан: Ўғрилик - жиноят. ўғрилик - жиноят эмас. Бу фикрлардан биринчиси чин, чунки у борликнинг инъикоси.

Муроҳаданинг мантикий тузилиши барча учун умумий. У кайси тилда баён этилмасин, унинг таркиби субъект (S), предикат (P), ва квантор сўздан изборат бўлади. Муроҳаданинг тузилишидан бундай умумийлик уни ифодалашда мантикий шакл-формулага солиш имконини беради. Масалан,

А) «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» ва «Куч-адолатда» муроҳадаларини бир хил шаклда: S-P дир формуласи ёрдамида ифодалаш мумкин.

Муроҳадаларда:

а) Предметларнинг борлиги, мавжудлиги ҳакидаги фикр тасдиқланади ёки инкор килинади. Масалан: Ўакиқат – бор, мавжуд.

б) Предметларга хос белги, хусусиятлар ифодаланади. Масалан: Айрим сонлар – жудъ сон.

в) Предмет ва ходисалар ўртасидаги алоқа ва муносабатлар акс этади. Масалан: Хоразм вилояти Қашқадарёдан шимолроқда жойлашган.

Муроҳада гап воситасида ифодаланади. Тушунчалар сўзларсиз мавжуд бўлиши мумкин бўлмагани сингари, муроҳада ҳам уларнинг ташки ифодаси гапларсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Кўриниб турибдики, муроҳада гап билан узвий боғлиқ. Бу боғлиқлик тафаккур ва тилнинг бирлиги ва ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқади. Муроҳада билан гапнинг узвий бирлиги, боғлиқлигидан улар доимо ўзаро мос келади, деган хулоса чикмайди. Муроҳада ва гапни уларга хос хусусиятларга кўра фарқламок лозим:

—Хар қандай мушоҳада гап воситасида ифодаланади. Гап мушоҳаданинг моддий ифодаси хисобланади. Лекин ҳар қандай гап мушоҳада бўла олмайди. Фақат дарак, ҳабар маъноси англатган гапларгина мушоҳада бўла олади. Сўрок, чакирик, хитоб маъносидаги гаплар мушоҳада бўла олмайди, чунки улар тасдик, ёки инкор маъносини антагмайди.

Мушоҳада ва гап тузилишида муайян ўхшашик бўлсада, мушоҳада ва гапнинг тузилишини айнан бирдек, деб бўлмайди. Гап грамматик гузилишга эга: у бош ва иккичи даражали бўлаклардан ташкил топади. Мушоҳада мантикий тузилишга эга. Аввало у икки кисмдан иборат. Улар мушоҳада терминлари деб юритилади.

Мушоҳада терминларига мушоҳада субъекти (S) ва предикати (P) киради. Мушоҳадани қўйидаги мантикий шаклда ифодалаш мумкин: S-P дир; S-P эмасдир.

Мушоҳаданинг субъекти (S) предметни, предикати (P) эса унга хос бўлган белги, хусусият, ҷуносабаларни тасдик ёки инкор шаклида ифодалайди. Мушоҳадада мантикий боғловчилар «дир», «эмасдир», «бўлади» кабилар иштирок этиши мумкин. Мушоҳадада унинг хажмига ишора килувчи сўзлар учрайди. Масалан: «барча», «ҳар бир», «хеч бир», «баъзи». Булар квантор сўзлар, деб номланади. «Барча капалаклар ҳашаротдир» мушоҳадаси қўйидаги тузилишга эга: а) «капалаклар» — мантикий эга (S); б) «ҳашаротлар» — мантикий кесим (P); в) «барча» - квантор; г) «-дир» боғловчи. Мазкур мушоҳадани «Барча S — P дир» формуласи орқали ифодалаш мумкин.

Гандаги бош бўлаклар (эга ва кесим) мушоҳаданинг мантикий эгаси (S) ва мантикий кесими (P) га мос келавермайди. Фақат содда йиғик, гаплар воситасида ифодаланган мушоҳадалардагина грамматик эга ва кесим, мантикий S ва P га мувофик келиши мумкин. Бунинг устига кўпинча мушоҳада терминлари аниқ ифодаланиши усулига эга эмас. Улар (S,P) ни мантикий ургу орқали аниқлаш мумкин бўлади. Бир хил тузилган гап оҳанг, мантикий ургу орқали турлича мазмундаги мушоҳадани ифодалани мумкин.

а) Ўзбекистон (бошқа эмас) мустакил давлат.

б) Ўзбекистон мустакил давлат. (кандай?)

в) Ўзбекистон мустакил давлат. (нима?)

Бу мисолда бир хил гап 3 хил мушоҳадани ифодалаган: а) кайси давлат? б) кандай давлат? в) нима? Шунга кўра уларда мантикий эга турлича.

Гапнинг грамматик тузилиши турли ҳалқларда турлича. Мушоҳаданинг мантикий тузилиши, у кайси миллий тиљда ифодаланган бўлмасин, барча учун умумий, бир хил. Мушоҳада терминлар (S,P), боғловчи ва квантор сўздан ташкил топади.

Мушоҳадада: а) предметларнинг мавжудлиги гўғрисидаги фикр тасдиқланади ёки инкор килинади (Масалан: Ҳаракат — мавжуд); б)

предметлар билан белги, хусусиятлар орасидаги муносабатлар ифодаланади (Масалан: Айрим сонлар жуфт сон эмас.); в) предмет — ҳодисалар ўртасидаги алоқа ва муносабатлар акс этади (Масалан; Хоразм вилояти Қашадарёдан шимолоркда жойлашганди).

Муроҳадалар тузилишига кўра: а) содда ва б) мураккаб турларга бўлинади. Содда муроҳада мантиқда ассоертбрик муроҳада, деб номланади.

— Содда муроҳада тузилишига кўра бир S ва бир P дан иборат бўлиши мумкин. Масалан: Майсалар кўкарди. Формуласи: S-P дир;

— Содда муроҳаданинг субъекти бирдан ортиқ бўлиши мумкин. Масалан: Учбурчак, параллелограмм, айланан геометрик фигура хисобланади. Формуласи: S1, S2, S3 — Р дир.

— Предикати бирдан ортиқ бўлиши мумкин. Масалан; Комбайн ўради, йигади, янчади. Формуласи: S — P1, P2, P3 дир.

— Терминлардан бири тушуриб колдирилиши мумкин. Одатда бундай муроҳада тўликсиз гаплар воситасида ифодаланади. Масалан: Тонг... Ажиб сокиник...

Содда муроҳада, унда ниманинг тасдиқланиши ёки инкор этилишига кўра З турга бўлинади: а) атрибутив муроҳада; б) муносабатга доир муроҳада; в) мавжудликка доир муроҳада.

а). Атрибутив муроҳада.

Нарса, ҳодисаларнинг белги, хусусиятлари тўғрисидаги тасдиқ ва инкор шаклида баён этилган муроҳада атрибутив муроҳада дейилади. Атрибутив муроҳаданинг терминлари: S — нима ҳакида фикр юритилганини, Р — белгини ифодалайди. Масалан: Асал ширин. Формуласи: S-Rdir.

Атрибутив муроҳада қўйидаги холларда кўлланилади: — Белги, хусусиятнинг предметга хослигини тасдиқлайди ёки инкор этади. Масалай: Мантиқ — фан.

Формуласи: S-P дир. Алишер тўғаракка қатнашмайди: S-P эмас.

б). Муносабатга доир муроҳада. Муносабатга доир муроҳада предмет ва ҳодисалар ўртасидаги мавжуд алоқа ва муносабатларни ифодалайди. Бундай муроҳадаларда тенглик, катта ёки кичиклик, кариндошлиқ, фазо, вакт, сабаб ва оқибат муносабатлари акс этиши мумкин. Масалан: Алкоголизм (S) — кўп жиноятларнинг (Р) бош сабабчиси. Термиз (S) Тошкентдан жанубда жойлашганди (Р).

в) Мавжудликка доир муроҳада.

Мавжудликка доир муроҳада мантиқда экзистенциал муроҳада, деб юритилади. Унда предмет, ҳодисанинг мавжудлик ёки мавжуд эмаслик фактининг ўзи ифодаланади. Масалан: Тафаккур (S). тилсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас (Р). Формуласи: S-P эмасдир.

Солда муроҳадаларнинг кўрсатилган туркумлари (атрибутив. муносабатга доир, мавжудликка доир)дан ташқари ажратиб кўрсатилган (выделяющие) ва чикарилган туркумлари ҳам учрайди.

Ажратиб кўрсатилган муроҳадаларда белгининг муайян предметгагина таалилуғли эканлиги ифодаланади. Ажратиб кўрсатилган муроҳадалар ҳам якка, жузъий, умумий бўлиши мумкин. Масалан: Ёлгиз Мунисгина (S) бу ходисанинг гувоҳи бўлди (P). Ёлгиз S гина — Рдир формуласи билан ифодаланади.

Ташқарига чикарилганлик ифодаланган муроҳада: Василани ҳисобга олмагандা, барча кизлар бу фикрни маъқуллашиди.

Ажратиб кўрсатилган ва ташқарига чикарилган муроҳадалар улар мазмунидаги яширинган фикрнинг мураккаблигидан далолат беради.

Айrim илмий қарашлар, давлат қонунлари, жиноят-процессуал кодекс моддалари ажратиб кўрсатилган ва чикарилган муроҳадаларга мисол бўла олади.

Муроҳадалар англатган мазмунларига кўра икки хил бўлати: а) тасдиқ муроҳада; б) инкор муроҳада.

Муроҳададаги тасдиқ маъноси «-дир», «бўлади» каби боғловчилар, инкор маъноси «эмасдир», «бўлмайди» каби боғловчилар ёрдамида ифодаланади. Масалан: Ўзбекистон (S) — мустакил давлат (P) — тасдиқ муроҳада, S-Рдир формуласи билан ифодаланади. Олма дарахти (S) игиабаргли эмас (P эмас) — инкор муроҳада; формуласи: S-Р эмасдир.

Бирон-бир предмет, предметлар туркуми ҳақидаги тасдиқ ёки инкор маъносидаги фикр алоҳида предметга, туркумга, бутун синфга бааллугли бўлиши мумкин. Шунга кўра муроҳадалар: а) якка; б) жузъий; в) умумий бўлиши мумкин.

Алоҳида предмет, ходиса ҳақидаги гасдиқ ёки инкор маъносини ифодалаган муроҳада, якка муроҳада деб юритилади. Масалан: Абдула Орипов (S) — Ўзбекистон каҳрамони (P). Формуласи: S-Р дир. Орол денгизи (S) — дарё эмас (Р эмас). Формуласи: S-Р эмасдир.

Белги, хусусиятнинг бирор синф, ходисаларнинг кисми, бўлагига танлаш эканлиги ҳақидаги фикр шакли жузъий муроҳада, деб юритилади. Жузъий муроҳада тасдиқ ёки инкор шакллари учрайди. Масалан: Айrim талабалар (S) илмий анжумангагатнашдилар (P). Формуласи: Баъзи S-Р дир. Айrim дарахтлар (S) мевали дарахтлар туркумига кирмайди (Р эмас). Формуласи: Баъзи S-Р эмас.

Жузъий муроҳадаги жудъийлик икки шаклда ифодаланади.

- а) Ноаник жузъий. Бунда субъект (S) ни ифодалаган тушунчанинг чегараси ноаниклигича колаверади. Масалан: Айrim шаҳарлар (S) — миллионер шаҳарлар хисобланади (P). Формуласи: Айrim S-Рдир.

- б) Аник жузъий мушохада. Бунда «айрим», «баъзи» квантор сўзлар «факат айрим», «факат баъзи» маъноларини ифодалайди. Масалан: Университетимизнинг фақат айрим талабаларигина (S) «Нихол» мукофотининг совриндори. Формуласи: Факат айрим S-P дир.

Бирон-бир белги, хусусият, муносабатнинг туркумга, умумга хослиги тасдиқланган ёки инкор этилган мушохада умумий мушохада деб юритилади. Умумий мушохадалар инкор ва тасдиқ шаклида кўлланилади. Масалан: Ўамма капалаклар (S) — хашаротлар (P). Формуласи: Барча S-Pдир. Ёки, ҳеч бир жиноят (S) жазосиз қолмайди (P эмас). Формуласи: ҳеч бир S-P эмас.

Мушохадалар микдорий ва сифат кўрсаткичларига кўра умумлашган туркумларига куйидагилар киради:

1) Якка тасдиқ ва якка инкор мушохадалар: S-Pдир; S-P эмасдир.
2) Жузъий тасдиқ ва жузъий инкор; У баъзи S-P дир, О баъзи S-P дир.

3) Умумий тасдиқ ва умумий инкор мушохадалар: А Барча S-Pдир; Е ҳеч бир S-P эмасдир.

Умумий тасдиқ мушохадасининг формуласи олдига А ҳарфи, жузъий тасдиқ мушохада олдига J ҳарфи кўйилади. А ва I ҳарфлари «тасдиқлайман» маъносини ифодаловчи «*ағѓитто*» сўзининг I ва II унлиларидан олинган. Умумий инкор мушохада Е ҳарфи билан, жузъий инкор мушохада О ҳарфи билан ифодаланади. Бунда Е ва О ҳарфлари «инкор этаман» маъносидаги «*пего*» сўзининг I ва II унлиларидан олинган. Шундай килиб, сифат ва микдор жихатдан мушохадаларни бирлашган классификациясини куйидагича ифодалаш мумкин:

Z барча S-Pдир: умумий тасдиқ мушохада;

J баъзи S-Pдир: якка ёки жузъий тасдиқ, мушохада;

Z ҳеч бир S-P эмас: умумий инкор мушохада; О баъзи S-P эмас: жузъий инкор мушохада.

Мураккаб мушохада содда мушохадалардан тузилади.

Бирдан ортиқ мушохадалардан «ва», «ёки», «ё», «агар», «унда», «факат» боғловчилар ёрдамида тузилган мушохадалар уч туркумга бўлинади: а) боғланган мушохада; б) айирувчи мушохада; в) шартли мушохада.

Боғланган мушохада. Бирдан ортиқ содда мушохадалардан боғловчилар воситасида тузилган мушохада боғланган мушохада, деб юритилади. Масалан: Куз (S) келди (P), кунлар (S1) кискарди (P1) кушлар (S2) иссиқ жойларга учеб кетмоқдалар (P2). Формуласи: S-P, S1-P1, S2 — P2 дир. Боғланган мушохада мантиқда конъюнкция деб аталади. Мураккаб мушохадани қуйидагича ифодалаш мумкин: Куз келди (а), кунлар кискарди (б), кушлар иссиқ жойларга учеб кета бошладилар (с). Конъюнкциянинг математик шакли: $a \wedge b \wedge c$. Бунда \wedge белгиси боғловчини ифодалайди. Масалан: Демокрит (S1), Платон (S2), Аристотель (S3) ҳакида шу нарсани айтиш мумкинки, уларнинг ҳар бири грек

(P1) ва файласуфдир (P2). Мисолда күрсатилған мушоҳадани 2 хил формула билан ифодалаш мүмкін:

1) S1, S2, S3 — P1, P2, P3 ёки албас

Бу мұракқаб мушоҳада таркибіда күйидаги сода мушоҳадалар бор.

а) Демокрит — файласуф:

б) Демокрит — грек:

в) Платон — файласуф:

г) Платон — грек:

д) Аристотель — файласуф:

ж) Аристотель — грек:

Мұракқаб конъюнктив мушоҳаданинг маъноси уни ташкил этувчи содда мушоҳадалар маъносига боғлиқ бўлади. Агар содда мушоҳада чин бўлса, уларнинг боғланишидан хосил бўлган мұракқаб мушоҳада ҳам чин бўлади. Конъюнкция аззоларишан бирининг ҳақониги мұракқаб мушоҳаданинг католигини келтириб чиқаради.

б) Айирувчи мушоҳада. Айирувчи мушоҳада содда мушоҳадалардан «ё», «ёки», «на» боғловчилари ёрдамида шакланади. Айирувчи мушоҳада мантиқда дизъюнкция, деб юритилади. Масалан: Олди-сотли шартномаси (S) ёзма ёки оғзаки тузилиши мүмкін (P). Бу мушоҳада иккى сода мушоҳададан тузиленган: 1) Олди-сотди шартномаси ёзма тузилиши мүмкін, 2) Олди-сотди шартномаси оғзаки тузилиши мүмкін. Бунда а в б мұракқаб мушоҳаданинг кисмлари, у белгиси эса айриш маъносини ифодалайди. Юқорида келтирилған мисолни шундай формула билан ифодалаш мүмкін: а v b. Бунда v белги айирув маъносини ифодалайди.

Дизъюнкция йўли билан чиқарилған мушоҳаданинг чилиги унинг таркибидаги содда мушоҳаданинг ҳаққонийлигига боғлиқ бўлади. Дизъюнкция иккى кўринишга эга:

1) Бўш (кучсиз) дизъюнкция: Бунда дизъюнкцияни ташкил этувчи содда мушоҳадаларда акс этган белгилар ўзаро бир-бирини истисно кильмайди, балки бир вақтнинг ўзида бир предметга таалуклли бўлиши мүмкін: Совук курол санчадиган ёки кесадиган бўлади. Формуласи: P v q.

2) Жиддий (катъий) дизъюнкция. Бунда мұракқаб мушоҳада таркибидаги содда мушоҳадалар бир вақтнинг ўзида чин бўлиши мүмкін эмас. Масалан: Жиноят — атайдан ўйлаб амалга оширилган ёки эҳтиётсизлик орқали содир этилган бўлиши мүмкін.

в) Шартли мушоҳада. Шартли мушоҳада мантиқда «импликация» деб юритилади, унинг таркибидаги содда мушоҳадалар ўзаро бир-бирига «-са», «агар», «бўлмагандা» боғловчилари воситасида боғланади. Шартли

мушоҳадаларда сабаб ва окибат, макон ва вакт, семантик алоқадорлик ифодаланиди. Шартли мушоҳадани 2 хил формула ёрдамида ифодалаш мумкин; Агар $S \rightarrow P$ бўлса, $S_1 \rightarrow P_1$ дир ёки $a \rightarrow b$. Иккинчи мантикий шаклда « a » шартни « b » натижани. \rightarrow импликация белгисини ифодалайди.

Кўриниб турнидеки, мушоҳада мантиқда табий тил воситасида ҳамда математик мантиқ тилида формула воситасида ифодаланиши мумкин. Масалан: Асалариларнинг умри ё узун, ё киска бўлиши мумкин — мураккаб мушоҳаданинг табий тилдаги кўриниши. Шу мураккаб мушоҳадани математик мантиқ тилида $a \wedge b$ формуласи тарзида ифодалаш мумкин.

Мураккаб мушоҳадаларни сунъий (символик, математик мантиқ) тил билан ифодалаш мантикий тафаккурнинг ривожланишига ёрдам беради. Мушоҳадаларнинг табий ва сунъий тилда ифодаланиши тил ва тафаккурнинг ўзаро бирлиги ва алоқадорлигини исботлайди.

4. Мушоҳаданинг модал маъно хусусиятларига кўра турлари. Мушоҳадаларни, асосланганлик улар таркибидаги мантикий субъект (S) ва предикат (P) алоқадорлигининг типларида очиқ ва яширин маънонинг ифодаланиши модаллик деб юритилади. Модал маъно хусусиятларига кўра мушоҳадаларни уч гурухга бўлиши мумкин. 1) Эҳтимоллик мушоҳадалари; 2) Вокелик мушоҳадалари; 3) Зарурийлик мушоҳадалари.

Эҳтимоллик мушоҳадасида предмет ва ходисалар билан белги орасидаги алоқадорлик имконияти назарда тутилади. Олимларнинг таъкидлашларича, Марсда хаёт элементлари бўлиши мумкин. Эҳтимоллик мушоҳадасида «мумкин», «балки», «инкор эта олмайди», «назарда тутилади» каби сўз ва сўз бирималари кўлланилади.

Эҳтимоллик мушоҳадаси мазмунига кўра: тасдиқ ва инкор; ҳажмига кўра: якка, жузъий, умумий бўлиши мумкин. Масалан: Майк Тайсон тенниснинг бу партиясида голиб бўлди. Формуласи: $S \rightarrow P$.

Предметлар, ходисалар билан белги ва хусусиятлар орасидаги алоқанинг ҳозирда (маълум даврда) мавжудлиги воқелик мушоҳадасида акс этади. Масалан: Бу йил баҳор серёгин келди.

Воқелик мушоҳадаси ҳам эҳтимоллик каби тасдиқ ва инкор; якка, жузъий умумий бўлиши мумкин. Масалан: Барнаул — Олтой ўлкасининг пойтахти. Формуласи: $S \rightarrow P$. Айрим шаҳарлар субтропик зонада жойлашган. Формуласи: Баъзи $S \rightarrow P$.

Предметлар, ходисалар билан белги, хусусиятлар ўртасидаги ички, мухим, баркарор алоқадорликлар зарурый мушоҳадаларни келтириб чиқаради. Масалан: Гўзаллик - оламни қутқаради. Формуласи: $S \rightarrow P$.

Зарурийлик мушоҳадаларидаги оламни, унинг қонуниятларини билиш натижалари акс этади.

Оламдаги нареа ва ҳолисалар орасидаги муносабатлар инсон гафаккурида фикрлар орасидаги муносабатларни көлтириб чикаради.

Бирдан ортик мушоҳаданинг ҳажм ва мазмунга кўра ўзаро тўла мослиги — айният муносабати, деб юритилади. Одатда бундай мушоҳадаларда айни бир фикр тасдик ва инкор шаклиларида ифодаланади.

Масалан: Бу — очик мулокот (А).

Бу очик мулокот бўйи мослиги мумкин эмас (Б).

Еки Ахмедов тўғри сўзлади. (А)

Ахмедов хато сўзламади. (Б)

Берилган мисолларда «а» ва «в» орасида тўла мослик мавжуд. Тўла мос (айният)лик муносабатидаги мушоҳадалар эквивалент мушоҳадалар, деб юритилади.

б) қисман мослик муносабати. Сифат жиҳатидан ўзаро фарқланадиган жузъий (тасдик) й ва жузъий инкор (О) мушоҳадалар орасидаги муносабат қисман мослик муносабати, деб юритилади.

Масалан: Айрим ўсимликлар заҳарли. (А)

Айрим ўсимликлар заҳарсиз. (Б)

Бўйиниш муносабати. Умумий (тасдик, ва инкор) мушоҳадалар билан жузъий (тасдик, ва инкор) мушоҳадалар орасидаги муносабат бўйсуниш муносабати дейилади. Бўйла умумий (А ва Е) мушоҳаданинг чинлигидан жузъий (І ва О) мушоҳаданинг чинлиги келиб чиқади. Масалан: Барча ҳукукий муносабатлар ҳукук норма тартибига солинади. (А)

Баъзи ҳукукий муносабатлар ҳукук нормалари оркали тартибга солинади.
(В)

Берилган мисолдаги А нинг чинлигидан В нинг чинлиги келиб чиқади.

Ўзаро бир-бирини инкор этувчи мушоҳадалар сигишмайдиган мушоҳадалар деб юритилади. Сигишмайдиган мушоҳадалар, орасида: а) қарама-каршилик; б) зидлик муносабатлари бўлиши мумкин.

а) Қарама-каршилик муносабатлари. Қарама-каршилик муносабатидаги мушоҳадалар ўзаро бир-бирини инкор қиласди; улардан бирининг чинлиги иккичисининг хатолигини көлтириб чикаради. Масалан: Барча офицерлар ҳарбий хизматни ўтаган. А) Бирон бир офицер ҳарбий хизматни ўтамаган. (В)

Бу мисолда А нинг чинлигидан В нинг ёлғонлиги (хатолиги) келиб чиқади.

Қарама-каршилик муносабатидаги мушоҳадалар бир вактнинг ўзида чин бўлиши мумкин эмас. Лекин бир вактнинг ўзида хато (ёлғон) бўлиши мумкин. Масалан: Қишида барча күшлар иссик ўлкаларга учиб кетадилар. (А). Қишида биронта күш иссик мамлакатларга учиб кетмайди (В). Берилган ҳар иккى мушоҳада: А ҳам, В ҳам хато, учинчи (С) мушоҳада чин бўлади: Қишида баъзи күшлар иссик ўлкаларга учиб кетадилар.

Б) Зидлик муносабати. Бунда мушоҳадалар ўзаро бир- бирини тамомила инкор килади.~ А нинг чинлиги В нинг хатолигини келтириб чикаради. Учинчи фикр (С)нинг бўлиси мумкин эмас. Масалан: Барча шифокорлар олий тиббий маълумотга эга. (А). Ҳеч бир шифокор олий тиббий маълумотга эга эмас. (В).

Мушоҳадалар орасидаги муносабатни мантиқий квадрат шаклида ифодалаш мумкин:

Мушоҳадалар орасидаги муносабатлар қуйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин:

- Умумий тасдик (A) ва умумий инкор (E), жузъий тасдик (J) ва жузъий инкор (O) мушоҳадалар орасида қарама-каршилик муносабати мавжуд.
- Умумий тасдик (A) ва жузъий тасдик (J) ҳамда умумий инкор (E) ва жузъий инкор мушоҳадалари ўзаро бўйсуниш муносабатида. Бунда умумий тасдик (A) мушоҳадасининг чинлигидан жузъий тасдик (J) мушоҳадасининг чинлиги келиб чиқади.
- Умумий тасдик (A) ва жузъий тасдик (O) ҳамда умумий инкор (E) ва жузъий тасдик (J) мушоҳадалари ўзаро бир-бири билан зидлик муносабатида. Мушоҳадалар орасидаги муносабатларни билиш чин билим хосил қилиш учун имкон яратади.

7-Мавзу. Хулоса чиқариш

Режа

1. Хулоса чиқаришнинг моҳияти. Хулосанинг тузилиши.
2. Хулоса чиқариш турлари. Дедуктив хулоса чиқариш.
3. Индуктив хулоса чиқариш.
4. Аналогия бўйича хулоса чиқариш.
5. Аргументлаш (далиллаш) назариясининг мантиқий асослари.

Мавзунинг оид асосий таянч тушунчалар: индукция, дедукция, аналогия, бевосита хулоса чиқариш, бавосита хулоса чиқариш, энгимема, эпихейрема, аналогия, аргументлаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. **Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан.** Ўзбекистоннинг 20 йиллик мустақил тараққиёт йўлида кўлга киритган ютук ва натижалари, мамлакатимизнинг салоҳияти ва кудрати, туб ислоҳотларнинг моҳияти ва

- ахамиятини ахолининг кенг катламларига етказиш, жойларда ташкилий-амалий, мағаний-маърифий тадбирлар, таргигбог-ташвиқот ишларини амалга ошириш учун мўлжалланган илмий-оммабоп нашр. – Т.: «Иктисадийёт», 2011.
2. Ўзбекистон Республикаси инг Конституцияси. Г., 2010.
 3. И.А.Каримов. 2010 йил 12-ноябрдаги Олий Мажлиснинг Конунчилик палатасининг ва Сенатининг кўшима мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маъруzasи.-“Халқ сўзи” газетаси 2010 йил 13 ноябр.
 4. И.А.Каримов Юксак маънавият - сингилмас куч. Тошкент. Маънавият. 2008.
 5. С.И. Валиева, А.П. Бобоев .Мантиқ.-Т., 2011
 6. М.Шарипов, Д.Файзиходжаева .Мантиқ.Т.,2001
 7. Войшвилло Е. К., Деятарьев М.Г. Логика. – М., 1999.
 8. Гетманова А.Д. Логика. – М., 1995.
 9. Губубов Г. Математик мантиқ элементлари. – Т.: “Ўқитувчи”. 1996.
 10. Ильев Ю. В. Логика. Учебник для вузов. – М.. Логос, 1998.

1. Инсон амалий фаолияти жараёнида оламни била боради. Унинг оламга фаол муносабати билимда ўз ифодасини топади. Айрим билимларни у ҳиссий мушоҳада жараёнида хосил килади. Лекин аксаирят ҳолларда билимлар тафаккурлаш (фикр юритиш) натижаси хисобланади. Бунда билимни хосил килиш икки асосга таянади: биринчидан, билим оламни ўрганиш натижаси хисобланади. Иккинчидан, билим аввалдан маълум фикрлар асосида ақл юритиш натижасида хосил бўлади. Бу билимлар мантиқий тафаккурнинг шаклари: тушунча, мушоҳада, хулосалар тарзида намоён бўлади. Инсоннинг олам ҳакидаги фикрлари хулосалар шаклида ифодаланиши мумкин. Хулоса чиқариш мантиқий тафаккур шакли хисобланади.

Мушоҳадалар тушунчалардан таркиб топганни сингари хулосалар мушоҳада асосида хосил бўлади. Фикрлаш жараёнида мушоҳадалар ўзаро бир-бирлари билан боғланадилар. Бу боғланышлар оқибат натижада объектив оламдаги предмет ва ҳодисалар алқадорлигини ифодалайди.

Мушоҳадаларнинг ўзаро боғланishi хулосаларни хосил килади

Мухокама жараёнида оламдаги предмет ва ҳодисалар орасидаги алока ва муносабатларни ифодаловчи бир ёки бирдан ортиқ ёки мушоҳада (фикр) асосида янги билим (фикр) ни хосил килишининг мантиқий усули хулоса чиқариш деб юритилади. Хулоса чиқариш асосида мантиқ конун-коидаларига таянган ҳолда илгаридан маълум бўлган билимдан янгисига ўтиш ётади.

Хулоса чиқариш шундай мантиқий усулки, унинг натижасида инсоннинг олам ҳакидаги, билимлари узлуксиз равишда бойиб, кенгайиб, чукурлашиб

боради. Хулоса чиқаришда оламни бевосита билин билан бир каторда мантикий фикрларын әзгелаш талаб килинади.

Хулоса чиқариш учун хар сафар олам, ундаги предметларға мурожаат килиш шарт эмас. Мавжуд нарасалар хақида күлгө киритилган билим асосида янги билим хосил килиш мүмкін.

Хулосалардың мазмұнны түрліча ифодаланиши мүмкін. Айрим хулосаларда нараса на ходисалар орасидаги сабаб – оқибат алоқадорлығы акс этади. Лекин бұ хулосаларда факт сабабий бөгләнешләрига акс этади, деган сүз эмас. Масалан, «Калдирғочлар пастилаб учяпти, демек, әртага об-хаво ўзгаради», хулосасини олиб күраймын. Юзаки қараганда «Калдирғочлар пастилаб учмоқда» фикри «Әртага об-хаво ўзгаради» хулосаси учун асосдек, бұлып күринади. Аслида бұ фикр чукур таҳлил килинса, «об-хавонинг ўзгариши» қақидаги фикрга асослар ўзгача эканлыгини билиш мүмкін. Бунда күзатылған ходисалардың бошка ходисалар билан алоқадорлығы маълум бўлади: Калдирғочларнинг пастилаб учшилга сабаб — пашша-чивинлар. Улар ҳаводаги намликтарнинг ошганлигидан пастилаб учади, калдирғочлар эса пашша-чивинлар билан озиқланади. Демек, пашша-чивинлар табиат даражасында сифатида ҳавонинг намлиги ошганлигидан, хабар берммоқда. Бу ўз навбатида калдирғочларни пастилаб учшилга мажбур кильмоқда. Демек, әртага об-хавонинг ўзгариши калдирғочларнинг пастилаб учшилдан эмас, балки атмосферадаги ўзгаришдан, ҳаводаги намликтарнинг ортишидан келиб чиқиши мүмкін.

Биринчи типдаги хулосаларнинг чинлигини аниклаш мүшкүл, шунинг учун ҳам агар хулосалар вазиятлар мазмунидан чиқарылған бўлса мунозара, баҳсга сабаб бўлиши мүмкін.

Формал - мантикий йўл билан чиқарылған хулосаларда эса асос (асослар) билан хулоса орасида нисбий баркарор алоқа ва муносабатлар мавжуд бўлади ва бу алоқа, муносабатлар мантиқ конун-коидалари асосида шаклланади.

Хар қандай хулоса иккى кисмдан иборат бўлади;

1.Асос ёки асослар

2.Хулоса

Асос ёки асослар деганда хулосаны келтириб чиқаришга хизмат килаған, илгаридан маълум бўлган билимлар назарда тутилади. Асослар муносабатидан келиб чиқадиган билим (натижә) хулоса деб юритилади.

Хулоса обьектив олам инъикоси хисобланган фикрлар орасида сабабий алоқадорликни ифодалайди. Шуниси характерлики, хулоса чиқаришда инсон фикри сабаблар (асос)дан натижага эмас аксинча натижә (хулоса)дан унга асос бўлган сабабларга қараб бориши мүмкін, Масалан: Жиноят жазосиз қолмайди (асос)

Террорчилик — жиноят (асос)

Демак, Террорчилик жазосиз көмайди (хulosса) ёки
Калдирғочлар настлаб учмокда.

Демак эртага об-хаво ўзгаради (хulosса)

Табиий тиілда хulosада «демак», «натижада», «күриниб турибиди», «шунинг учун» каби сұз ва сұз бирикмалари учрайди.

Хulosанинг чин ёки хато (ёлғон)лиги, биринчидан, асос (асослар) нинг чинлигі, иккінчидан, асос (асослар) билан хulosанинг мантиқий муносабатига (фикрнинг изчилигі, асослар билан натижанинг узвий алокадорлигі ва хоказо) боғлик бўлади. Агар В хulosада A дан келиб чиқса, ва унинг натижасини ифодаласа, тўгри (чин) бўлади. Аксинча В хulosада A асосдан келиб чиқмаса, хато (ёлғон) хисобланади. Шундай қилиб, хulosанинг тўгрилиги мантиқий кетма-кетлик, асослар билан натижанинг алокадорлигидан келиб чиқади.

Асослардан хulosанинг келиб чиқиши иккى йўлда амалга ошади: айримларида хulosада асослардан зарурый равишда келиб чиқади. Бундай хulosада демонстратив (зарурый) хulosада, деб юритилади. Бошқаларида асослардан чикарилган хulosада ҳақиқатга яқин, эҳтимоллик характеристига эга бўлади. Бундай хulosалар нодемонстратив, ёки ҳақиқатга яқин хulosалар, деб юритилади.

Хulosада чикаришнинг З асосий тuri мавжуд:

1. Дедуктив хulosада чикариш;
2. Индуктив хulosада чикариш;
3. Аналогия бўйича хulosада чикариш.

Инсон фикрининг умумийликдан яккаликка караб бориши натижасида хосил бўлган янги билм дедуктив хulosада деб юритилади.

Индуктив хulosада чикаришда фикр яккаликдан умумийликка караб боради. Алоҳида предмет ва ходисаларнинг ўшаш ва фарқли томонларини таҳлил этиш асосида аналогия бўйича хulosада чикарилади.

Дедуктив хulosада чикариш иккى усулда амалга оширилади:

- 1) бевосита дедуктив хulosада чикариш;
- 2) билвосита дедуктив хulosада чикариш.

Бир асосдан мантиқий таҳлил орқали янги фикр (билим) ни хосил қилиш-бевосита дедуктив хulosада чикариш, деб юритилади. Бунда айрим мушоҳадалар кайта ишланади. Янги фикр (билим) га асос бўлган мушоҳада хulosанинг асоси, хосил бўлган янги фикр-хulosада бўлиб хисобланади.

Бевосита хulosада чикаришда мантиқ усувлар ёрдамида амалга ошади.

Бундай мантиқий усувларнига қўйидагилар киради: а) алмаштириш орқали хulosада чикариш Z, б) айлантириш орқали хulosада чикариш Z; в) предикатга қарана-қарши қўйиш Z, г) мантиқий квадрат.

Алмаштириш шундай мантиқий усувлари, бунда асос бўлган хукмнинг субъекти (S) хulosанинг предикатига (P), унинг предикатиги (P) эса хulosанинг субъекти (S) га алмаштирилади. Бундан фикрининг мазмуни ўзгармай қолади.

Масалан: Группамизнинг айрим талабалари (S) — аълочи (Р). Демак, айрим аълочилар (S) — группамиз талабалари (Р).

Алмаштириш чиқарилган хуросанинг аник бўлишини таъминлади. Алмаштириш натижасида умумий тасдик (A) мушоҳададан жузъий тасдик (J) ни хосил қилиш мумкин. Масалан: Республикализнинг барча вилоятлари давлатта пахта топшириш шартномавий мажбуриятларини бажардилар. Демак, Тошкент вилояти ҳам давлатта пахта топшириш шартномавий мажбуриятларини бажарди. Берилган хуросани куйидаги схемага солиш мумкин:

Барча S — Р (A)

Демак, айрим S — Р (J)

Шунингдек, алмаштириш натижасида умумий инкор хукм (E)дан умумий инкор хукм (E)ни, умумий тасдик хукм (A)дан умумий тасдик хукм (A)ни хосил қилиш мумкин,

Айлантириш орқали хуроса чиқариш шундай мантикий усулки, асос килиб олинган мушоҳаданинг субъекти (S) хуросада ҳам субъект сифатида колади, лекин предикат ва боғловчи ўз қарама-кархисига айланади,

Кискача килиб айтганда, айлантириш ёрдамида асосга teng, лекин мазмун жихатидан қарама-карши фикр жузъий тасдик (J) мушоҳададан хосил килинади. Масалан: Ҳар қандай жиноят жазоланмоги лозим. Демак, ҳеч қандай жиноят жазоланмаслиги мумкин эмас.

Схемаси: S — Р дир.

Демак S — Р эмасдир .

Айлантириш натижасида умумий тасдик (A) мушоҳададан умумий инкор (E) жузъий инкор (O) мушоҳада хосил килинади,

Масалан: Ўамма босқинчилик урушлари — адолатсиз. Демак, Ўамма босқинчилик урушлари — адолатли эмас.

Схемаси: Ҳар бир S — Р дир.

Демак ҳеч бир S — Р эмасдир.

Айлантириш мантикий услубининг икки кўриниши мавжуд:

1) Содда айлантириш

2) Чеклаш орқали айлантириш.

Содда айлантирища хуросага асос килиб олинган фикр ва хосил бўлган янги фикр ҳажм жихатидан teng бўлади. Масалан: Факат барча квадратлар — томонлари teng тўртбурчак.

Демак, барча томонлари ўзаро teng тўртбурчаклар — квадрат.

Схемаси: Барча S — Р дир

Барча Р — Б дир.

Чеклаш оркали айлангириш натижасида умумий тасдик (A) ҳукмдан жузъий тасдик (J) ҳукм ҳосил килинади.

Масалан: Барча планеталар — шарсизон.

Демак, Ер - шарсизон.

Предикатга қарама-карши қўйиш. Бунда холосанинг субъекти асоснинг предикатига, холосанинг предикати асоснинг субъектига зид бўлади. Масалан; Ўамма талабалар билимга чанкоч. Демак, хеч бир талаба билимга чанкоч бўлмаслиги мумкин эмас.

Формуласи: А Барча S-P дир,

Демак, О Айрим S-P эмасдир.

Мантикий квадрат бўйича А-О ҳамда Е-Ј зид, яъни контрадиктор ҳукмлар хисобланади ва учичиси истисно қонунига бўйсунади. Бунда А нинг чинлигидан О нинг ёлғонлиги келиб чиқади. Демак, зид ҳукмлардан бевосита холоса чиқариш мумкин эмас.

Масалан: Суднинг айрим карорлари оқслайди (J). Суднин ҳеч бир карори оқламайли(Е).

Холосани мантикий квадрат бўйича чиқариш мумкин. Муноҳадалар орасидаги муносабатларга таянган ҳолда холоса чиқариш мантикий квадрат бўйича холоса чиқариш, деб юритилади.

Маълумки, муноҳадалар орасида қарама-каршилик, зидлик ҳамда бўйсуниш муносабатлари мавжуд.

А-Е ҳамда Ј-О муноҳададлар орасида қарама - қаршилик муносабати мавжуд. Бунда бир ҳукмнинг чинлигидан иккинчисининг хатолиги келиб чиқиши шарт змас. Масалан: Айрим талабалар рейтинг балларини тўплайди. Айрим талабалар рейтингни балини тўплай олмайди. Бунда муноҳаданинг биринчиси асос, иккинчisi холоса бўлиши мумкин.

А-Ј ҳамда Е-О ҳукмлари бўйсуниш муносабатида. Шунинг учун ҳам умумий инкор (Е) ҳукмдан жузъий инкор (О), умумий тасдик (A) ҳукмдан жузъий тасдик (J) ҳукм ҳосил килиниши мумкин.

Бирдан ортиқ асосдан янги фикрни ҳосил қилиш мантикий услуби билвосита холоса чиқариш, деб юритилади. Билвосита холоса чиқариши жараённада инсон фикри умумийликдан яккаликка, яккаликдан умумийликка, жузъийликдан жузъийликка қараб бориши мумкин. Шунга кўра холоса чиқариш уч йўлда амалга оширилади:

1. Дедуктив холоса чиқариш. Бунда инсон фикри умумийликдан яккаликка қараб боради.

2. Индуктив холоса чиқариш. Бунда инсон фикри яккалик, жузъийликдан умумийликка қараб боради.

3. Аналогия воситасида холоса чиқариш.

Билвосита хulosса чиқаришнинг мухим турларидан бири — дедуктив хulosса чиқариш ҳисобланади. Дедуктив хulosса фикримизниң умумийликдан яккашника қараб бориши натижасида ҳосил қилинади. Дедуктив хulosса чиқариш назарияси буюк юонон файласуфи Арасту (384-322) томонидан ишлаб чиқилган.

Аристотель каламига мансуб «Биринчи ғналитика», «Иккинчи аналитика» китобларида силлогизм таълимоти асослаб берилган.

Билвосита дедуктив хulosса чиқаришнинг энг кенг тарқалган тури силлогизм ҳисобланади. Силлогизм грекча *syllogismos* сўзидан олинган бўлиб, санаш ороқали хulosса чиқариш, деган маънони ифодалайди.

Икки катъий хукмнинг боғланиши асосида чиқарилган хulosса содда катъий силлогизм, деб юритилади. Содда катъий силлогизм З қисмдан иборат бўлади:
а) катта асос; б) кичик асос; в) хulosса.

Содда катъий силлогизм куйидаги шаклда ёзилади.

Мустакил давлат ўз конституциясига эга.

Ўзбекистон — мустакил давлат.

Демак, Ўзбекистон ўз конституциясига эга. Берилган мисолдаги биринчи фикр («Мустакил давлат ўз конституциясига эга») — катта асос. Унда умумий фикр ифодаланган. Иккинчи фикр («Ўзбекистон — мустакил давлат») — кичик асос. Учинчиси — асослардан келиб чиқсан хulosса («Демак, Ўзбекистон ўз конституциясига эга»).

Содда катъий силлогизмда З термин мавжуд. Бу терминлар катта асосни кичик асосга боғлаш ороқали янги фикр (силлогизм хulosаси) ни чиқариш имконини беради.

Булар: Катта термин — Р

Кичик термин — S

Ўрта термин - M

Катта (Р), ўрта (M), кичик термин (S) силлогизм хulosасининг таркибий қисмларидир. Катта термин (Р) катта асоснинг таркибига киради, ҳамда хulosада предикат вазифасини бажаради, Кичик термин (S) кичик асоснинг қисми ва хulosанинг субъекти ҳисобланади. Ўрта термин (M) катта асосни кичик асосга боғлайди. Содда - катъий силлогизмнинг таркибини қуйидагича ифодалаш мумкин:

M

Барча давлатлар ўз иқтисодиётининг тараккij эттиришдан манфатдор.

Ўзбекистон — давлат.

Лемак, Ўзбекистон ўз иктисодиётини тараккий ўтиришдан манфаатлор.
Содда катъй силлогизмни қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

Барча М — Р дир.

S — M дир.

Демак, S — P дир.

Силлогизм хуносаси:

а) катта асосдан бошланлан тақдирда фикр умумийликдан яккаликка караб боради.

XVII - XIX аср зиёлларни маърифатпарварлик ғояларини илгари сурлилар
Аваз Ўтар ўғли — XIX аср зиёлиси.

Демак, Аваз Ўтар маърифатпарварлик ғояларини илгари сурди.

б) кичик асосдан бошланса, фикр яккаликдан умумийликка караб боради.

Масалан:

Сув — жисм

Жисм — химиявий элементлардан таркиб топган.

Демак, сув химиявий элементлардан таркиб топган.

в) Айрим ўринларда фикр яккаликдан жузъийликка караб бориши оркали хулоса чиқариш мумкин. Масалан:

Ҷалиқ жабра билан нафас олади.

Балик — хайвон

Демак, айрим хайвонлар жабра билан нафас олади.

Силлогизм аксиомаси. Юкоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, икки муноҳада асосида силлогизм хуносаси ҳосил қилинади. Шу ўринда кандай килиб икки фикр, икки асосдан янги фикр — хулоса ҳосил қилиш мумкин? деган савол пайдо бўлиши табиий. Маълумки, дедукция (яъни, фикрнинг умумийликдан яккаликка караб бориши) оламдаги нарса ва ҳодисалар орасида мавжуд бўлган оддий алоқа ва муносабатларга, асосланади. Бу алоқа ва муносабатлар ичida жинс ва тур, умумийлик билан яккалик орасидаги муносабатлар алоҳида ўрин тугади. Биз ўзимизни ўраб олган объектив оламни ўрганар эканмиз, ундан нарса ва ҳодисалар умумийликка эгалигини; бу умумийлик алоҳида предмет ва ҳодисалар тарзида намоён бўлишини кўп бор кузатганимиз ва бунда умумга ҳос бўлган хусусиятлар алоҳидалиқда ҳам намоён бўлишини англаганимиз. Вакт ўтиши билан умумийлик ва яккалик, жинс ва тур орасидаги муносабатларнинг онгимизда тақорор-такрор акс этиши силлогизмнинг ички қонуниятини тушунишга имкон берган. Силлогизмнинг моҳиятини ифодалайдиган бу қонуният мантиқда силлогизм аксиомаси деб юритилади. Силлогизм аксиомасида буюмларга ҳос яккалик, маҳсуслик ва умумийлик орасидаги


муносабатлар ифодаланади. Унга кўра синфга, туркумга хос тасдиқланган ёки инкор этилган белги, хусусиятлар шу туркумга киравчи хар бир предметга, хар бир ходисага хос бўлиб хисобланади.

Силлогизм аксиомаси деганда силлогизм хulosасининг исбот, дайил талаб килмайдиган қоидаси назарда тутилади. Силлогизм аксиомаси унинг терминлари P, M, S орасидаги муносабатни ифодалайди. Бунда P умумийликни ифодалайди, M унинг белгиси. M P га (яъни умумга) хос бўлгани учун уз навбатида алоҳидалик (S) нинг ҳам белгиси бўлиб хисобланади.

Силлогизм аксиомасини кўйидаги схемада ифодалаш мумкин:

Схеманинг ўқилиш тартиби:

SM нинг белгиси, MV
нинг белгиси.



Силлогизм аксиомасининг 2 хил ифодаси мавжуд:

1. Белгининг белгиси нарсанинг ўз белгисидир. Бошқача килиб айтганда жинсга мансуб белги турга ҳам хосдир.
2. Белгининг белгиси. бўлмаган нарса нарсанинг ўз белгиси эмасдир. Маъноси: агар белги туркумга хос бўлмаса, нарсага ҳам хос эмасдир. Бундай ҳолатда силлогизм терминлари (P, M, S,) ни кўйидагича ифодалаш мумкин:

P — жинс

M-тур

S — алоҳида предмет

Силлогизм воситасида чиқарилган хulosаларнинг чинлигини таъминлаш силлогизм қоидаларига риоя этишини талаб килади. Булар:

1. Силлогизм хulosасида фикр ҳам термин ҳам на ундан ортиқ ға на кам ҳам бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда хuloscha чиқариш мумкин эмас.

Силлогизм фигуранлари. Силлогизм хulosасидаги ўрта терминнинг жойлашувига қараб ўзаро, бир-биридан фарқланадиган шакллари силлогизм фигуранлари деб юритилади.

Мантиқ илмида силлогизмнинг 4 фигураси асослаб берилган.

Булар: а) Силлогизмнинг биринчи фигураси

б) Силлогизмнинг иккинчи фигураси

с) Силлогизмнинг учинчи фигураси

д) Силлогизмнинг тўртинчи фигураси

Силлогизмнинг биринчи фигурасида ўрта термин М катта асоснинг субъекти ва кичик асоснинг предикати вазифасида келади, ҳамда асосларни бир-бира боғлади.

Силлогизмнинг иккинчи фигурасида ўрта термин М катта ва кичик асосда предикати вазифасида келади ва уларни бир-бира боғлади.

Силлогизмнинг учинчи фигурасида ўрта термин М хар иккала асоснинг субъекти хисобланади ва асосларни бир-бира боғ.

Силлогизмнинг тўртинчи фигурасида ўрта термин М катта асоснинг предикати ва кичик асоснинг субъекти бўлиб келади ҳамда уларни ўзаро боғлади.

Силлогизм модуслари.

Силлогизм модуслари деганда силлогизмнинг хар бир фигураси доирасида чиқариладиган хуносаларни турлари назарда тутилади. Силлогизм таркибида мушоҳадаларнинг қоидаларга зил келадиган боғланишлари. Силлогизм модуслари дейилади. Силлогизмнинг хар бир фигураси доирасида 64 тагача модус бўлиши мумкин. Модуслар силлогизм хуносаси таркибига кирган мушоҳадалар тури билан белгиланади. Масалан: Силлогизмнинг бир фигурасининг модуси А тарзида бўлиши мумкин. Бунинг маъноси шуки, силлогизмнинг хар З кисми (катта асос, кичик асос, хулоса) умумий тасдиқ (A) мушоҳададан иборат.

Силлогизмларнинг асосий турлари.

Хуносас учун асос бўлган мушоҳадалар мөхиятига кўра силлогизм хуносалари уч туркумга бўлинадилар:

1. Катъий силлогизм.
2. Шартли силлогизм.
3. Айирувчи (бўлинувчи) силлогизм.

Катъий силлогизмда асослар катъий мушоҳададан иборат бўлади.

Масалан: Металл иссиқлик ўтказади.

Мис - металл

Демак, мис иссиқлик ўтказади.

Асослар ёки асослардан бири шартли мушоҳададан иборат силлогизм шартли силлогизм, деб юритилади. Маслан:

Теракларнинг барглари учидан саргайса, қиши каттиқ келади.

Теракларнинг барглари учидан саргайди

Демак, қиши каттиқ келиши мумкин.

Асослардан бир айирувчи (бўлинган) мушоҳададан иборат бўлса, айирувчи (бўлинган) силлогизм, хосил бўлади.

Бурчаклар ё ўткир, ё ўтмас, ё тўғри бўлади.

Бу - тұғри бурчак.

Демак, Бу - на ўткір, на ўтмас бурчак эмас.

Силлогизм тузилишнің күра солда, мұраккаб, мұраккаб - кисқартма турларға бўлинади.

Содда силлогизм. Содда силлогизм З кисм (кatta асос, кичик асос, хulosса) хамда З термин (P, M, S) дан иборат бўлади. Шу билан бир вактда содда силлогизмлар ҳар доим ҳам тўлик ҳолда ҳам учрайвермайди. Аксари ҳолларда силлогизмларнинг содда кисқартма шакллари учрайди.

Содда кисқартма силлогизмлар мантиқда энтилема деб юритиладилар. Энтилема – асослардан бири ёки хulosаси колдириб ифода этилган силлогизм.

Масалан: Бу балиқ - акула.

Демак, бу балиқ - йиртқич.

Бу мисолда катта асос (Айрим балыклар – йиртқич) тушуриб колдирилган.

Мұраккаб силлогизм.

Мұраккаб силлогизм мантиқда полисиллогизм деб юритилади. Полисиллогизмлар иккі ва ундан ортиқ сода силлогизмлардан ташкил топади.

Масалан: Спорт соғлиқни мустаҳкамлайди.

Гимнастика – спорт.

Гимнастика соғлиқни мустаҳкамлайди.

Ритмик гимнастика – гимнастика.

Ритмик гимнастика - соғлиқни мустаҳкамлайди.

Поллисиологизмнинг 2 тури мавжуд:

а) Прогрессив полисиллогизм

б) Регрессив полисиллогизм.

Прогрессив полисиллогизмда илгариги силлогизмнинг хulosаси янги силлогизм учун асос вазифасини бажаради.

Масалан: Санъат қалбни даволайди.

Театр – санъат

Демак, театр - қалбни даволайди.

Драмматик театр – театр.

Демак, Драмматик театр қалбни даволайди.

Регрессив полисиллогизмда илгариги силлогизм хulosаси кичик асос вазифасини ўтайди.

Масалан: Чинор – дараҳт

Дараҳт - ўсимлик.

Чинор - ўсимлик

Ўсимлик – организм

Чинор – организм

Организм – парчаланади.

Чинор парчаланали.

Мураккаб силлогизмлар *этихейрема* ва *соритлар* шаклида намоён бўлиши мумкин. *Этихейрема* – шундай мураккаб кискартма силлогизмки, унинг асослари энтилемалардан иборат бўлади. Масалан:

Ёлғон нафратга лойик, чунки у аҳлоқизлик.

Ёлғондака мактоб - ёлғон, чунки унда хақикат

бузуб кўрсатилади.

Ёлғондака мактоб - нафратга лойик

Сорит - - кискартма силлогизмлар йигинидиси.

Уч - ток сон

Ҳамма ток сонлар – натурал сон

Ҳамма натурал сонлар – рационал сонлар.

Уч – рационал сон.

3. Индуктив хулоса чиқариш. Индуктив хулоса чиқариш жараёнида инсон фикри яккалиқдан умумийликка караб боради. Индуктив лотинча «*induktiv*» сўзидан олинган бўлиб, «чиқариш», «хосил қилиш» маъноларини англатади. Индуктив хулоса чиқариш инсоният амалий ва аклий фаолиятининг ўзига хос натижаси хисобланади. Инсоният кўп асрлик ижтимоий – тарихий амалиёти туфайли якка предмет ва ҳодисаларга хос айрим белги - хислатларнинг бошқаларида такрорланишини билди олган. Бу такрорланиш оқибатда инсон фикрини яккадан умумийликка караб йўналтирган. Якка предмет ва ҳодисаларни такрор ва яна такрор ўрганиш уларнинг умумий хусусиятларини пайкашга олиб келган. Кишилар амалий фаолият жараёнида кўпдан кўп алоҳида фикрлардан умумий коидалар ҳосил килгандар, оламни билишда яккалик, алоҳидаликдан умумийликка караб боргандар, алоҳида фактлар, ҳодисаларни умумийлаштиргандар.

Инсоннинг ҳар қандай билими асосида алоҳидаликдан умумийликка караб бориши ётади. Дмитрий Менделеев алоҳида элементларни ўрганиш орқали химиявий элементларнинг даврий системасини кашф этди. Умуман олганда, ҳар қандай қашфиётнинг моҳиятида маълум маънода яккалиқни умумлаштириши ётади. Индуктив хулоса чиқариш тафаккурнинг ўзига хос услуги хисобланади. Фикрлашинг индуктив услуги хакидаги дастлабки маълумот қадимги юнон фалсафасига бориб тақалади. Буюк Юнон файласуфи Сукрот (э.а.469-399) ҳар қандай билим умумийлик хакидаги тушунчадир. Умумийлик эса алоҳида ҳодисаларни ўрганиш ва солиштириш натижасида юзага келади, деб билган. Индуктив хулоса чиқариш мантикий усулига Сукрот асос согланлигини Арасту ўзининг «Метафизика» асарида кўрсатиб ўтган эди. У икки нарса Сукротга

тааллукли: бири индуктив мухокама, иккинчиси эса умумий таърифлардир, деб күрсатган.

Индуктив хулоса чиқариш түгрисидаги таълимот Арасту карашларидан ривожлантирилди. У. жумладан, «Оддий санаш индукцияси» ва нотўлик индукция түгрисида маълумот берган. XVII-XVIII асрларда табиатшунослик фанларининг ривожланиши индуктив логикага кизикишни кучайтириди. Инглиз файласуфи Фрэнсис Бэкон ўзининг «Янги органон» асарида оддий санаш йўли билан хосил бўладиган оммабоп индукция хар доим ҳам ишонарли бўлавермайди;

Индукциянинг шундай номларини топмок керакки, улар ҳодисаларнинг мухим, асосли томонларини ўзида умумлаштирун, деб кўрсатган эди. Бэкон бундай шаклларни муайян схемага (тартибга) солиб ўрганишини таклиф этди. Унинг фикрича, барча хилма-хил ҳодисаларни муайян санокли шаклларга солиш мумкин. Бу караш чекланган бўлсада, ўрта аср соҳоластикасига қарама-карши ўзароқ ўрганишини фактлардан, олами ўрганишидан бошланган талабини илгари сурғанлиги билан аҳамиятли.

Фрэнсис Бэкон ҳамда табиатшунос олим Дж. Гершелғўнинг карашларини файласуф, мантиқиунос олим Джон Стюарт Миллғў (1806-1878) ривожлантириди. У логиканинг асосий максади ҳодисалар ўртасидаги сабабий алоқадорликни пайкашдан иборат, деб билди. Лекин Джон Милл индукциянинг аҳамиятини абсолютлаштириди, уни дедукциядан ажратиб кўйди.

Индукция тушунчаси фанда З маънода қўлланади:

1. Индуктив хулоса чиқариш маъносида
2. Оламибилиш методи маъносида
3. Мухокама юритиш услуги маъносида

Индуктив хулоса чиқариш шундай мантиқий услугики, муайян туркумга мансуб айрим предметлар ҳақидаги билимлардан бутун туркум ҳақидаги умумий фикрлар хосил килинади.

Индуктив хулоса чиқариш маълум маънода ҳақиқатга якин хулоса чиқаришdir. Индуктив хулосанинг чинлиги қуйидаги коидаларга боғлик бўлади:

1. Асосларнинг чинлиги; 2. Улар орасидаги алоқадорликнинг реал мавжудлиги. Лекин бундан ҳар қандай чин асослардан чин хулоса чиқариш мумкинлиги келиб чикмайди.

Бу хатолар мантиқнинг етарли асос конунини бузуб талкин этишдан келиб чиқади.

Индуктив хулоса чиқариш 2 йўл билан амалга оширилади:

1. Тўлиқ индукция
2. Нотўлиқ индукция

Тұлғык индукция шундай индуктив хулоса чиқариш услубики, бунда мұайян түркүмгә мансуб предметлар ҳақидаги фикр унга мансуб барча предметларни белгисінде камраб олади ва уларни чукур ўрганиш оркали чиқарылади. Тұлғык индукцияда асослар йигиндиси хулосага тенг бўлади. Буни қўйдаги схемада ифодалаш мумкин:

$S_1 - P$ дир

$S_2 - P$ дир

$S_3 - P$ дир

$S_4 - P$ дир

Демак, $S - P$ дир

Аристотел тұлғык индукцияни индуктив силлогизм деб атаган. Тұлғык индукция қонуулары Каринский томонидан ўрганилди. У ўзининг «Ходисалар классификацияси» асарыда «Биз тұлғык индукция янги билим бермайды, ундаги билим маълум предметлар доирасидан четта чиқмайды, деган фикрга кўшила оламиз. Бунда янгилик, янги фикр шундан иборат бўладики, у предметтар турку мини ўзича характеристайди» - деб кўрсатади.

Тұлғык индукция хулоасининг чинлигиги қўйдаги талабларнинг бажартишини такозо этади:

1. Ўрганилаётган түркүмгә мансуб предметлар доирасини аник билиш;
2. У ёки бу хусусиятнинг шу синфдаги хар бир предметга таалуқли эканлигини аниқлаш;
3. Синфа, түркүмгә мансуб предметлар чегарасининг аник бўлмоғи.

Тұлғык индукция хулоасаси мұайян түркүмгә мансуб айрим хулосаларни чукур ўрганиш имкониятини яратиб беради. Олатда тұлғык индукциядан исбот талаб этиладиган мухокама жараённан фойдаланилади. Масалан: хар кандай учбурчак ички бурчакларининг йигиндиси 180^* га тенг. Бунда ўтқир, ўтмас, гўғри бурчакли учбурчак назарда тутилади.

Номұлық индукция шундай мантикий услубки, унда түркүмгә мансуб предметлар ҳақида чиқарылган хулоса унинг таркибиға кирувчи барча предметларни камраб олиши шарт эмас. Масалан: сув (H_2O)² водород атоми ва 1 кислород атомидан иборат.

Номұлық индукция ехтимоллық, ҳақыкатта яқинлик характеристига эга бўлади. Масалан: иситилганда азот, кислород, водородларнинг кенгайини кузатилади. Шу асосда газлар иситилганда, кенгаяди, деган хулосага келиш мумкин. *Номұлық индуктив хулоса чиқариш* 3 кўринишда учрайди:

1. Оддий санаш оркали индуктив хулоса чиқариши. Бу оммабоп индукция, деб аталади.
2. Фактларни танлаш ва таҳлил этиши оркали хулоса чиқариши.
3. Салбий алоқадорликни аниқлашга қаратилган илмий индукция.

Олдий санааш орқали индуктив хулоса чиқариш деганда, шу туркүмга мансуб айрим предметлар асосида чиқарылған хулоса назарда тутилади. Тұлік бұлмаган индукцияның бу түри фикрнинг аник предметлардан бошқаларига үтиш имкониятими беради. Бундай хулоса доимо тахминий бұлиб қолади, чунки унда күзға ташланмаган бошка предметлар ҳам назарда тутилади. Шундай ҳол күзатилиши мүмкін, у ёки бу зидликни ifodalovchi предмет күздан яширип бұлған бұлиши мүмкін. Бу ҳол биз уни етарлича тұлік билмаганимиздан далолат беради.

5. Аналогия грекча *analogia* сүзидан олинган бұлиб, мувофиқлик, үхашали маңноларини аングлатади. Аналогия ёрдамида хулоса чиқаришнинг энг қадимги услугабардан бири хисобланади. Аналогия инсон тафаккури тараққиётинин дастлабки босқичларидан бошлаб ривожланған.

Бунда аналогия хулоса чиқаришнинг шундай услугики, муайян белгінинг, мұносабатнинг предметта хослиғи ҳақидаги хулоса бошка предметнинг белгі ва мұносабаттарын солишириши воситасида чиқарылади.

Аналогияда үрганилаётан предмет моделер, унга хусусиятлари белгиләри үшшаган предмет прототип, деб юритилади ва уларни редмети a,b,c,d хусусиятларига әга.

Демак, В предмети өз хусусиятига әга бұлиши мүмкін.

Ер ва Құш солиширилалайты, дейлик. Ернинг күшігә үхашаш элементлари: а) ҳар иккиси бир системага киради. б) спектрал анализ орқали ҳар иккаласининг кимәвий тузилиши үхашлалиги аникланди. в) Күшшда гелий мавжудлиғи аникланди ва шу асосда гелий Ерда ҳам мавжуд бұлса керак, деган хулоса чиқарылды. Кейинчалик бу хулоса гелий элементининг кашф килиниши билан исботланди.

Аналогия ёрдамида хулоса чиқаришдан амалиётта кенг фойдаланилади. Масалан: гүзәдеги күсакка қараб, хосилдорликни аниклаш; әкин зааркунандаларига карши курашнинг биологик усулини топиш; түрли техник воситалар, мосламалар ясаш, кибернетик машиналарни яратыш ва бошқаларда мантикалық фикрлашнинг аналогия усулидан фойдаланилған.

Аналогия ёрдамида чиқарылған хулосалар инсоннинг олам ҳақидаги билимларининг чукурлашувига хизмат қылади.

Одатда аналогия бүйічча чиқарыладын хулоса әхтимоллик характерига әга бўлади, унинг ҳақиқатга қанчалик якинрок бўлиши бир катор омилларга боғлик бўлади:

- үрганилаётган ва солиширилаётган обьект мүмкін кадар кўпроқ умумий белгиларга әга бўлиши;

- бу белгиларнинг мүмкін кадар кўпроқ нарса ва ҳодисалар мөхиятидан келиб чиқиши.

Хулосага асос килиб олинган ахборот (белги, томон ва ҳоказо)нинг характеристига кўра аналогия 2 кўринишда намоён бўлади:

1. Сифат аналогияси
2. Муносабат аналогияси

Предмет, ҳодисаларнинг сифат (хусусият)ларидағи ўхшашлик сифат аналогиясини ҳосил киласди. Масалан: Жанубий Африка ясситоглигининг геологик структураси Ёкутистон тоғларникига ўхшаш. Жанубий Африқадан кўпдан-кўп олмос тоғ конлар топилган. Олмос – хаворангсимон минерал. Ёкутистонда ҳам олмос конлари бўлиши мумкин.

Муносабатлардаги ўхшашлик муносабат аналогиясини ҳосил киласди. Муносабат аналогияси сабабий алоқадорлик шаклида намоён бўлади. Масалан: Ерга олманинг тушишининг сабаби Ернинг тортиши кучи. Ой ернинг тортишиш кучи туфайли унинг атрофида харакат киласди. Ер, бутун планеталар Күни атрофида харакат киласди. Шу орқали бутун чунё тортишиш конунини тушуниши мумкин.

Бионика фани жонли табиат объектлари, ҳодисаларини ўрганиш асосида у хакидаги билимларни янги техника технологияда кўллаш билан шуғулланади. Физик олим Резерфорт ишлаб чиқкан атом тузилишини модели атом ядроси билан электронлар муносабатидаги ўхшашликка асосланган. Ўхшашлик-ўхшаш томонларни аниклаш, билим ва амалиётда муҳим ўрин тутади. М.В. Ломоносов «ўхигаги» бирон бир нарсани исботламайди, балки исботланадиган нарсани тушунтиради», -деган эди.

Ҳосил бўладиган билимнинг характеристига кўра аналогия З кўринишда намоён бўлади:

1. Катъий аналогия.
2. Катъий бўлмаган аналогия.
3. Ёлғон аналогия.

Катъий аналогия ўхшаш томонлар, белгилар орасидаги зарурый лока ва муносабатлар асосига кўрилади. Қатъий аналогия илмий изланишларда кенг кўлланилади. Илмий тадқикотларни моделлаштириш усули катъий аналогияга асосланган.

Катъий бўлмаган аналогия эҳтимоллик характеристидаги (тахминий) хулосаларни ҳосил киласди. Самолётлар моделини синаши катъий бўлмаган аналогияга асосланади.

Катъий бўлмаган аналогияда билимнинг ишончлилик даражасини ошириш учун кўйидагиларга эътибор бериш лозим:

1. ўхшаш хусусиятлар томонларнинг кўплигига;
2. асосий, зарурый белгилар томонлар ўхшашлигига;
3. ўхшашликнинг иложи борича хар томонлама бўлишига;
4. фаркларнинг микдори ва сифатига;

5. чиқарилаётган хulosадаги эхтимол борлиги назарда тутилған белгінің үшаш белгиларга якын типни ифодалашиға. Булар аналогия бүйіч ачиқарладыған хulosаларнің асосий қойыдалари ҳисобланады.

Ёлғон аналогия баъзан мухолифи алдаш мақсадида құлланиши мүмкін. Бунда ёлғон аналогия соғиғстик усулни ифодалайды. Предметлар қодисаларнің мөхияттіні хусусиятларини билмаслик тасодиғій үшашшылкка таянған қолда хулоса чиқарыш ёлғон аналогия ҳисобланады.

Аналогия үкүв жараённан исботни талаб этадыған қолатларда математик моделлаштырышда бадий ижодда мухим урин тутады.

5. Оламдаги алохида нарсалар, уларнинг хусусиятларини хиссий мушоҳада орқали аниклаш мүмкін. Биз уйнинг томи ёпилмаганини күриб «уй битмаган», дорининг мазасини татигач, «дори аччик» деб айтишимиз мүмкін. Булар оддий, күриниб турған ҳакиқат ва уларни исботлаш учун алохида далил келтириш талаб килинмайды. Лекин аксари ҳолларда (дарс бериш, маъруза ўқиши, ишил ёзиш, илмий изланиш, музозара, суд мажлислари, илмий ишни ёқлаш) каби үз фикримизнинг чинлигини, асосланғанлығини исботлашта тұғри келади. Ана шундай вактларда аргументлаш, яъни далил келтириш мантикий усулидан фойдаланамиз.

Аргументлаш (далиллаш) асосланған фикрларни, чин билимларни хосил килиш усули бўлиб ҳисобланади. Аргументлаш (далиллаш) логичча «argumentatio» сўзидан олинған бўлиб, фикрни асослаш учун қўлланадиган фикрларга нисбатан ишлатилади.

Фикрлар чинлигини асослашнинг мантикий усуулларини ўрганувчи мантиқ фанининг маҳсус бўлими аргументлаш (далил келтириш) назарияси деб юритилади.

Аргументлаш (далиллаш) жараёни оламни билишда илмий тафаккурда, ижтимоий-сийесий ҳаётда мухим аҳамиятта эга. Далиллаш жараёни мантикий фикрлашга бўлган энг мухим талаблардан бири- етарли асосга эга бўлиш, асосли фикр юритиш амалга ошади. Ўаётда, илм-фан, билишнинг турли соҳаларида асослаш, далиллаш жараёни ўзига хос шаклларда кечади.

Далиллаш ўзига хос тузилишга эга бўлиши, қ.уайян максадларга хизмат килиши мүмкін. Лекин далиллаш мақсадлари, қўлланиши қанчалик хилма-хил бўлмасин, улар инсон тафаккурининг энг мухим хислати бўлиб ҳисобланади ва мантиқ қойыдаларига бўйсунади.

Биз у ёки бу фикрни, назарияни, таълимотни ҳакиқий, чин билим сифатыда шунчаки қабул кила олмаймиз. Унинг чин билим, ҳакиқатлигига ишонганимиз тақдирдагина, унинг асослари, далиллари бизда шубҳа қолдирмаган. Тақдирдагина тұғри фикр назария, деб ҳисоблаймиз.

ИНСОННИНГ ОЛАМ ҲАҚИДАГИ БИЛИМЛАРИ ТУРЛІ-ТУМАН БЎЛАДИ. УЛАРНИ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АНГЛАТГАН МАЗМУНЛАРИГА КУРА НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ

билимларға бўлиш мумкин. Назарий билимлар илмий билиш натижалари хисобланади ва уларнинг ҳакиқий билим эканлиги мантикий асослашганлигига намоён бўлади. Кундалик амалий фаолият жараёнида амалий билимлар шаклланади. Уларнинг кай даражада чинлиги. ҳаётдан олингав далиллар билан асосланади ёки инкор этилади.

Шунга кўра далиллаш (асослаш) икки усулда намоён бўлади: а) назариялар, таълимотлар, илмий билимларга нисбат, далиллаш (асослаш), исбот ва раддия шаклида намоён бўлади; б) кундалик ҳаёт жараёнида фикрлар ҳаётний фактлар оркали тасдиқланади ёки улар танқид килинади (кисман рад килинади).

Далиллаш (асослаш) мураккаб жараён бўлиб, унга хилма-хил омилилар таъсир кўрсатади. Бу омилиларни икки гурухга бўлиш мумкин:

1. Аргументлашнинг мантикий асослари.
2. Аргументлашнинг ижтимоий-психологик асослари.

Далиллаш (аргументлаш) хилма-хил шаклларда намоён бўлади. Унинг дастлабки энг оддий шакллари легандада а) исботлаши ва рад этиш; б) тасдиқлаши ва шубҳа остига олиш (уни танқид килиш) назарда тутилади. Шу билан бир қаторда унинг нисбатан мураккаб шакллари ҳам борки, буларга сухбат, баҳс-мунозара кабиларни киритиш мумкин.

Далиллаш юзаки қараганда кишилар тафаккуридаги чин билан ёлон, яхшилик (эзгулик) билан ёмонлик орасидаги зиддиятни бартараф килишлек бўлиб кўрниади. Лекин аслида аргументлар (далиллар) ҳаётнинг ўзидан келиб чиқади ва унда нимага хизмат килишидан катъий назар ишонтириш ва ишониш мухим ўрин тутади. Аргументлаш (далиллаш, асослаш) шундай мантикий усуслари, унинг натижасида муайян фикр, караш, назариянинг чинлиги ёки ҳатолиги асослаб берилади.

Исботлаш, юкорида таъкидлаб ўтганимиздек, аргументлашнинг энг оддий мантикий усули хисобланади.

Исботлаш деганда аввалдан текширилиб, чинлиги аниқланган фикр орқали иккинчи бир фикрнинг чинлигини аниқлаш назарда тутилади.

Исботлаш ва унинг усуллари қадимдан мантиқшунос олимларни кизиктириб келган. Буюк юон мутафаккири Аристотел (э.а. 388-322 й.) ўзининг «Риторика» номли рисоласида одамлар исботланган нарсаларгагина ишонадилар. Инсоннинг энг характерли томонларидан бири исботлашини билишидир, деган фикрни илгари сурган эди. қадимий хинд мантиқшунослари (IV-V асрлар) исботлаш жараёнини батафсил ўрганганлар. Улар исботнинг фикр (тезис), асос, мисол, ўхшашлик, тури-туманлик каби кисмларини асослаганлар. Абу Наср Фаробий (тахм.870-950 йил) исботлаш мантиқ илмининг асосий кисмини ташкил этади, деб хисоблаган.

Ҳаёт шундан далолат берадики, кишилар фикр алмашини жараёнида олам ҳақидаги, ўз муносабатлари ҳақидаги фикрларни шунчаки эшлитиб қабул

килмайдилар. Сұхбат, баҳс-мунозара жараённанда ишлаб чиқариш, фан ва кундалик хаётда кишилар ўз сұхбатдошлари, ўкувчилари тақризиларини ўз фикрларининг чинлигига ишонтирадилар, ўз фикрларини химоя киладилар.

Тезиснинг чинлиги ҳакидаги хулоса чиқариш мантикий усуздир. Билвосита исбот мантикий тафаккурнинг учинчиси истиснот қонунига асосланади. Бу қоғанға мувоғиқ бир вактнинг ўзида ёки антитетис чин бўлиши мумкин. Антитетиснинг хатолиги тезисни чин деб ҳисоблаш имконини беради.

Билвосита исбот, четдан исбот этиш деб юритилади.

Одатда билвосита, яъни инкор этиш орқали исбот З боскични ўз ичига олади. Биринчи боскичда мавжуд тезис Т (исботлаши лозим бўлган фикр)га қарама-карши фикр-антитетис яъни Т илгари сурилади ва шартли равишда чин фикр сифатида қабул қилинади.

Иккинчи боскичда антитетис таҳлилидан келиб чиқалиган фикрлар (C_1 , C_2 , C_3) тезис (T) билан солиширилади. Бунда аниқланган далиллар, асосланган фикрлар таҳлилидан келиб чиқиши мумкин бўлган фикрлар (тахминий хулосалар) солиширилади.

Учинчи боскичда таҳмин қилинган фикрларнинг ёлғонлиги аниқланади ва бундан тезис (T) нинг чинлиги келиб чиқади.

Тажрибалар натижалари, фан далиллари рад этишда кулланиладиган фактлар хисобланади. Бунда фактлар тезис ёки асосни рад эта олиш лозим. Бунинг учун фактлар тўлиқ, аник далил вазифасини уташи лозим.

Тезисда келиб чиқалиган натижанинг хатолигини аниқлаш орқали тезисни рад этиш. Бундай рад этиш тезиснинг чинлигини исбот этиувчи далилнинг тезисга даҳлдор эмаслигини аниқлаш деб юритилади. Агар тезис «а» дан хато ёки зиддиятли далиллар хосил булса, тезис «а»рад этилган бўлади. Масалан «Ҳамма күшлар учади» тезис «а», «Айрим күшлар учмайди» -раддия (B), «Тұяқшұр учмайди» далил сифатида келтирилиши мумкин. Шу далил «A» тезиснинг раддияси «B» фикр эканлигини исботлайди.

Ракиб сұхбатдошнинг исботда йўл тутган хатоларини кўрсатиш. Бунда аксари холларда үчрайдиган хато шундан иборатки, аргумент (далил) тезисни инкор этиш учун етарли асос бўла олмайди. Исботлаш усулидаги хатони аниқлаш рад этиш имконини беради. Рад этишининг яна бир йули бор. Бунда янги тезис (фикр)ни илгари суриш орқали дастлабки тезис (фикр)ни илгари суриш орқали дастлабки тезис (фикр) инкор этилади.

Рад этишининг биринчи, иккинчи усулларида тезис ва асослар буйича баҳс боради, аммо баҳслашувчи рад этилган тезис (T) ўрнига янги тезисни илгари сурмайди. Учинчи усулда баҳслашувчи иккинчи томон биринчи томоннинг тезиси ва асосларини янги тезис ва асослар келтириш орқали рад қиласди.

Илмий баҳс, мунозара а)инсоннинг оламнинг моҳиятини билишга каратилған фаолиятидир; илмий баҳс, мунозара илмий изланишинг кўпчилик томонидан олиб бориладиган шакли хисобланади. Илмий баҳс, мунозара илмий асосланган ҳақиқатни аниқлашнинг мантикий усули ҳисобланади.

Шундай қилиб, чин билим асосланган, исбот этилган билимдир. Тафаккур далиллар, исбот, ради этиш усулларини тўғри кўллашни талаб қиласди.

МУНДАРИЖА

1-мавзу: Этиканинг тадқиқот доираси максади ва вазифалари, аҳлоқий карашлар тарихи. Этиканинг келиб чикиши, унда ихтиёр эркинлигининг аҳамияти ва аҳлоқ тузилмаси.....	4
2-Мавзу. Этиканинг асосий мезоний тушунчалари, аҳлоқий тамойиллари ва меъбрлари. Оила фуқаролик жамияти ва давлатнинг аҳлоқий асослари ҳамда шахс аҳлоқий тарбияси.....	20
3-мавзу. Эстетика предмети, максад ва вазифалари. Эстетик тафаккур тарихи ва унинг асосий босқичлари.....	38
4- мавзу: Эстетик онг ва эстетик фаолиятнинг моҳияти ҳамда ўзига хос ҳусусиятлари. Асосий эстетик категориялар (тушунчалар). Санъат ижтимоий онг шакли эканлиги. Санъатда кўлланиладиган йўналиш услуг ва усуллар (методология). Санъат турлари. Эстетик тарбиянинг максад ва вазифалари. Мустақиллик шароитида эстетик тарбиянинг аҳамияти.....	56
5-мавзу: Мантрик фанининг предмети Мантрик фанининг шаклланиши ва ривожланиши. Ўрта асрларда Ўрта Осиёда мантрик фанининг ривожланиши.....	67
6-Мавзу: Тафаккурнинг асосий шакллари. Тушунча. Хукм. Хулоса чиқариш ва уларнинг моҳияти.....	87
7-Мавзу. Хулоса чиқариш.....	104